

ФЕРУЗА ҚУРБОНОВА

**ОММАВИЙ БАЙРАМЛАРДА
ХАЛҚ ҲЙИНЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2009

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФЕРУЗА ҚУРБОНОВА

**ОММАВИЙ БАЙРАМЛАРДА
ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2009

Тавсия этилаётган ушбу қўлланма халқ ўйинларига бағишланган бўлиб унда сиз ўйинлар тарихи, таснифи ўйинлар хусусиятлари, оммавий байрамлардаги тутган ўрни ҳақида сўз боради.

Ўқув қўлланма маданият ва санъат институтлари ва коллежлари талабалари ҳамда маданият ва санъат ихлосмандларига мўлжалланган.

Данное учебное пособие посвящено истории, классификации игр, и роли массовых праздников.

Пособие предназначено для студентов институтов Культуры и Искусства и колледжей, а также тем, кто интересуется культурой и искусством.

Given scholastic allowance is denoted histories, categorizations of the plays, and dug the plays mass holiday.

The Allowance is intended for student institute Cultures and Art and colleges, as well as one, is interested by culture and art.

Масъул муҳаррир:

*Филология фанлари номзоди,
доцент Равшан Жомонов*

Тақризчилар:

*Педагогика фанлари номзоди,
доцент Адиба Носирова
Санъатишунослик илмий-тадқиқот
институтини катта илмий ходими,
санъатишунослик фанлари номзоди,
доцент Сабоҳат Хайтматова*

Ушбу тўплам Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг Илмий Кенгашида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилган.

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ТАРИХИ

Ватанимизнинг мўътабар тупроғи жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган улуғ инсонларни тарбиялаб вояга етказган. Ўзининг ижодий салоҳияти ва бадиий тафаккур қудрати билан маданиятимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутадиган истеъдодли бахшилар, эртақчи, қўшиқчилар қолдирган маънавий қадриятлар хазинаси халқимизнинг ҳақиқий миллий бойлиги ҳисобланади. Маънавий меросимизнинг энг қадимий қатламига мансуб қадриятлар тизимида халқ ўйинлари алоҳида ўрин тутadi.

Дунёда халқ ўйинлари шаклланмаган биронта ҳам халқ йўқ. Чунки оилада фарзанд дунёга келиши биланок, маълум вақтдан сўнг, у ўзини ўраб олган ташқи оламни турли-туман ўйинлар ва ўйинчоқлар воситасида англай бошлайди. Ўйин инсон ҳаётининг деярли барча босқичларида ўзига хос тарзда ифода этиладиган ихтиёрий фаолият турларидан бири бўлиб, тарбиявий-ахлоқий, ижтимоий- эстетик функция бажаради.

Ибтидоий одамлар қадимги даврлардаёқ ҳар хил жониворлар ҳолатига, хатти-ҳаракатларига тақлид қилиб, турли-туман ўйинларни ўйлаб топганлар. Бу даврда юзага келган овчилик ўйинлари одатда тотемистик ва анимистик қарашлар билан алоқадор бўлган. Дастлаб ибтидоий маросимларнинг таркибий қисми сифатида тотемистик рақс ва ўйин ҳаракатлари, кейинчалик халқ ўйинлари ва томоша санъати асарига айланиб кетган. Шу боис ўзбек халқ ўйинларини тадқиқ этиш қадимий даврларда яшаган аجدодларимиз дунёқарашини ўрганишнинг кенг имкониятларини очади.

Миллий маънавиятимизнинг ўзига хослигини кўрсатувчи жиҳатларидан бири ҳисобланган ўйинлар халқимиз маиший турмушининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Халқ ўйинлари аجدодларимизнинг ижтимоий-маънавий ва эстетик эҳтиёжлари асосида юзага келган. Чунки ҳар бир ўйин шунчаки бўш вақтни кўнгилли ўтказиш воситаси эмас, балки ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашнинг самарали усули сифатида шаклланган қадимий анъаналаридан биридир. Боболаримиз ўз фарзандларини умумбашар қадриятлар ва миллий маънавиятга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида

ўйинларнинг юксак бадий-эстетик қудратидан самарали фойдаланиб келишган. Ўйинлар ҳам халқ оммасининг ижодий салоҳияти натижасида юзага келганлиги, асрдан асрга анъана тарзида яшаб келаётганлиги, турли-туман вариантларда оммалашганлиги, бадий сўз изчил тизим сифатида шаклланган ҳаракат ва оҳанг узвийлигидан таркиб топган.

Халқ ўйинларини тўплаш ва тарғиб қилиш – аجدодларимизнинг ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш борасидаги қадимий анъаналарни тиклаш йўлидаги муҳим бир қадамдир. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Олдимизда мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадриятларнинг аҳамияти минг қарра ортади. Нега деганда ҳар қандай улўғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотиға муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало шу жамият аъзолари бўлган қомил одамларға, келажак баркамол авлодға боғлиқдир. Шу боисдан ҳам халқимиз, фарзандларимиз иқболини ўйлаб қаттиқ бел боғлаб меҳнат қиладиган масъулиятли бир даврда мазкур тушунчалар янада теран маъно касб этади”.¹

Соғлом ва маънан баркамол авлод тарбияси умумдавлат аҳамиятға молик иш деб қаралаётган шу кунларда халқ ўйинларини тадқиқ этиш ва ўрганиш халқимиз миллий этнографик қиёфасини акс эттирувчи ўйинларнинг шахс дунёқараши ва руҳий оламида тутган ўрнини тўғри белгилаш имконини беради. Мустақил давлатимизнинг порлоқ келажаги йўлида эзгу ишлар амалға оширилаётган бугунги кунда миллий мафкуранинг ўрни ва ҳиссаси тўғрисида юртбошимиз И.А.Каримов шундай дейди: “Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилиға, дилиға, руҳиятиға асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизға сингдириш лозим.”²

¹ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент “Ўзбекистон”, 1994. 127-128 бетлар

² Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.Ўзбекистон. 1993. 168 бет.

Миллий ғояни халқимиз руҳиятига чуқур сингдиришда маънавий кадриятларимизни таркибий қисми ҳиосбланган анъанавий ўйинлар, байрам ва маросимлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, миллий истиқлолни мустаҳкамлашда байрам ва оммавий сайл ва томошалар замирида мужассамлашган халқона руҳга суяниш даркор.

Мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгач халқ ўйинлари билан боғлиқ кадриятларимизни ҳам тиклаш жамият учун ҳаётий эҳтиёжлардан бирига айланди. Шу боис халқ ўйинларининг анъанавий шакллари тиклаш, байрам шароитида унинг эстетик аҳамиятини оширишда ўйинни назарий асосларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Халқ ўйинларининг келиб чиқиш тарихини тадқиқ этиш, ўйинларни тавсиф қилишнинг илмий-назарий мезонларини ишлаб чиқиш, ўйинларни миллий кадриятлар тизимини шакллантиришдаги эстетик ўрни ва ижтимоий вазифаларини кўрсатиб бериш, шунингдек, уларни ўрганиш маънавий меросимиз дурдоналари тизимини кенг қамровли таҳлил қилишнинг янгидан янги имкониятларини очади.

Халқ ўйинларини илмий тадқиқ этиш миллий ўйинларимизга алоқадар бир қанча жиддий ва мураккаб массаларни ўз ичига қамраб олади. Маълумки ўйинни ижтимоий моҳияти, келиб чиқиши, шаклланиш, босқичлари, маънавий-маданият тузилишида тутган ўрни ва услубий воситалари хусусида турли-туман, ҳатто бир-бирига зид назарий қарашлар мавжуд.

Ўйинлар ҳақидаги назарияни Л.С.Виготский С.А.Рубинштейн. В.Т.Марц, Л.Б.Эльконин каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-педагогик назарияси ўйин хатти-ҳаракатига кишилараро ижтимоий-ролли фаолиятнинг эстетик шаклларида бири деб қараш ва шу орқали ўйиннинг ўзига хос хусусиятларини ажратишга имкон беради.

У.Х.Қоробоев, А.А.Канович, А.И.Мазаев, О.Л.Орлов, В.Понамарёв, Е.В.Руденский, Б.Сайфуллаев сингари олимларнинг илмий ишларида ҳам ўйин мулоқатнинг ўзига хос ижтимоий моҳияти масаласи кўриб чиқилган.

Шу маънода байрам-ўйин мулоқотини тадқиқ қилишнинг назарий асослари ва амалий масалалари етарли даражада ишлаб чиқилган деб бўлмайди.

Ўйин-жараёни категория бўлиб, унинг моддий негизида фаолият ётади. Ўйин ҳамма вақт ижтимоий вазифани бошқариб келган қандайдир мавхум ўзлик орқали вужудга келиб, ўзининг мавхум ўзгалик онгида вужудга келтиради, шу тарика у ўзгаликнинг ўзлигини ташқи оламга қайтаради. Бинобарин, ўйин ташқаридан бар бутунлик ҳосил қилган икки асосий жараённи – тарбия ва ўз-ўзини намоён этишни таъминлайди ва фарқлайди. Фаолият эса мана шу бир-бирига зид равишда изоҳланган икки йўлни боғловчи ришта ҳисобланиб, унинг ўзаро айланиш ҳаракати ўйиннинг бир бутунлигини, яхлитлигини, қимматини ташкил этади. Шундай қилиб ўйин фаолият ўзининг ўзгалик, ўзлигидаги ҳар тарафлама имкониятдаги воқеълигидир.

Агар биз ўйиннинг ижтимоий фойдали, моддий маҳсуллигини биринчи поғонага қўядиган бўлсак, бундай ҳолда ўйин иккинчи даражага ўтиб қолади ва ўзлик маъноси касб этади, унинг фаолият фазилати мақсадга эришишда кўпроқ самарадорлик, кўпроқ моддий наф келтиришга имкон туғдиради. Ўйин-бу мавхум нарса фаолиятсиз у Кантча “нарса ўзида” бўлиб қолади. Айнан ҳамкорлик вақтида, биргаликдаги яхлит ҳаракатда ўйин-модалик моддий фаолият шаклини ихтиёр этади ва ўз навбатида кейингисини қимматини оширади. Бу – ўйиннинг кенг маънодаги тушунчасидир. У ўйини ўз фаолиятини амалга оширишда бошқа ҳеч қандай мақсадни ифода этмайди.

Халқнинг бўш вақтини самарали ташкил қилишда анъанавий халқ ўйинлари муҳим ўрин тутди. Байрам-ўйин муносабатларидан иборат маданий дам олиш амалиёти ўзининг умумий тузилиши ва ижодий ўзгарувчанлик хусусиятига кўра ижтимоий ходиса бўлиб, унинг асосини ташкил этувчи байрам ўйинлари – кишиларни ижодий – маънавий имкониятларини жамулжам қилиб тўплаш имконини берадиган маданий дам олиш тадбири ҳисобланади. Байрамда кечадиган ўзаро мулоқатнинг

ташаббускорликка мойиллиги эса шахснинг ўз ижодий имкониятларининг тўла намоён қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Шунинг учун ҳам маданий дам олишнинг байрам шаклидаги кўриниши ананавий ўйинлардан самарали фойдаланишга асосланиши ҳам аслида жамиятни маънавий соғломлаштиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Инсоният тарихини дастлабки даврларидан ўйинлар ҳаётда муҳим ўрин тутган. Ўйинлар ёрдамида инсоният ўсган, улғайган, чиникқан, жисмонан бақуват бўлган, ақлан, руҳан ривожланган, маънавий камол топган. Ўйин инсоният тараққиётида катта аҳамият касб этган. Бунинг сабаблари қуйидагича:

Биринчидан, инсонда ўйинга нисбатан табиий эҳтиёж бўлиб, у ҳаётдаги бўшлиқни тўлдирган, инсон танидаги ортиқча кучни сарфлашга, етишмаган кучни тўплашга ёрдам берган.

Иккинчидан, ўйинлар халқ тарихининг инъикосидир. Ўйинлар инсоннинг турмуши, меҳнати, тажрибаси, ташвиши, кураши, ютуқларинг акс эттиради. Ўйинлар орқали биз инсоният тарихи, орзу ўйлари, муаммолари, ниятларини ўргансак бўлади.

Учинчидан, ўйин инсон маданиятининг энг қадимий кўриниши, кўпгина маънавий соҳа (рақс, томоша-театр, мусиқа, спорт, маросим каби)ларнинг манбаи сифатида хизмат қилган.

Тўртинчидан, ўйинлар авлод-аждодларимизнинг соғломлаштирувчи воситаси ҳисобланган. Ота-боболаримиз халқ ўйинлари ва мусобақалари ёрдамида ақлан расо, руҳан тетик, жисмонан бақуват бўлиб келган. Соғлом авлодларни шакллантиришда ўйинлар асосий омилга айланган.

Бешинчидан, ўйинлар энг самарали тарбия воситаси. Болалар ўйинлар орқали ҳаётга тайёргарлик кўрган, турмушдаги қийинчиликларни енгишни машқ қилган, иш ва курашда ғалаба қилишни ўрганган.

Олтинчидан, ўйинлар аждодларимизнинг тажрибасини ўзида уйғунлаштирувчи маданий мерос ва замондошларимизни айниқса, ёш авлодни ақлий, руҳий ва жисмоний баркамол бўлишига хизмат қилувчи бебаҳо манбадир.

Демак, ўйинлар – халқнинг табиий ва тарихий эҳтиёжи сифатида шаклланган; аждодлар турмуши меҳнати, тажрибаси, кураши, ютуқларини акс эттирадиган, инсон маданиятининг энг кўхна шакллари, кўпгина маънавий соҳалар сарчашмаси, соғлом авлодни шакллантирувчи тарбия воситаси ва замондошларимизнинг жисмоний, рухий, ақлий ривожланишига хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Ўйин қадим замонларданок инсониятнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин эгаллаб келганлиги сир эмас. Ибтидоий одамлар териб еб кун кечириш билан машғул бўлган даврда бу соҳага оид иш тажрибалар билан бирга ўйин-мусобақаларга ҳам эҳтиёж сезила бошлади.

Биринчидан, териб ейиш даврда ким кўп ва тез мева захирасини йиғса, у тўқ бўлган. Бу ўзига хос мусобақани вужудга келтирган.

Иккинчидан, моҳир теримчилар қариганида, уларга дарахт учига чиқиб, хатарли шохларда туриб, мева териш қийин бўлган. Болаларда эса, ҳаракат – ўйинларга мойиллик бўлган. Бундан фойдаланган қариялар болаларга мева теришни иш сифатида эмас, балки ўйин шаклида ўргатишган.

Учинчидан, ибтидоий даврда уруғ-қабилалар ўртасида серҳосил жойлар учун жанглар бўлиб, улар оқибатида қурбонлар кўп бўлган. Борган сари масалани маданий шаклда ҳал қилиш йўллари изланган. Бунинг натижасида бир-бири билан икки уруғ эмас, балки уларнинг сардорлари яккама-якка жанг қилганлар. Вақт ўтиб, ўлим билан тугайдиган жанглар ўрнига, маданийлашган сардорлар кураш-олишувлари вужудга келган. Бу олишувлар эса ҳозирги миллий курашларнинг ибтидоси бўлади.

Тўртинчидан, қабилалар ўз муаммоларини жанжал билан эмас, балки тинчлик йўли билан ҳал қилиш мақсадида қўшни уруғ вакилларини меҳмонга чақирган. Инсон турли ривожланмаган бу даврда меҳмон ва мезбонлар ўз фикрларини пантомим ўйин-рақс қабила шакллани бошлайди.

Кураш – аجدодларимизнинг энг қадимий мусобақаларидан бири эканлигига кўплаб тарихий ва ашёвий далиллар топилмоқда. Академик А.Аскарлов бу борада тасвирий аксга эга бўлган қатор археологик топилмаларни мисол келтиради: биринчисидан – 3,5 минг йил илгари яшаган зардуштийларнинг спол идишдаги тасвирдан – кураш манзараси – бир-бирининг оёғини чалаётган икки паҳлавон олишуви; иккинчисидан – 2,5 минг йил аввалги сак қабилаларининг от тўқасидаги тасвирдан – икки кучли, чайир паҳлавонлар бир-бирларининг оёғидан олишаётгани, учинчисидан 1,5 минг йил аввалги кумуш чўмичдан икки паҳлавоннинг отдан тушиб, қурол-аслаҳаларининг тахлаб қўйиб беллашаётгани, жумладан, бир-бирларини белбоғидан тутиб, иккинчи қўли билан (отлари олдида тахлаб қўйилган) қурол санчиқни олишга интилаётганлиги акс эттирилган.

Одамлар овчилик билан шуғуллана бошлаганда, уларнинг ови самарали тугаса – қорни тўйган, ов натижа бермаса оч қолган, қийналган. Овдан ўлжа билан қайтишаётган овчилар хурсанд бўлиб, ов жараёнини имо-ишора, махсус ҳаракатлар ҳамда ўйин шаклида такрорлашга ҳаракат қилишган. Натижада “ов ўйинлари” номи билан тарихда муҳим тутган маданий тадбир вужудга келади.

Ибтидоий одамлар ҳаётида “овчилик ўйин”лари муҳим ўрин тутиб, улар овдан олдин ҳам, ундан сўнг ҳам ўтказилган. Овдан олдинги ўйинлар – ов олди машқи (овга тайёргарликни текшириш, овга руҳий ва жисмоний шайланиш) вазифасини ўтаб, ўзига хос кичик жиддий ʼадбир шаклида уюштирилган. Ов олди машқларида одамлар ўлжани қўлган олиш, унга яқинлашишни ўрганишган, бунинг учун ниқоб кийиб ҳайвон қиёфасига киришни, унинг юриш-туришлари ва товуш чиқаришларини машқ қилишган. Бу ўйинларда ёшларни ҳам ов қилишга ўргатишган.

Ўйин фақатгина чаққонлик машқи, довюраклик дарсигина эмас, балки ўз замонасига мос одамларни тарбиялаш мактаби ҳам бўлиб хизмат қилган.

Овчилик асосида чорвачилик шаклланади. Чорвани боқишга оид муҳим меҳнат жараёнлари, масалан, сигир туққанда “гелагай оши” қилиш, сигир соғиш (“хўш-хўш”), чорвани сўйиб қишга гўшт маҳсулотларини тайёрлаш дақиқаларида бу жараёнларни акс эттирадиган ўйинлар пайдо бўлади. Аниқроғи, катталар меҳнат қилишаётган вақтда болалар уларнинг иш жараёнини ўйин шаклида такрорлаб туришган.

Чорвачиликда муайян ҳайвонлар: от, хўкиз, эшак, туя, буғу меҳнатидан фойдаланиш жараёнида ҳам бу ҳайвонлар ҳаракатларини тақлид қиладиган ўйинлар вужудга келади. Масалан, баҳорда ер ҳайдаш учун хўкизни боқиш – “Хўш-хўш”, шохларини мойлаш, бўяш – “Шохмой”, қўш ҳайдаш маросимлари (“Қўш ҳайда”), илк бор от эгаллаш вақтида “Қайсар от” каби ўйинлар пайдо бўлади. Шунингдек, қўй жунларини олиш мавсумий маросими, қорамол териларини ийлаш ва улардан пўстин тикиш, жун йигириш ва кийим тўқиш анъаналари, турли қўшиқ-рақслар, ўйинлар ёрдамида амалга оширилган.

Хуллас, чорвачилик тармоқларининг ҳар бири, масалан, қорамочилик, қўйчилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик кабилар билан боғлиқ ўзига хос ўйин-одатлар пайдо бўлган.

Дехқончилик вужудга келиши ва ривожланиши натижасида икки анъана:

1. Баҳорда меҳнат мавсумига кириш,
2. Кузда ҳосилни йиғиш мавсумига башғишланган маросимлар юзага келади.

Айниқса, ёз бўйи меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирган деҳқонлар хурсанд бўлганидан ўзига хос хирмон тўйини ўтказиб, унда меҳнат жараёнларини ўйинлар орқали акс эттиришган. Бу “меҳнат ўйинлари” яхши кайфиятда, байрам ҳолатида ўтган.

Шундай қилиб энг қадимий даврдан бошлаб инсон ҳаётида термачилик, овчилик, чорвачилик, деҳқончиликка оид меҳнат тажрибалари билан бирга ўйин-рақслар шакллана бошлайди. онгли меҳнат ва тажриба асосида турли ўйинлар пайдо бўлади. Ўз навбатида бу ўйинлар меҳнатнинг

тараққий этишида, инсон ривожланишид ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки ўйинлар бошқалар тажрибасидан, илғор ютуғидан, кексалар ибратидан, авлодлар меросидан самарали фойдаланишга имконият яратган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маросим, санъат, ижод каби маданият турларини вужудга келишида ва ривожланишида ўйинлар ўта муҳим рол ўйнаган. Образли қилиб айтганда, ўйин кўпгина қадимий маданий турларнинг, жумладан, рақс, театр, спорт кабиларнинг “онаси” ҳисобланади. Дастлаб ўйин инсоннинг ривожланиши учун керак бўлган бўлса, кейинчалик инсон ўйинни ривожлантирди.

Ҳар бир тарихий давр ўз ўйинларини яратади ва бу ўйинлар ўз даври кишисини тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Ўйинлар одамларда яшаш учун энг зарур бўлган сифатларни шакллантирибгина қолмай, балки уларни ҳар томонлама – маънавий ақлий, жисмоний ривожлантиришда ҳам аҳамиятли бўлган. Лекин асосий эътибор ўша вақт учун жуда муҳим бўлган хусусиятларга, масалан, итоат қилиш, буйруқни бажариш, жанговарлик кабиларга қаратилган.

Ўйинларнинг шакли ва мазмуни аввало табиий шароитдан, меҳнат фаолияти, кишилар орасидаги ўзаро муносабат, ижтимоий ахлоқ, сиёсий вазият кабилардан келиб чиққан. Ўйинлардаги “низоли” ҳаракатлар ижтимоий ҳаётдаги қарама-қаршиликларнинг ифодаси ёки ўзига хос акси сифатида вужудга келган.

Аждодларимиз босқинчиларга қарши жонини аямай, мардларча жанг қилиб, Ватанни ҳимоя қилишгани тарихдан маълум. Албатта улар жанг қилиш, олишиш, курашишни машқ-ўйинларида ўрганишган. Фикрни исбот қилишга кўплаб тарихий маълумотлар топса бўлади. Масалан: тарихчи аждодимиз Герадот милиддон олдинги V асрда Марказий Осиёдаги “саклар” ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Саклар дунёдаги барча мерганлар орасида ўқи зое кетмайдиган жуда моҳир мерганлар сифатида шуҳрат қозонган”.

Ўйин бахсларда аёллар эркаклардан қолишмасликлари ҳақида II асрда Римлик олим Александрский: «Сак аёллари айёрлик билан қочиб.., от

устида худди эркаклардай орқага бурилиб ўқ узар эдилар» - деб ёзиб қолдирган.

Герадот Массаетдар мадихаси Тўмараснинг мардлиги, довюраклиги, жасурлиги ва жанговарлиги ҳақида ёзган. Тахмин қилиш мумкинки, Тўмарис ўзида ва ўз аакарларнда бундай буюк фазидатярни шакллантириш учун магик, мусобақа, жакговар ўйинласдан маҳорат билан фойдалаingan.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби - «Авестодга халқ одатлари, маросимбайрамлари қаторида ўйинлар ҳақида ҳам. қимматли манбалар топиш мумкин. Зардуш-тийларшюг ўт билан боғлиқ кўплаб одатлари ҳозирга кунгача ўйин шаклида етиб келган. «Ўт ўйин», «Ўтдан сакраш», «Оловдан айлантириш», «Машғала ўйин», «Сандал ўйин» кабилар бунга мисол бўла олади.

Ислон дини кишиларни руҳан ва жисман комил-ликка чорлаб келган. Бу дин пешволари ҳар хил мусобақаларга турлича муносабатда бўлишса ҳам, умуман олганда ислон машқ-ўйинларга қарши бўлмаган. Муҳаммад Алайхиссалом: «Болаларимизнинг ёшлик давридан бошлаб сузишга, отда чопишга, қилич ўйнашга, камондан ўқ узишга, кураш тушишга ўргатишимиз зарур», деб уқтирган эдилар. Муҳаммад Пайғамбаримиз яна шундай дейдилар: «Қимки ёшлигида ўқ отиш санъатини яхши эгаллаб, сўнг уни тарк этиб юборган бўлса, демак улуғ неъматлардан бирини кўлдан берибди». Демак, бундан келиб чиқадики, ислон дини машқ санъатини ёшликдан бошлаб у билан доимо шуғулланишга чорлайди.

Ўйинлар халқ ҳаётининг муҳим қисми бўлганлигини Шарқ алломолари - Фирдавсий, Беруний, Ибн Сино, Махмуд Қошғарий, Кайкавус, Алишер Навоий, Бобур мирзонинг асарларидан ҳам билса бўлади. Чунки Фирдавсий - шоҳлар ўйинлари, Беруний қадимга халқлар ўйинлари, Ибн Сино — ўйиннинг шифобахш хусусиятлари, Махмуд Қошғарий - туркий халқларига оид кўплаб ўйин турларининг баёни, Кайковус — ўйинлард қатнашиш одоби, Алишер Навоий — паҳлавонлик, зўрчи каби

ўйинларнинг бадий ифодаси, Бобур ўйинлар завқи-шавқи ҳақида жиддий фикрлар изҳор этганлар.

Тарихий ўйинларни ўрганишда Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғоти турк» асари асосида муҳим ўрин тутди. Бу луғатда халқ ўйинларининг 150 дан ортиқ турлари тилга олинади ва уларнинг 20 тасига таъриф берилади.

Жумладан, девонда «Қорағуни» (коронғуда кўрғок олиш), «Бандол» (асир олиш), «Ўтиш-ўтиш» (давра ўйини), «Мунгаз» (сув ўйини), «Чавгон» (тўп ўйини), «Ўтиш-ўтиш» (туртиб ўтиш ўйини), «Ўт бандал» (таёқ ўйини), «Тирандозлик», «Оқ сўнгак», «Жангли-мангли», қиличбозлик, найздорлик, Ўқ отиш каби кўплаб ўйинлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Шунингдек «Сўкимга боқиладиган», «Юк ташиш», «Қазот», «Пойга» каби от ўйинларга ҳам тўхталган. Ўйинларда ғолиб чиқиши мумкин бўлган зўр отларни етиштиришда: «Ёв-войи отдан қочган хонаки байтал боласи пойгада энг чопқир от бўлади» деб таъкидлайди.

Махмуд Қошғарий ўйин ва мусобақаларга нисбатан «баҳс» атамасини ишлатган. (Масалан, мерганлик баҳси, ҳайвонларни овламоқ баҳси, от устида олишиш баҳси ва ҳоказо). Девонда ўйинларга оид кўплаб атамалар ҳам келтирилади. Масалан: «ойун» (ўйин), «ойнагу» (ўйинчоқ), «утуш» (ютуш), «тобиқ» (човган тўпи) «чўмишди» (сувга шўнғишда баҳслашув), «тулди» (урди) ва ҳоказо.

Махмуд Қошғарий «Мунгуз-мунгуз» номли болалар ўйинини шундай таърифлайди: болалар тиз чўкиб, денгиз лабида ўтирадилар. Сонлари орасига хўл қум солиб тўлдирадилар. Сўнг қўллари билан қумни урадилар. Улардан бири (она бошиси) - «мунгуз-мунгуз» дейди. Қолганлари - «На мунгуз - ниманинг мунгузи?» (шохи) деб сўрайди. У бирин-кетин шохли ҳайвонларнинг номларини санаб кетади. Унинг кетидан улар ҳам такрорлайдилар. Сўнг онабоши шу номлар орасида туя эшак каби шохли йўқ ҳайвонлар номини айтиб чалғитади. Болалардан бирортаси унинг кетидан шохсиз ҳайвон номини айтиб юборса, у сувга итариб юборилади.

Хуллас, Махмуд Кошғарий «Девону луғотит турк»да қадимш туркий халқларда анъанага айланган ҳаракатли, ақлий ва воситал» ўйин, баҳс, мусобақалари ҳақида бебаҳо маълумотлар келтирган.

Тарихий адабиётлардан биламизки, қадимги ва ўрта асрлар давридаги, минглаб ўйинлар ичида шундай мусобақа бўлганки, бунда шахарнинг икки қисм вақллари орасида «Қилич жанги», «Туя пойга», «Туялар жанги», “Отлиқлар пойгаси” ва хоказолар ўтказилган. Уларга шахар аҳли йил давомида тайёргарлик кўришган.

Ўрта асрлар Шарқ миниатюраларида “Човгон ўйини”, “Қабoқ ўйини”, “Чимтўп” қабилар тасвир-ўйинлар тарихига катта қизиқиш туғдирмасдан иложи йўқ.

Афсоний ва тарихий шахсларнинг шаклланишида халқ ўйинлари муҳим ўрин тутган. масалан, Алпомишни алп қоматли паҳлавон бўлишида мерганлик, олишиш, найза отиш, қиличбозлик, чавандозлик, от кураш каби мусобақа-ўйинлари асосий омил бўлган.

“Алпомиш” достони халқ ўйинларини ўрганишда ўта муҳим манба бўла олади. Унда кураш, от пойга, улоқ, найза санчиш, командан ёй, ўқ отиш, қиличбозлик, мерганлик аби ўйинлар негизида жасурлик, жанговарлик, ориятлилиқ, матонат, маънавий ва жисмоний комиллик билан боғлиқ фазилатларни тарбиялаш бўйича халқ тажрибаси ўз ўрнини топган.

Достонда Барчиной от чоптириб пойгада ғолиб чиққанга, минг қадамдан ёй билан танга пулни урган мерганга, кураш тушиб тўқсон алпни йиққан полвонга тегишини шарт қилиб қўяди. Барчиной васлига етишни истаганлар орасида баҳс-мусобақа авжига чиқади. (Бу ўша даврнинг ўзига хос халқ ўйинлари анжумани сифатида намоён бўлади). Албатта бу мусобақа – ўйинларида Алпомиш ғолиб чиқади ва бош соврин ўрнига Барчинойга уйланиш бахтига сазовор бўлади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳар томонлама камол топишида ҳам ўйинлар катта роль ўйнаган. Амир Темур ёшлигида олишув-кураш, от ўйинлари, чавандозлик, пойга, мерганлик, қиличбозлик, найзабозлик, тш

қўтариш, узоққа чопиш каби мусобақаларда қатнашиб чиниққан. Ёшлигидаги бу ўйин-машқлар кейинчалик соҳибқиронга жуда асқотган.

Ўзи ўйин-машқларидан ўз қўшинини ҳарбий тайёрлашда кенг фойдаланган. Жаҳонгир Амир Темур ўз қўшинининг руҳий ва жисмоний бардам қилиш учун машқ, мусобақа, ўйинлар тизимини яратган.

“Ўша даврларда ўзига яраша мусобақалар шаклидаги курашлар уюштирилиб турлиган. Мисол учун, от ёки туяни тез югуртириб найзани нишонга аниқ санчиш, қилич билан “душманни чопиб” ташлаш, олдинда “қочиб кетаётган” рақибини ўқ-ёй билан нишонга олиш ҳам от ёки туя устида кета туриб орқади таъқиб қилаётган рақибини камондан ўққа тутиш кабилар. Мана шу машқлар айникса, чаққонлик, эпчиллик, чидамлилиқ, чапдастлик, мўлжалга тез, аниқ нишонга олиш каби сифатларни ривожлантирган. Шунинг учун жангчилар ўз устиларида иложи борица машқ қилганлар”.³

Амир Темур ўз сипоҳларининг ниҳоятда жасур, эпчил ва чаққон бўлишини талаб этган. Ўз аскарларини қиличбозлик, найза улоқтириш, мерганлик, баланд қоядан арқонда чуқур сойга тушиб ўзи билан яна пастдан тош олиб чиқиш ва ҳоказо ҳарбий-тайёргарлик машқларидан фойдаланишга ўргатган.

Темурнинг асосий шиорларидан бири «Оз бўлса ҳам соз бўлсин!» дейилади. У «тадбиркор бир киши уқувсиз минг кишидан яхшидир» - деб бекорга айтмаган. Шунинг учун у бир неча душманга бас келадиган аскарларни машқ, ўйин, мусобақа орқали тарбиялашга алоҳида аҳамият берган. Амир Темур қўл, қалқон, пичоқ, қилич, ёй, найза ва тиг билан жанг қила оладиган жисмоний ва руҳий бақувват полвон, мерган, қиличбоз аскарлар - махоратли жангчилар тайёрлаш мактабини яратган.

Унинг тажрибаси нафақат замонавий аскарлар тайёрлашда, балки ёшларни мард, жасур, кучли, чаққон, эпчил қилиб тайёрлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

³ Жисмоний тарбия, спорт ва маънавият. Т.1995. 22 –бет.

Алишер Навоий асарларида «уюн» (ўйин) сўзи жуда кўп учрайди, Бу улуғ зот ўйин атамасини анча чуқур ва кенг қамровда тушунган. Навоий ўйин сўзини баҳс, мусобақа, тортишув, томошалар, кўнгил очиш тадбирлари, кишилар ўртасидаги шўхликлар, шатранж, нард, кимор ўйинлари, кўчқор, хўроз, бедана уриштириш, от эшак, эчки, илон, айик ўйнатиш, улоқ, пойга, кураш, човгон, тирондоз, шунингдек, ракс, масхарабозлик, дорбозлик, кўғирчоқ, сўз ўйинлари, муккалид, қиссахонлик каби кўплаб ҳодисаларга нисбатан қўлланган. Навоий ўз асарларида биринчидан кўплаб ўйинларни қандай уюштирилганлиги ҳақида бебаҳо маълумотлар беради.

XV асрдар ёзилган Алишер навоийнинг “Маҳбубул-қулуб” асарида “оқсуяк” - болалар ўйини деб таъриф берлиган. Ўйин баёни: “Оқсуяк” (Оқ сўнгак) ўйинда болалар ўзларига бошлиқ сайлаб оладилар. Бошлиқ кўлидаги “оқ сўнгак” деб аталмиш молнинг сон суягини болаларга кўрсатиб бўлиб, уни кучи етганча узоққа ирғитади. Болалар суякнинг қаерга тушганини кўриб турадилар, болалар унга қараб югурадилар. Кимки суякни топиб олиб, атрофдаги болаларга олдириб қўймай бошлиққа олиб келиб берса, ўйинда ғолиб ҳисобланади ва совринга эга бўлади. Иккинчидан, Навоий ҳаётий ҳодисаларни бадиий ифодалашда ўйин турларига мурожаат қилади. Фикримизнинг исботи учун Навоийнинг “ўйнамоқ” ғазалига мурожаат этамиз:

Санга иш жавлон қилиб майдонга чавгон ўйнамоқ,
Манга оллингда богшимни гўй этиб жон ўйнамоқ.
Бош овучлаб эгма қомат бирла қолмоқ рахшидан,
То тилар чобуксуворим кўнгли чавгон ўйнамоқ.
Кўз қаросин ўйнатур ҳар лаҳза ул мардумми кўр,
Ҳиндуийдекким эрур ойини қалқон ўйнамоқ.
Ўйнай-ўйнай алдадинг куфр ила динимни бадал,
Оллоҳ-оллоҳ, бумудур, эй номусулмон ўйнамоқ.
Жавр тоишн ул пари ўйнаб отай дер эл сари,

Ваҳқи, бу девонаға етгач не имкон ўйнамоқ.
Чарх ўюн бирла олур нақдин элдин, воқиф ўл,
Бу мушаъбид бирла бўлмас ақли ирфон ўйнамоқ.
Ваъда кўп қилдинг Навоийға ва лекин ўйнабон,
Мунча бўлғай эл била, эй аҳди ёлғон, ўйнамоқ.

Навоийнинг бу ғазалида човгон, сўз, жон, рақс, қалқон, имкон, ифрон, комон, жавр тоши, чарх каби сўзлар бевосита ўйин билан боғлиқ ҳолда ёки ўйин деб таърифланади.

Навоийнинг асарларида «ўйинчи», «шўхбоз», «бозигар» каби кўплаб ўйинга оид тушунчалар ишлатилади. Машҳур санъатшунос олим Муҳсин Қодиров фикрларида кейинчалик бу сўзлардан «ўйинбоз», «ўйинхона», «ўйин-кулгу» каби атамалар пайдо бўлган. Алишер Навоий даврида кураш, човгон, тирандозлик, нард ва бошқа ўйинларга мўлжалланган ўйингоҳлар машҳур бўлган. (М. Қодиров. Ўтмишдаги томошагоҳлар. Тошкент оқшоми 12 сентябр 1991 йил).

Буюк Хоразм шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг ижодий фаолиятида халқ ўйинларига алоҳида аҳамият беради. Ўйинлардаги ақлий, руҳий, нафосат, маънавий имкониятларини фаҳмлаган ҳолда, ўйин вақтида боланинг феъл-атворини тезроқ билиб олиш, унинг салбий ва ижобий сифатларини осонроқ аниқлаш, беъмани қилиқларини бартараф этиш мумкин деган дидактик хулосага келади. У кураш, чавандозлик, от устида кураш, от устида туриб камон отиш, от пойгаси, от устида қиличбозлик, чавгон, чиллак, сопқон, камондан отиш бўйича мерганлик, шатранж, нард, дорбозлик, масхарабозлик, тош кўтариш, пичоқ ўйини ва бошқа халқ ўйинлари ҳамда одатлари тўғрисида изох берар экан, болалар ўйинларининг тарбиявий томонларини бирма-бир таърифлаб улар орқали болаларини ботирликка, эпчилликка, чақонликка, мувозанатни сақлашга ўргатиш учун уларнинг қадди-қоматини чиройли, гўзал бўлиб шаклланиши ва соғлом бақувват бўлиши кераклигини таъкидлаган. (Бу

хақда қаранг: Исакова М.Т. Комил инсон тарбиясида миллий қадриятлар. Алпомиш. Илмий-амалий анжуман матнлари. Фарғона 2000. 41-45 бетлар.

Ўйинларнинг энт муҳим томонларининг бири шундаки, инсон ҳаётида эришолмаган ёки ўзита етишмайдиган нарсалар, ходисаларга ўйин ёрдамида эришади. Ўйин орқали инсоннинг (жисмоний, рухий, ақлий) кучи ривожлантирилган, унинг ёрдамида, керак бўлса, инсон ортиқча кучини ҳам ўзидан чиқариб юборган, сарфлаган. Тиббий эҳтиёжларни кондиринишда ҳам ўйин муҳим восита ҳисобланган.

Маълумки, барча ўйинлар орасида турли касб эгаларининг ҳам ўзига ҳос ўйинлари бўлган, Баъзи тадқиқотчилар фикрича улоқ (кўпқари) ўйини чорвадорлар орасида кенг тарқалган экан. Албатта бундай ўйинлар чўпон-чорвадорларнинг эҳтиёжларига кўра вужудга келган. Маълумки, чўпонлар камроқ ҳаракат қиладилар. Бунинг устига улар ўз касб хусусиятларига кўра мулоқотга, қизиқарли ўйинларга ўч бўлишади. Чўпонлар подани ташлаб кета олмасликлари туфайли ўша атрофда ўйнаш имкониятларини излаганлар. Бунинг учун улар атрофида мавжуд жой ва воситаларнинг ўзи кифоя бўлган. Пода боқиладиган ўтлоқ ўйин учун жуда қулай бўлган, доим қўлдан тушмайдиган чўпон таёқ эса «чавгон» вазифасини бажарган. Тўпни эса қўй (ёки мол) жунидан осонликча ясаб олинган. Шу тариқа чўпонларнинг «Подачи», «Пода тўп», «Жун тўп», «Чим тўп», «Чавгон» каби ўйинлари пайдо бўлган. Тарихдан маълум бўлган «Човгон» номли ўйин дастлаб подачилар, йилқичилар ўйини бўлиб, кейинчалик турли табақалар орасида, ўрта асрларда эса отлик ҳарбийлар ўртасида кенг тарқалган, Бундай ўйинлар Шарқ мамлакатларида машҳур бўлиб, уларнинг бири «Чим тўп» деб номланган. Бобир лашкарлари бу ўйинни Ҳиндистонда ҳам севиб ўйнашган, Шу билан бу ўйин у ерда ҳам оммавий тус олади. Инглизлар Ҳиндистонни босиб олгандан сўнг бу ўйинни инглиз солдатлари Англияга олиб ўтишади. Шувдай қилиб бу ўйин асосида янги «Чим устида хоккей» номли ўйин дунёга кенг тарқалади.

Тарихда тўй-байрам ўйинлари алоҳида аҳамият касб этган. Халқ ўйинлари айниқса байрам, тўй, сайл кунлари авжига чиқиб, бу тантаналарнинг кўрки ҳисобланган ва уларга файз киритган. Халқ ўртасида «Пойга», «Подачи», «Ёстик ўйин», «Тош ўйин», «Ағдариш», «Човгон», «Қобок ўйин» (от устида камонда отиш бўйича мерганлик) «Гўй бози», «От пойгаси» каби ўйин ва мусобакалар айнан байрам кунлари авжига чиққан. Айниқса кураш, пойга, кўпкари (улоқ) кабилар машхур бўлган.

Шукингдек, байрам ва дам олиш кунлари турли характердаги кимор ўйинларини чунончи, «суяк» («ошиқ») ўйини тухум уриштириш, бедана, хўроз, ит ва кўчкор уриштиришларни ҳам учратиш мумкин бўлган,

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, анъанавий байрам кунлари кизиқарли оммабоп халқ ўйинлари учун ўзига хос норасмий жадвал-календаръ ҳисобланган. Байрам («Наврўз», «Курултой») кунлари ўйин иштирокчилари ҳам томошабинлар ҳам азалдан маълум жойга (сайлгоқга) эълонсиз тўплана беришган. Халқ ўртасида кенг тарқалган ўйинлар (кўпкари-улоқ, кураш кабилар) оддий мусобақа-ўйин бўлибгина қолмасдан балки, уларни уюштириш ўзига хос маросимга айланиб қолган. Масалан, тўй-томоша ва сайлларда уюштириладиган кураш мусобақаларининг ўз анъаналари мавжуд бўлган. Бошқача қилиб айтганда, тўй кунлари ўзига хос спорт маросимидан ташкил топган: кураш мусобақаларини томоша қилиш учун юзлаб томошабин-ишқибозлар йиғилган, обрўли кишилар ва оқсоқоллардан ҳакам (халолчи), хайъати сайланган. Мусобақа ўз тартибига эга бўлиб, унинг муқаддимаси икки оқсоқолнинг рамзий беллашуви билан бошланган. Сўнг энг кичик «пахлавон»лар майдонга тушишган. Биринкетин (аввалига ёшга, сўнг гавдага қараб) курашчилар даврага туша беришган. Мусобақанинг авжида энг кучли ва донгдор пахлавонлар майдонга чиқишган. Ғолиблар кураш тугаши билан дархол моддий рағбатлантирилган, уларга қимматбаҳо соврин (зот)лар берилган. Чунончи, агар ёш курашчига белбоғ-дўппи берилса, энг машхур полвонларга қўй, отларгача берилган.

Аждодларимиз ҳаёт тарзи ҳозирги ҳаётта нисбатан бир зайлда монотон бўлган. Ўйинлар эса бу ҳаётни маълум муддатга бўлсада, мазмунли, қизиқарли ва мароқли ўтишига ёрдам беради.

Ўйинлар кишиларни вақтинчалик реал ҳаётдан, унинг муаммолари, ташвишларидан чалғитиб, қарама-қаршиликларни, қийинчиликларни енгиш ва муваффақият қозониш учун шундай бир вазиятни вужудга келтирадики, буни шоира Нилуфарнинг куйидаги хотиралари билан ифодалаш мумкин: «Уруш давларида хотин-қизлар ғам-ташвишдан эзилган, қийналган, оч-ноҳор бўлишларига қарамай, ўйин учун (кундузги оғир турмушидан кейин, кечқурун) махсус жой ва вақт топа олганлар. Ўйин орқали улар қисқа вақт бўлса ҳам фожиали даврни унутардилар, тўпланиб ётган ҳиссиётлар ўзини кўрсатар, эртанги меҳнат учун янги «куч» олар эдилар. Уруш давларида бу кам учрайдиган, аммо мароқли дақиқалар ҳисобланарди».

Ўйин маданиятининг назарий жихатлари.

Байрам-ўйин муносабати масаласи маданий дам олиш фаолиятининг муҳим назарий муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу маънода дам олишини ташкил этиш соҳаси кенг қамровли ва кўп қиррали имкониятларга эгадир. Ижодий-қайта ўзгарувчанлик қобилиятини тўла намоён қилиш учун унинг ижтимоий мавқеини шакллантириш, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг очиқ шакллари ҳамда одамлар орасидаги ижодий мулоқотнинг табиий йўллари ривожлантириш лозим.

Шу мақсадда «ўзбек миллий маданиятини ривожлантиришнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш лозим. Бунда асосий эътиборни халқимизнинг қадимий, маънавий меросини ўрганишга, жаҳон маданиятининг маърифатга етакловчи томонларини ўзлаштиришга қаратиш керак. Шу билан бирга, Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат, элатларнинг маданий татаб ва эҳтиёжларини тараққий эттиришга бўлган интилишга шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади».

Мустақил ўлкамизда қадрибад анъаналар тикланаётган

Бугунги кунда байрам маданиятини ривожлантиришнинг янги ижтимоий-маданий имкониятлари шаклланмокда. Бу имкониятларни юзага келтираётган воқелик эса дам олиш педагогикаси стратегиясининг ривожланаётган шаклига таянади. Шахс ўйин маданиятини тадқиқ этиш асосида дам олишнинг ўйин кўринишидаги шакли технологик жиҳатдан байрам-ўйин муносабати педагогик концепциясининг асосий йўналишларини ўзида мужассамлаштирганлиги аниқланди.

Шахснинг ўйин уқуви ва қобилиятини намоён қилишга имкон берувчи байрам-ўйин муносабати коммуникатив тизимининг умумий концептуал модели ўйин технологиясининг предметини ташкил этади. Ўйин технологиясига яхлит тизим сифатида ёндошув байрам-ўйин муносабати шарт-шароитларини ишлаб чиқишнинг асосий технологик жиҳатларини ўз ичига қамраб олади ва технологик жараённинг ички мезоний тузилмасини куйидагича акс эттиради: А. Назарий-услубий босқич:

1. Ўйин технологиясининг етакчи мезонлари:

- а) ўзаро ўйин мулоқотида диалог мезони;
- б) мақсадлилиқ мезони;
- в) ўзаро ўйин мулоқотида ҳамкорликнинг композицион жиҳатдан тугалланмаганлиги мезони;

2. Ўйин билан боғлиқ билимларнинг илмин-назарий тажрибаси акс этиши:

- а) ўйин фаолиятининг икки томонламалиги;
- б) роль бажариш ва унинг яширин имкониятлари;
- в) ўйин билан боғлиқ анъаналарнинг маросимлик хусусиятига эгаллиги;
- г) «ўйнаётган одам» учун кечинмалар тарзида намоён бўлувчи ўзаро ўйин мулоқотининг шуурий қиймати.

3. Байрам қилишнинг халқона концепцияси ва ўйин фольклорига асосланишдан иборат йўналишнинг ёрқин намоён бўлиши;

В. Ташкилий-услубий босқич:

1. Ўйин мулоқоти усуллари:

- а) томоша-ўйин усули;
- б) маросим-ўйин усули;
- в) карнавал-ўйин усули; -
- г) спорт-ўйин усули.

2. Ўзаро ўйин мулоқотининг репертуар воситалари:

- а) нутқ билан таъсир кўрсатишни дастурлаштириш;
- б) функцион,ал мусикадан фойдаланиш;
- в) ўйин жараёнида ниқобланиш;
- г) ўйин фаолияти турларининг ўзаро ўйин алмашиши (ўйиннинг вариантлилиги);
- д) ўйиннинг муайян маконий қамровини ташкил этиш (ўйин ҳақонининг коммуникативлиги);
- е) ўйин қатнашувчилари фаолиятини бошқариши эҳтимоли тутилган етакчилар амалиётини дастурлаштириш.

3. Ўйин вазияти ва шахснинг ўйин маданиятини ривожлантириш босқичлари:

- а) ахборот-коммуникатив босқичи;
- б) шаклшантирувчи-коммуникатив босқич;
- в) ижодий-ташаббускорлик босқичи;

4. Шахснинг ўйин билан боғлиқ фаоллигини ривожлантириш босқичлари:

- а) кечинмалар босқичида шахснинг ўйин билан боғлиқ ўзаро ҳамкорликка кўникиши;
- б) иштирок этиш босқичида репродуктив фаоллик;
- в) ўзаро ҳамкорлик босқичида маҳсулли фаоллик.

Ўйин технологиясининг муайян касбкор фаолияти тизими сифатидаги ўзига хослиги аввало, унинг байрам-ўйин шакли имкониятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш муаммолари билан боғликлигида кўринади. Бунда шахснинг ижодий кайта ўзгартирувчи фаолликка бўлган эҳтиёжини руҳий жиҳатдан асословчи байрам-ўйин

муносабатларининг муқобил шаклини топиш ва яратиш талаб этилади.

Бинобарин, ўйин технологияси касбкор фаоллиги тизими сифатида ўзининг ички ҳаракатчан тузилмасига ҳам эгадир.

Биз юқорида «ўйин ҳаракати»нинг методологик жиҳатларини кўриб чиқар эканмиз, ўйин ва мулоқотнинг руҳий табиатидаги умумийликнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилдик ҳамда ўйин ҳамма вақт «инсоний муносабатлар намоён бўладиган жараён» эканлигини аниқладик. Бу ўринда «ўйин ҳаракати» ва «ўйин муносабати» тушунчаларини аралаштириб юбормаслик керак. Зеро, «ўйин муносабати» алоҳида вазиятдир. Бунда шартли равишда ижтимоий нормалашган ҳуқуқ-атворли «одатдаги одамни» ижодий қайта ўзгартирувчи фаоллик хос бўлган «ўйновчи одамга» айлантириш масаласи муҳим ўрин тутди. Шу боис биз ўйин технологиясини ўйин вазиятининг коммуникатив стратегияси тузилмасини ташкил этувчи узвлардан бири деб қараймиз. Бунда ўйин маданиятининг ижодий имкониятлари тўлиқ намоён бўлади.

Ўйин технологияси мезонлари ва усуллари асосида (технологик жараённинг ички тузилишини сақлаб қолган ҳолда (байрамона) дам олиш шароитида ҳақиқий ўйин вазиятини моделлаштириш. Ўйин вазиятини талқин қилиш (моделлаштириш) ўйин ҳаракатининг йўналтирувчи асоси ҳисобланади ҳамда шахснинг ўйин фаоллиги намоён бўлиши учун энг зарур шарт-шароитларни яратиш беришга қодир бўлган ташкилий-педагогик усулларни танлашни тақозо этади. Ўйин ҳаракатининг коммуникатив-уюштирувчи асоси тегишли усулларни танлаш мезони вазифасини бажаради. Бизнингча, ўйин технологиясининг ўзига хос репертуари қуйидагилардан ташкил топади:

- нутқ билан таъсир кўрсатишни дастурлаштириш;
- функционал мусиқадан фойдаланиш;
- ўйин жараёнида «ниқоб»дан фойдаланиш;
- ўйин фаолияти турларининг ўзаро ўрин алмашиши (ўйиннинг вариантлилиги);
- ўйиннинг муайян маконий қамровини ташкил этиш (ўйин

маконининг коммуникативлиги);

- ўйинда катнашувчилар фаолиятини бошқариши эҳтимол тутилган етакчилар амалиётининг дастурлаштириш.

Ҳақиқий ўйин ҳолатини моделлаштириш босқичида ушбу операционал репертуарни амалга ошириш ўзига хос фаолият ва вазиятни талаб қилади, яъни унинг воситасида «ўйновчи одам» байрам-ўйин муносабати шароитида ўз хулқ-атворини йўналтирадиган ўйин муносабати референт гуруҳининг фаолияти ташкил этилишни талаб қилади. Ўйин вазияти моделини амалиётда синаб кўриш ва уни таклиф этилаётган моделнинг қўлланилиши жараёнида ўйин маданияти шаклланиши ҳамда амалга оширилиши шароитини таҳлил қилиш. Байрам-ўйин муносабати коммуникатив тизимининг узвларидан бири сифатида таклиф этилаётган концептуал моделнинг байрам дам олиш шароитларида ўйин маданиятининг шаклланиши ва амалга оширилиши жараёнига муқобиллигини аниқлашга бағишланган. Технологик жараён самарадорлигини назорат қилиш ҳамда шахснинг ўйин иқтидори ва қобилиятининг намоён бўлиши даражасини ташхислаш дастурлаштирилган кузатиш усули асосида амалга оширилди. Муайян ўйин вазиятларини кузатишда йин маданиятининг қуйидаги қисмларидан ҳал қилувчи мезон сифатида фойдаланилди:

- ўзлаштириш ва ижодий ташаббус кўрсатиш қобилияти (бунда «ижтимоий-ролли ҳимоя»ни бартараф этиш омили асосий кўрсаткич ҳисобланади);
 - ижодий фикрлаш қобилияти (бунда андозасизлик, чаққонлик, фантазия, ўйин ечимининг вариативлиги етакчи кўрсаткич ҳисобланади);
 - хиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш (бунда шахснинг ўйин вазиятига мос ҳиссий ўзини-ўзи ифодалаш омили гаянч кўрсаткич ҳисобланади).
- Юқорида таъкидлангандек, ташкилий-услубий босқичда технологик жараён ўйин маконининг таклидий-коммуникатив муҳитини яратиш, бошқача қилиб айтганда ўйин технологиясининг операционал

репертуарини жорий этиш (ўйин муносабати, ижтимоий-руҳий механизмлари) ҳамда кишиларнинг хулқ-атвори ва ўзаро муносабатларини белгиловчи ўйин фаоллигининг ривожланиш даражасини аввалдан тахмин қилишни, яъни режалаштиришни назарда тутди. Бу босқичда моделлаштиришнинг технологик жараёни қуйидаги изчилликка эга бўлиши тақозо этилади:

- а) операционал репертуар воситаларини танлаш ва ўйин вазиятининг изчил ривожланиш босқичларини аниқлаш;
- б) ўйин муносабатининг муайян тизими амалиётининг маълум қирраларидан тақлидий фойдаланиш;
- в) ўзаро ўйин муносабати тизими ва воситаларини танлаш, аниқлаш ва тартиблаштириш.

Ўйин вазиятининг коммуникатив стратегияси айнан мана шу тахлитда аниқланади.

Шундай қилиб, ўйин инсоннинг чуқур маънавий, руҳий ва жисмоний эҳтиёжларидан келиб чиқиб ривожланган. Ўйин жуда қадим замонларданоқ кишилар шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шаклларида бири бўлган.

Маданий меросимизнинг узвий ажралмас қисми бўлган, авлод-аждодларимизга асрлар мобайнида рух, жон ва соғлиқ ато этиб келган халқ ўйинларини тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш-миллий қиёфамиз, маънавиятимиз ва қадриятларимизни юксалтириш демакдир. Халқ ўйинлари янги соғлом авлодни шакллантиришда ҳам ўта муҳим ўрин тутгани учун биз уларни кўз қорачиғидек асрашимиз, эъзозлашимиз ва улардан оқилона фойдаланишимиз зарур.

Мазкур қўлланмани яратишда У.Қорабоевнинг “Ўзбек халқ ўйинлари” номли рисоласидан, “Ўзбек халқи байрамлари” ўқув қўлланмасидан, Ф.М.Насриддинов, А.Ш.Қосимовларнинг “Ўзбек халқ миллий ўйинлари” тўпламидан фойдаланилди.

Саволлар

1. Ўзбек халқ ўйинлари ҳақида тушунча беринг?
2. Меҳнат ўйинларига мисоллар келтиринг?

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

XX асрда, аниқроғи, шўролар давридан бошлаб халқ ўйинлари ҳаётдан сиқиб чиқарила бошланди. Бунинг сабаблари кўп.

Биринчидан, халқ анъаналарини тақиқлаш тоталитар тузумнинг яширин миллий сиёсати натижасида эди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади мамлакатда умумсовет халқини вужудга келтириш эди. Бироқ шўролар бу мақсадга тезроқ ва сунъий йўллар билан эришишга интилди. Умумсовет халқини вужудга келтириш учун эса барча миллат ва элатларни бири-биридан ажратиб тура-диган хусусиятларни, яъни миллий онг, миллий анъаналар, миллий тил ва маданиятни йўқ қилиш лозим бўдди. Шунинг билан бирга барча учун умумий бўлган онг, тил, одатлар, ўйинлар жорий қилина бошланади. Бу сиёсат натижасида этник маданиятнинг муҳим қисми бўлган халқ ўйинларига ҳам «эскилик сарқити» сифатида кураш олиб борилди. Жумладан, халқ таълими бўлимлари томонидан мактабларга ўқувчилар эски ўйинларни ўйнамасин, деган кўрсатмалар ҳам берилди. Юқорида берилган кўрсатмаларга асосан халқ ўйинлари намояндалари устидан кулинди. Мабодо халқ ўйинлари тарафдорлари, ҳимоячилари пайдо бўлса, уларни тезда «махв» этишган, ҳақорат қилишган, уларга «миллатчи» ва «халқ душмани» деган ёрлиқлар ёпиштирилган. Улар эски ҳаётни қўмсовчи, онгсиз, тараққиётни тўхтатувчи деб айбланганлар. Албатта, ким ҳақ - ким ноҳақ эканлигига тарих ўз баҳосини бермоқда.

Иккинчидан, урбанизация натижасида кичик қишлоқлар йўқотилди, қир-адирлар ўзлаштирилди, ўйингоҳлар ва сайргоҳлар ўрнига пахта ва бошқа экинлар экилди. Шаҳар ўйингоҳлари ўрнида баланд-баланд иморатлар қад ростлади. Янги яшаш жойларида ўйин майдонлари деярли барпо этилмай қўйди. Анъанавий ўйингоҳларнинг йўқолиши халқ ўйинларининг йўқолиб боришига олиб келади.

Учинчидан, болаларга халқ ўйинлари ўрнига Европада қабул қилинган ўйинлар таклиф этилди. Бутун мамлакат мактабларида волейбол, баскетбол, гандбол, футбол ва ҳоказолар ўйналади. Халқ ўйинлари эса бир

четга суриб қўйилди. Болалар ўйнаши мумкин бўлган ягона жой мактаб спорт майдончалари янги ўйинлар учун мослаштириб қурилган эди,

Авлодлар ўзгарди. Қадимги халқ ўйинларини кўзи билан кўрган эмас, балки оталари ва боболаридан фақат эшитиб билган аجدод вужудга келди. Бир сўз билан айтганда, ёзувимиз, тилимиз, урф-одатларимиз қаторида халқ ўйинлари ҳам «қатағон» қилинди.

XX аср ўрталарида халқ ўйинларини авлоддан-авлодга ўтиш анъаналари бузилди, кўплаб ўйинлар унутилди. Минглаб ўйинлар ичида бир неча халқ ўйинлари ва мусобақалари (кураш, улоқ, қиз қувди, от пойгаси) кабилар маълум маънода сақланиб қолди, холос.

Азалий ўйинларни таъқиқланиши халқ ҳаётига катта зарар етказди, аҳолининг маънавий ва жисмоний камолатига тўсқинлик қилди, кишиларнинг саломатлигини ёмонлаштирди, одамлар орасида касалликни кўпайтирди. Холбуки, халқ ўйинлари аجدодларимизга асрлар давомида ақлий, рухий, жисмоний куч бериб келадиган муҳим манба эди.

Энг асосийси, бу ўйинларга халқда катта эҳтиёж бор эди. Зеро энг яхши халқ ўйинлари, оддий, содда, ҳамма ўйнай оладиган, қизиқарли, шу билан бирга кўпчилик, эпчиллик, мардлик, топқирлик, чидамлик каби қимматли инсоний сифатларни ривожлантиришга катта ёрдам берарди. Шу сабабли халқ ўйинларининг тикланиши зарур эди.

Халқ, ўйинлариинг тикланиши Фориш тажрибалари

Маълумки, халқ ўйинлари кўпроқ кишилар анъанавий ҳаёт тарзида яшовчи чекка жойларда сақланиб қолган эди. Халқ анъаналарини ўрганиш мақсадида Ватанимизнинг чекка, узоқроқ жойларини кездик. Экспедициялар уюштирдик. Ҳусусан, Фориш, Ургут, Ѓиждувон, Қўшробот туманларига бориб, у ерларда «дур» ахтаргандек қадимги халқ ўйинларини излай бошладик. Айниқса, халқ ўйинлари Фориш туманининг чекка тоғли жойларида яхши сақланиб қолган экан. Бу ерда 1985 йилдан буён кўплаб ишлар олиб борилди. Аввалига «Бирлашган» («Саримсоқ») «Қамиш» қишлоқлари қарияларидан 120 қадимий ўйин ёзиб олинди, сўнг бошқа қишлоқларга ҳам ўзига хос кичик экспедициялар уюштирилди. Вақт

Ўтиб халқ ўйинларини тиклашга келганда бирмунча қийинчиликлар, тўсиқлар вужудга келди: «Ўйинлар унутилиб кетган, уларни тиклаб бўлмайди», «Ўйиндан бошқа ишимиз кўп» дейдиганлар ҳам топилди. Чунки бу даврда (1986-88 йиллар) халқ анъаналарини тақиқлаш «тўлқини» яна кўзғалган эди. Собиқ Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг котиби Р.Абдуллаева халқ одатлари ва байрамлар жонкуярларини қанлай жазолаётгани ҳақидаги гаплар энг чекка жойларгача етиб бормоқца эди. Шу сабабли бўлса керак, 1987-88 йиллар Фориш туманидаги тадқиқотлар бироз сустралди. «Қарама-қаршилик одамларни чиниқтиради», деганларидек бу даврда йўқолаётган халқ маросимини сақлаш ғоялари янада синалди ва кучайди.

Натижада, 1989 йил Фориш туманининг ўнлаб қишлоқларида (жумладан, Сайёд, Осмонсой, Илончи, Янги қишлоқ, Кўхна бозор, Кубачи, Сафарота, Ишма, Учма ва бошқа жойларда) уч юзга яқин ўйин ёзиб олинди ва уларнинг кўпларини тиклаш йўллари излана бошланди. 1989 йил аввало, Бирлашган қишлоғида, сўнг туман маркази - Янги қишлоқда халқ ўйинлари байрамини ўтказишга интилишлар бўлди. Бироқ бу иш амалга ошмади. Шундай бўлишига қарамасдан озгина вақтдан сўнг 1990 йил Сайёд ва Бирлашган қишлоқларига телеэкспедиция уюштирилиб, унинг натижалари телевидение орқали бир неча марта кўрсатилди.

Фориш ўйинларининг Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилиниши, аҳолининг халқ ўйинларига қизиқишини ошириб юборди ва бу «Халқ ўйинлари» байрамни кенгроқ доирада ўтказишга жиддий замин тайёрлади.

Ва ниҳоят, 1991 йил Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Жиззах вилоят ижроия қўмитаси, Фориш туман раҳбарлари ёрдамида илк бор Жиззахда халқ ўйинларга бағишланган илмий анжуман ва Форишда халқ ўйинлари байрам ўтказилди. Фориш халқ ўйинлари байрамининг асосий мақсади - унутилаётган халқ ўйинларини тиклаш ва тарғиб қилиш эди. Унда тумандага ҳўжаликлар ва 13 мактаб жамоалари юзлаб халқ ўйинларини қайта тиклаб, халқ олдида намойиш қилди.

Чунончи, Фориш туманининг 7 мактаби — «Тап тош», «Анапай», «Тикки», «Отиб қочар», «Кўрпа еллар», «Қотди» каби; 33-мактаб — «От арава», «Оппон-Соппон», «От ўйин», «Қидириб топ», «Жанбил», «Дув-бозор ўйин», «Чекимтош», «Ошиқ», «Данак», «Ёнғоқ ўйин» каби; 5-мактаб — «Ботмон-ботмон», «Бута солай», «Хатламоқчи», «Подшо-вазир», «Момо-момо», «Хўроз уриштириш» каби; 19-мактаб - «Хўроз-хўроз», «Бекки тош», «Боғлиқ кўз» ўйини, «Тепа кураш», «Пиёда ва эшак», «Пиёда кўшсари» ва «Эшак кўпкари» каби; 55-мактаб — «Чўп от», «Пирмат эшак», «Сажмин», «Пир этди» каби; 1-мактаб — «Тақир-туқир қайроғоч», «Олтин дарвоза», «Тўғноғич», «Аллам-булам» каби; 2-мактаб — «Дўппи яшир», «Учпой» («олопой»), «Чавандоз», «Якқол», каби; 30-мактаб — «Қўриқчи», «Доирадан уриб чиқар», «Осмон-осмон», «Чунка шувок», «Сакка», «Ўрда», «Минди» каби; 6-хунар-техника билим юрти — «Подачи», «Истандир», «Танки», «Асир олиш», «Қочар тўп», «Тапир-тупир ғоз-ғоз»; «Чувалашма», «Моллар», «Товус», «Даҳанаки жанг» каби ноёб ўйинларни тиклаб, намоёништиришди.

Шунингдек, Қизилқум, Чимқўрғон, Фориш, Кивон номли жамоа хўжаликлари, Учма, Сайёд, Бирлашган қишлоқлари вакиллари ҳам боболари севган анъаналарга янгидан жон бахш этишди. Хуллас, бу анжуманда халқ ўйинларини тиклаш, жонлантириш ва тарғиб қилиш борасида Фориш туманида 5-6 йиллар ичида қилинган илмий-тадқиқот ва амалий ишларнинг натижаси намоён қилинди, 30 жамоа (13 мактаб, 7 хўжалик, 10 дан ортиқ дасталар) юзлаб унутилган халқ ўйинларини тиклаб кўрсатишди.

* * *

Илк бор Фориш туманида бўлиб ўтган «Халқ ўйинлари байрами»га Собиқ иттифоқнинг турли жойла-ридан келган мутахассис-олимлар қайта тикланган ўзбек халқ ўйинларининг «шохи» - «Улоқ» - «Кўпкари»га таклиф этилди. Меҳмонлар «Қизил қир» отчопарига ташриф буюриши билан ҳайратда қолишди: гуё улар уйингоҳга эмас, «мўъжизагоҳ»га келиб қолгандай эди. Нега деганда, улар мингга яқин чавандоз катнашадиган ва

улкан табиий майдон — отчопарда бўладиган бундай ўйинни ҳаёлларига сиғдира олмас эдилар. Улар ўзбек ҳақида бундай буюк ўйин бор эканлигига қойил қодишди, ўз вақтида улоқни таъқиқланганини эшитиб, афсус қилишди ва уни кенг тарғиб қилиш лозимлигини қайд қйлишди.

Меҳмонлар чавандоз улоқчиларнинг мардонавор ҳаракатларига ҳам қойил қолишди. Айниқса, кўпчиликни диққатини Пушкин-полвон деган чавандоз ўзига тортди. Чунки бу чавандоз фақат ўз лақаби билангина эмас, балки ўзининг маҳорати, «алпомиш» келбатжа ҳолаверса отининг ғўзаллиги ва «учқурлиги» билан барчани қойил қолдирди.

Дарҳақиқат, бу чавандознинг асли исми Наимжон бўлса ҳам у Пушкинга ўхшагани учун ҳамма уни «Пушкин-полвон» деб чақирар экан. Бу бекорга айтилмаган бўлса керак. Чунки ҳар бир соҳани ўз «Пушкин»лари бор. Пушкин - поэзия дарғаларидан бири бўлса, Наим чавандозлар — «Пушкин»и. Чунки унинг ўзида ҳам , отида ҳам, ўзига хос поэзия бор. Нимжон ўзининг учқур ва ғўзал оти билан кўпқари чопганда, улоқни олиб бораётганда ва уни маррага олиб келаётганида полвонлик, чаққонлик, мардлик билан бирга «чавандозлик поэзия-си»ни ҳам яққол хис қилса бўларди.

Шунинг учун бўлса керак, қадимдан чавандоз —полвонлар элнинг энг машҳур кишилари ҳисобланган, халқ қаҳрамонлари даражасига кўтарилган, улар ҳақида кўплаб афсоналар, дostonлар тўқилган. Кейинги йиллар давомида эса биз бошқа эллардан ўтган ўйин — мусобақа ғолибларини тарғиб қилиш билан овора бўлиб, ўз халқимизнинг амалий ўйин-томошалари қаҳрамонларини унутиб қўяёздик. Халқимиз орасида эса Наимжон (Пушкин) - полвон каби ҳаётда камтар, меҳнатда толмайдиган, майдонда жасур — мард ўғлонлар кам эмас. Ўз элининг асл фарзанди, қаҳрамони бўлган бундай марду-майдон, полвон чавандозларни яна эъзозлаш вақти келганлигини «Фориш халқ ўйинлари байра-ми» куни янада чуқурроқ хис қиддиқ.

Фориштуманидаги анжуманда байрам қатнашчиларнинг диққатини кўп азалий ўйинлар ўзига тортди. Қуйида Форишда тикланган халқ ўйинларининг яна бири ҳақида фикр юритамиз. Қадимий манбаларда «дук» номли жанг-мусобақа бўлган деган маълумотлар бор эди. Бироқ, у бутунлай йуқолиб кетган дейиларди. Лекин қачонлардир машҳур бўлган ходисалар бутунлай йуқолиб кетмай қандайдир из қолдирар экан. Биз уни топишга интилдик.

Саксонинчи йиллар ўрталарида Фориш туман Қамиш қишлоғида унутилган халқ одатлари ва ўйинларини ёзиб олиб юрганимизда (ўтган асрда туғилган) Шамси бобо: «Биз ёшлигимизда «каратэ»га ўхшаган тепиш ўйинига тушиб турар эдик», деб қолди. Бу ўйинга қизиқиб қолиб, Бирлашган, Ишмадаги мактаб директорларига бу ноёб топилма ўйин олишувни тиклашни илтимос қилдик. Дарҳақиқат «Дук» «тепиш» шарқ халқларига хос бўлган япон «Каратэ»си, Корея «Таэкван-до»си, Хитой — «Ушу» олишувларидан қолишмас экан.

Хуллас, қадимий жанговор ўйин «Дук» - «Тепиш», Ишма ва Бирлашган қишлоқ мактаблари директорлари ва ўқувчилари ёрдамида тикланди. Бу ўйинни Ўзбекистон телевидениеси орқали кўрсатилиши ва «Халқ ўйинлари» байрамида ҳам намоёиш қилиниши -кўпчиликни лол қоддирди.

Халқимизнинг тархий бисотида бу каби ўнлаб жанг-ўйинлар бўлганликлари шубҳасиз. Чунки ҳозир «қулочлаб уриш», «бош уриш» каби жанг-ўйинлар ҳам бўлганлиги ҳақида маълумотлар топдик.

Халқда машҳур донг чиқарган «қулочлаб урувчи-лар», «калла урар»лар («каллачилар») бўлиб, уларнинг обрўйи курашчи полвонларникидан кам бўлмас экан.

Бизга бундай жон оғритадиган ўйин-жанглар керак эмас дейдиганлар ҳам топилар. Балки, бу бир томондан тўғридир. Бироқ, бошқа халқларни жанг-курашлари (бокс, каратэ, таэкван-до, ушу)ни ўз юртимизда тарғиб қилишни ўйлаймиз-у, нега ўз халқимизда бўлган бунга ўхшаш ўйинларни ўрганишга интилмаймиз. Ҳеч бўлмаса, одамларни чиниқтирадиган,

мардонавор қиладиган, ўзини ва ожизларни ҳимоя қилишни ўргатадиган ўйинлар бизнинг халқимизда ҳам бўлганлигини билиб қўяйлик. Қолаверса уларни тиклайлик.

Хуллас, 1991 йилнинг бошларида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган халқ ўйинлари муаммоларига бағишланиб ўтказилган илмий-амалий конференция ва Форишда ўтказилган халқ ўйинлари байрами бу муаммога жамоатчиликнинг, жумҳурият жамоатчилигининг эътиборини қаратган биринчи ва жиддий анжуман бўлди.

Жумҳурият матбуотида чоп этилган мақолаларда, Ўзбекистон телевидениеларидаги кўрсатувларда Форишдаги халқ ўйинлари байрамига юқори баҳо берилди.

Бу тажриба ҳақида «Фориш ўйинлари», «Фориш оханглари» (режисёр Т.Юнусов), «Унутилган ўйинлар» каби фильмларни олиниши - бебаҳо бойлигимиз қадимий ўйин маданиятимизни кенг тарғиб қилади.

Миллий ўйинларнинг ривожланиши

Айтиш мумкинки, Иттифоқимизда ўтказилган халқ ўйинлари байрамлари ўзбек маънавий ва жисмоний маданияти тарихида янги ва ўчмас саҳифа бўлиб қолди. Илк бор Форишда ўтказилган «Халқ ўйинлари байрамида ёнган «машъал» республикаимизнинг кўплаб жойларидаги азалий ўйин-томоша анъаналарини тиклашга имконият яратди.

Агар 1990 йил «Халқ ўйинлари» байрами икки қишлоқ — Сайёд ва Бирлашганда ўтказилган бўлса, 1991 йил у Фориш тумани даражасида ўтказилди, 1992 ва 1993 йиллар Жиззах вилояти даражасида - бу ҳудуд барча туманларининг фаол иштирокида уюштирилди. Ниҳоят 1994 йил Фориш тажрибаси янги поғонага кўтарилди. Бу ерда 1-Республика «Халқ ўйинлари» олимпиадаси ўтказилиб, унда Ватанимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари қатнашади.

Олимпиадада азалий халқ ўйинлари «Бўрон», «Чавондоз», «Олиб қочар», «Чунка шувок», «Елка кураш», «Қирқ тош», «Минди», «Тортишмачок» каби турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар тақдирланди.

Фориш туманининг «Қизил қир» сайилгоҳида ўтган 1-Республика «Халқ ўйинлари» Олимпиадаси дастурида: очилиш маросими, тикланган халқ ўйинларининг намоёйиши, кўргазмали чиқишлар, кўрик танловлар, Республика вилоятлари ғолибларининг мусобақалари, ғолибларни тақдирлаш ва ҳоказо тадбирлар ўз аксини топди.

1996 йил эса II-Республика «Халқ ўйинлари» олимпиадаси ҳам Форишда бўлиб ўтди. Анжуманлар 6 майда қадимий ва навқирон Жиззах шаҳрида бошланиб, 7 май куни гўзал ва азалий анъаналарга бой Фориш туманида авжга чиқди. Тоғли Форишнинг табиат томонидан яратилган «Қизил қир» сайилгоҳида Республикаимизнинг турли бурчакларидан келган вилоят беллашувларининг ғолиблари аجدодларимизнинг қадимий ва файзли ўйинлари бўйича мусобақаларда қатнашдилар. Бу анжуман халқимизнинг тарихий меросини узилган томирларини тиклаш ва унга жон беришга хизмат қилди. Миллатимизнинг маънавий ва жисмоний қадриятларини тиклашга хизмат қиладиган бу йирик анжуман "маданиятимиз тарихида янги яна бир саҳифа бўлиб, у халқимизнинг рухий, ақлий, жисмоний баркамол бўлишига йўл очади.

Ҳар икки йилда ўтадиган халқ ўйинлари анжумани 1998 йил «Алпомиш» достони яратилганининг 1 минг йиллигига бағишланиб, Термиз шаҳрига кўчирилди, Бу фестиваль «Алпомиш уйинлари» деб номланди. У аجدодларимиз тарихида муҳим ўрин тутган Алпомишдек халқ қаҳрамонларининг шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган «ёй отиш», «камондан отиш», «нишонга уриш», «олишиш», «кураш» каби ўйин-мусобақалардан ташкил топди.

Хуллас, «Алпомиш»га бағишланган Республика фестивалининг уюштирилиши Алпомиш давридаги дostonларга кўчган халқ ўйинларини тикланишида муҳим воқеа бўлди.

1999 йил — «Аёллар йили»га бағишланиб, Жиззахда «Тўмарис» қизлар ўйинлари фестивали ўтказилди. Агар Тўмарис жанг майдонида — ғолиб бўлган бўлса, бизнинг қизларимиз спорт майдонларида ғолиб бўлишига интилишди. «Тўмарис» фестивали — ўзбек хотин-қизларини спорт соҳасидаги «уйку»дан уйғотди, десак хато қилмаган бўламиз. Бу фестивал халқимиз орасида Тўмарисдек мард, жасур, кучли, гўзал қизлар борлигидан далолат беради.

Фарғона вилоятида 2000 йил бўлиб ўтган «Алпомиш ўйинлари» - II фестивали халқ ўйинларининг яна бир поғонага кўтарилганидан далолат берди. Фестивал таркибига кирган («Кураш», «Қўл кураши», «Тепа кураш», «Минди», «Ёйдан отиш» каби) мусобақалар бўйича спортчиларнинг тажрибаси ортганлиги ва бу ўйинларга иштирокчиларнинг қизиқиши ошганлиги ҳам маълум бўлди. Фестивал доирасида ўтган илмий-амалий анжуман эса халқ ўйинлари соҳасидаги ютуқлар билан бу борада қатор муаммолар мавжудлигига ҳам диққатни жалб қилди. Жумадан, халқ ўйинлари бўйича илмий-услубий манбалар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратилиши лозимлиги, миллий ўйинларнинг муайян туркум ва турлари бўйича алоҳида туман, вилоят,

республика мусобақалари (масалан от ўйинлари)ни ўтказиш даркорлиги, аҳолига халқ ўйинлари билан шуғулланиши учун қулай шароитлар яратиш зарурлига, айниқса бу ўйинлар билан ёшлар шуғулланишига эътибор бериш муқимлиги ҳамда миллий ўйинлар бўйича Халқаро фестивал ўтказиш вақти келганлига қайд қилинди.

Ўзбек халқ ўйинларининг халқаро нуфузи

Ўзбекистонда тикланган азалий ўйинлар нафақат собиқ иттифок (Ленинград, Москва, Махачкалада шаҳарлари)дан келган мутахассисларни, балки дунёни бошқа бурчаклари - Америка, Олмония, Туркия, Эрон, Япония, Голландия каби мамлакатлардан ташриф бўлган меҳмонларнинг ҳам ўзига мафтун қилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг баҳор келиб, табиат уйғониб, гўзаллашиб кетиши муқаррар бўлганидек, халқ анъаналарита бўлган эътибор жонланиб кетди. Натижада халқ ўйинлари қатнашчиларининг географияси (доираси) кенгайиб борди.

1996 йил Таилад пойтахти Бангкокқа бўлиб ўтган Бутун дунё халқ ўйинлари фестивалида Ўзбекистон делегациясининг қатнашиши, ўзбек халқ ўйинларининг «жаҳон миллий ўйинлари» гулдастасида ўзининг муносиб ўрин олишига имкон яратди.

Халқ ўйин-мусобақаларининг бир тури курашнинг халқаро аҳамияти ошмоқда. Ўзбек кураши бўйича жаҳон биринчилига ўтказиляпти, кўпгина мамлакатларда кураш федерациялари тузилмоқда, дунёда курашчиларнинг сони кўпаймоқда. Кураш жаҳон олимпияда ўйинлари сафидан муносиб ўрин олиш арафасида турибди.

Халқ ўйинларининг яна бир тури - улоқ (кўпқари)нинг ҳам Марказий Осиё геомуҳитида обрўйи ошмоқда. Анъанавий тарзда турли жойлар (Самарканд, Навоий вилоятлари)да ўтказиляётган улоқ

мусобақаларида кўшни-қариндош давлат чавондозлари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбек халқи ҳаётида кураш, улоқ каби халқаро даражага чиқадиган ўйинлар кам эмас. Уларни чуқурроқ ўрганишимиз ва тарғиб қилишимиз зарур. Бу борада халқ ўйинларининг (кўплаб турларига бағишланган олимпиада, фестиваль, байрамлар ўтказиш билан бир қаторда), аниқ бир турига оид туман, вилоят ва республика мусобақаларини ўтказиш лозим.

Иккинчидан, республикамизда ўтадиган йирик мусобаҳаларга, спартакиадага халқ ўйинларидан ҳам қўшмоғимиз лозим. Афсуски, биз ҳозир фақат бир неча халқ ўйин ёки мусобақасини, жумладан, «Кураш», «Улоқ», «Қиз қувди» кабилардан фойдаланмоқдамиз. Вахоланки, ўзбек халқ тарихий бисотида минглаб ранг-баранг ўйинлар бўлган.

ОММАВИЙ БАЙРАМЛАРДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ҳар бир халқ бой ўйин заҳирасига эга бўлгани каби ўзбек халқи ҳам ўзига хос турли ёшдагиларга, жинс, йил фасллари, шаҳар ва қишлоқларга хос ўйинлар тизимига эга. Ўзбек халқ ўйинлари орасида бошқотирма, сўз, қўшиқ, рақс ўйинлари воқеабанд ҳаракатли ўйин турлари машҳур бўлган. Шунингдек халқ ҳаётида тўй, байрам ўйинлари, жамоалар иштирокида ўтадиган ўйинлар, завқ шавқли қимор ўйинларининг ҳам ўзига хос ўрни бўлган. Хуллас, халқ ҳаётида минглаб ўйин турлари мавжуд бўлган. Бироқ илмий адабиётларда ҳанузгача қабул қилинган умумий таснифни топиш қийин. Шундай бўлса-да биз ўйинлар ва уларга хос айрим анъаналарни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганамиз.

1. Табиий –мавсумий ўйинлар. Табиатдаги ўзгаришлар йил фасллари асосида вужудга келган. Шу сабабли доимий ўтказилган ўйинлар билан бирга ҳар хил фасл ўйинлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, баҳорда дарахтлар уйғониб, толлар куртак чиқарганда- “Толбаргак”, “Дала гуллари очилганда”, “Тул ўйин”, табиат билан инсон рухияти уйғонганда ўзига хос қўшиқли –рақсли, тез ҳаракатли “Ёмғир ёғалоқ”, “Оқ теракми -кўк терак” каби ўйинларга эҳтиёж туғилган. Ёзда эса салқин жойларда, дарахтлар сояларида сой ва ариқ бўйларида кам ҳаракат қиладиган ўйинлар, айниқса, сувда чўмилиш вақтида “Сувда қувлашиш”, “Тез сўзиш”, “Сув остида узиш” каби ўйинлар авжгв чиккан.

Ёз охири, куз боши., пишиқчилик, тўқчилик вақтида данак ёнғоқ ўйинлари, арғимчоқ учишлар севилиб ўйналган. Кеч куз, қишда ёғингарчилик бошланиб, ер юмшалганда қозик, ошиқ, тош ўйинлари одат тусига кирган. Қор ёққанда “Қорхат”, “Қорбқрон”, ёмғир ёққанда “Ёмғир ёғалоқ”, кучли шамол эсганда “Бўрон-бўрон” кабиларни ўйнаш анъаналари бўлган. Совук ўз кучини кўрсатганда барча сандал атрофида

йиғилишиб “Топишмоқ топ”, “Тез айт”, “Ким айтди”, “Оёғингни торт” каби ўйинлар ўйналган .

Барчага маълум бўлган “Улоқ» ҳамма вақт ҳам ўйнала бермаган. У кеч куздан то баҳор ўрталаригача ўтказилган. Чунки иссиқ ёз кунлари от ҳам, чавандоз ҳам каттик қизийди. Булардан ташқари баҳордан кузгача дехқончилик мавсумига тўғри келган.

Ёзда иссиқ пасайган салқин кечада болалар “Оқ суяк” ўйнаганлар. “Оқ суяк”ни нафақат кечаси балки қоронғу тунда ҳам ўйнаш мумкин бўлган.

II. Худудий ва турли жойларга мос ўйинлар. Ўзбекистон ҳудудида умумхалқ ҳамма биладиган қизиқарли ўйинлар билан муайян жойга хос ўйинлар бўлган.

Шаҳар билан қишлоқ ўйинлари орасида ҳам маълум фарқлар бўлган. Агар қишлоқ ўйинларининг кўпчилиги кенг далаларда ўтказилса, шаҳар ўйинлари кичикрок майдончаларда ўтган. Масалан, тошкентлик қизлар орасида “Чиғарик” (жойида айланган ҳолда копток ўйнаш) “Чортак ” (ерда чизиб қўйилган тўртбурчак чизиклар орасида сакраш) “Арқон ўйин” (арқондан сакраб ўтиш) “Тош ўйин” (майда тошчалар) каби ўйинлар ўрин эгаллаган. Шунингдек, қизлар ўйин учун навбат билан бир-бирларининг ҳовлиларига тўпланган. Бу анъанавий шакл- “Халфана” қизларнинг бўш вақтларини ўтказишда ўзига хос уюшма ҳисобланган.

Кўп асрлар давомида табиий шароит, атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, турмуш тарзи, ҳаёт эҳтиёжлари асосида халқ маънавий ҳаётининг таркибий қисми сифатида болалар ва катталар, шаҳар ва қишлоққа хос, мавсумий ва бошқа ўйинларнинг ўзига хос тизими пайдо бўлади ва ривожланади.

Умумхалқ худудий ўйинлари ҳам турли жой ва муҳитда ўйналган. Масалан, уйда – сандал ўйин, бошқотирма ва сўз ўйинлари; ҳовлида –

тош ўйинлари, арқон, чизиқли ўйинлар, бекинмачок; майдонларда – чирикас, тортиш-мачок бўлган; боғда – ёнғоқ данак ўйинлари; сувда – сув остида кўп туриш, сузиш бўйича мусобақалар, қувлашмачок; ҳатто ҳавода – арғимчок учиш; осмонда – варрак ўйинлари бажарилган.

Хуллас ҳар бир жойнинг ўз ўйини бўлган, ҳатто сардабо, карвонсарой, чойхона, меҳмонхона каби жойларнинг ҳам ўз ўйинлари бўлган. Карвон кетаётган йўлда бажарилган ўйинлар ҳам бўлган. Туяда, отда келаётган йўловчилар дам олиш бекатларида оёғини ёзиш мақсадида арқондан сакраш ўйинлари билан шуғулланганлар.

Ўйин-мусобақалар ўтказиладиган махсус жойлар ҳам бўлган. Улар ўйингоқ (ёки сайилгоҳ) деб ном олган. Ўйингоҳларда юзлаб ўйинлар ўйнаш мумкин бўлган.

Умумхалқ ҳудудий ўйинлари ҳам турли жой ва муҳитда ўйналган. Масалан, уйда- сандал ўйин, бошқотирма ва сўз ўйинлари; ҳовлида тош ўйинлари, арқон чизиқли ўйинлар, бекинмачок майдонларда чирика, тортишмачок бўлган; боғда ёнғоқ, данак ўйинлар; сувда сув остида кўп туриш, сузиш бўйича мусобақалар, қувлашмачок; ҳатто ҳавода-арғимчок учиш осмонда варрак ўйинлари бажарилган.

Хуллас, ҳар бир жойнинг ўз ўйини бўлган. Ҳатто сардоба, карвонсарой, чойхона, меҳмонхона каби жойларнинг ҳам ўз ўйинлари бўлган. Карвон кетаётганда йўлда бажариладиган ўйинлар ҳам бўлган. Туяда, отда келаётган йўловчилар дам олиш бекатларида оёғини ёзиш мақсадида арқондан сакраш ўйинлари билан шуғулланганлар.

III. Турли ёшларга хос ўйинлар. Маълумки ўйин инсоннинг шаклланишида ва айниқса ёш боланинг ривожланишида ўта муҳим ўрин тутди. Ўйинга эҳтиёж ва қизиқиш бола табиатида бор. Боланинг биринчи «фаолияти» ўйин билан бошланади. Бола ҳаётини аввалига ўйин

орқали ўрганади, ҳис қилади, тушунишга ҳаракат қилади. Ўйин ёрдамида катта ҳаётга тайёргарлик кўради.

Ҳар бир ёшга хос ўйинлар бор. Турли ёшларга оид феъл-атвор, фазилатлар ўйин шакли ва мазмунини белгилаб беради. Масалан, чақалоқ йиғламаслиги учун унга овунчоқ беришади ва уни овутадиган ўйинларга жалб этишади. Ундан сўнг бола гўдак даврида-манипуляцияли ўйинларни хуш кўрадиган бўлиб қолади. Ундан сўнг болалар тақлид қилиш ва сюжетли ўйинларга, яъни “Уй-уй”, “Она-бола”, “Қўшни-қўшни”, “Ов-ов”, “Иш-иш” каби ўйинларига талабгор бўлишади. Шу ёшдаги қизлар орасида, айникса “Хола-хола”, “Бола боқиш”, “Овқат пишириш” ўғил болалар ўртасида “Овга чиқиш”, “Меҳнат қилиш”, “Уруш-уруш” ва ҳоказолар ривожланган. Ўсмирлар ва ёшлар орасида эса ҳаракатли ўйинлар: «Бекинмачоқ». “Оқ теракми-кўк терак”, “Чиллак”, “Ёнғоқ ўйини”, “Тош ўйини”, “Суяк ўйини”, “Дўппи кетди”, “Подачи” кабилар кенг тарқалган.

Болалар ва ўсмирлар ҳаётида ўйиннинг аҳамияти жуда катта бўлагн. Аввало, шуни айтиш керакки, болаларнинг ҳаётини ўйинсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айникса, 7 ёшгача бўлган болалар орасида ўйин асосий машғулот ҳисобланади. Кейинчалик ўйинлар ўрнини ўқиш ва аста-секин иш ва меҳнат эгаллай боради.

Ўйинлар болалар учун “Ҳаётга тайёрланиш мактаби” бўлиб, уларни жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланишига хизмат қилади. Ўйин бола онги, тафаккурини ўстириб, хотира, диққат, иродасини мустаҳкамлайди, жисмоний, руҳий, ҳиссий (эмоционал) тараққий эттиришга хизмат қилади. Шунингдек, ўйин болани катта ҳаётга тайёрлашда машқ вазифасини бажариб, келажакда ҳаётда дуч келинадиган турли ҳолатларга маънавий тайёрлайди. “Агар бола ўйинда ҳалол ўйнаса, кейинчалик ҳаётда ҳам ҳалол бўлади” ёки “Боланинг ўйиндаги

ҳаракатига қараб, уни қандай одам бўлишини айтиш мумкин”, деган нақллар бекорга айтилмаган. Қисқа қилиб айтганда, ўйин болаларда ижодий фаоллик, ташаббускорлик, ташкилотчилик ва бошқа кўникмаларни ривожлантиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўйинлар туфайли болаларда уларни ўраб турган дунёни тушуниш ва унга таъсир қилиш эҳтиёжи шаклланади, ақлий, ахлоқий, иродавий ва жисмоний сифатлари шаклланади, бир сўз билан айтганда ўйин ёрдамида инсон тарбияланади, шахс шаклланади.

Ўйинлар нафақат болалар, балки катта ёшдагилар ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутadi. Агар ўйинлар болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланиши, ҳаётга тайёрланиши учун керак бўладиган бўлса, катта ёшдагилар учун улар бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш, ҳордиқ чиқариш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, чиникиш учун лозим бўлади. Агар болалар кўпроқ ўзлари учун (томоша учун эмас) ўйнасалар, катталар ўйинларининг муайян қисми (энг иқтидорли ўйинчилар – ҳаваскор ва профессионаллар иштирокида) томошавий мусобақа, тадбир сифатида ташкил қилинади.

Истеъдодли ўспиринлар – ёшлар орасидан аста-секин профессионал ўйинчи-спортчилар етишиб чиқа бошлайди. Уларнинг касбий машғулоти ўйин-мусобақа бўлиб қолади.

IV. Турли жинсдагилар ўйинлари. Ҳаммабоп ўйинлар билан бир қаторда ўғил болалар ва қизлар ўйинлари, кейинчалик эса эркеклар ва аёллар ўйинлари мавжуд.

Ўғил ва қиз болаларга хос инстинкт икки-уч ёшдан намоён бўла бошлайди. Масалан, ёш қизчаларда кўғирчоқ ўйинига мойиллик сезилса, ўғил болаларда эса иш ва уруш қуролларига ўхшаш ўйинчоқлар танлаб ўйналади.

Ёш болаларнинг умумий ўйинлари бўлса-да, тахминан ўн уч ёшдан сўнг қиз ва йигитлар алоҳида ўйнашади. Натижада йигитларнинг “Подачи”, “Чавандоз”, “Чўнка шувок”, “Оқ суяк”, “Оқ таёқ”, “Соққа”, “Қулоқ чўзма” каби ўйинлари шаклланган. Қизлар эса “Дурра”, “Чори чамбар”, “Тортишмачок”, “Ғоз-ғоз” каби ўйинлар ўйнашган.

V. Машғулот, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ўйинлар. Тарихий жараёнда теримчилик, овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик, тикувчилик каби ҳунарлар билан боғлиқ ўйинлар шакллангани бизга маълум. Масалан, теримчиликда (дарахтга чиқиб мева териш, мўлжалга таёқ ва тош отиш мусобақа ўйинлари), овчиликда (“ов ўйини”, “камондан отиш”, “учар нишон”, “Кийик ови”), чорвачиликда (“Подачи”, “Чўпон ва оқсоқ бўри”), деҳқончиликда (“Хирмон-хирмон”), хунармандчиликда (“Сартарош”, “Кўвишим” “Каштачи”, “Теримчи”) каби ўйинлар бўлган.

Ҳарбийларнинг ҳам ўз машғулотларига мос келадиган «Уруш-уруш», “Асир олиш”, “Қалъани эгаллаш” каби ўйинлар машҳур бўлган.

VI. Воқеабанд ўйинлар. Театрлаштирилган (сюжетли) ўйинлар тарихий воқеаларни, ҳаётнинг таъсирли, қизиқарли дақиқаларини бадиий-ижодий ифодалайди. Бундай ўйинларга «Подшо вазир», “Ов ўйини”, “Уруш ўйини”, “Асир олиш”, “Эчки чўпон”, “Бўри ва қўйлар” ва бошқалар мисол бўла олади.

VII. Ҳаракатли ўйинлар. Эпчиллик, чакқонлик кўпчилик мусобақаси сифатида бир неча томонлар ўртасида ўтказилади. Ҳаракатли ўйинларни тўртга бўлиш мумкин:

1. Бир кишилик ўйинлар. (Масалан, “Қозик ўйини”, “Сакра” кабилар) улар инсоннинг хусусий жисмоний фазилатларини тараққий этишга кўмак берилган.

2. Икки кишилик ўйинлар. (Масалан “Кураш олишув”, “Ағдариш”, “Шахмат” кабилар). Улар яккама-якка курашиш мақсадга эришиш ғалаба қозонишга интилиш ҳисларини шакллантирган.
3. Гуруҳ, жамоа бўлиб ўйналадиган ўйинлар. (Масалан, «Айланма дарра», “Сичқон-мушук”, “Чўпон ўйини” кабилар). Улар иноқлик, ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик каби ҳислатларни вужудга келтиришга хизмат қилади.
4. Тарафма-тараф (команда-команда) бўлиб ўйналадиган ўйинлар. (Масалан, «Оқ теракми, кўк терак», “Ботмон ботмон” кабилар). Бу ўйинлар рақибга қарши ҳалол курашиш ва жамоа аъзоларини ҳурмат қилиш, мақсадга ҳамжиҳат бўлиб эришиш каби фазилатларни тарбиялайди.

VIII. Турли воситали ўйинлар. Бу ўйинларни иккига бўлиш мумкин: Моддий воситалар (овунчоқ, кўғирчоқ, ўйинчоқ ҳамда таёқ, тош, тўп, ёнғоқ кабилар), ёрдамида бажариладиган ўйинлар; маънавий-бадий ифодавий воситалар (фикр, сўз, кўшиқ, ракс, театр кабилар) ёрдамида амалга ошириладиган ўйинлар.

Моддий воситалар билан бажариладиган ўйинларда тўп, тош, таёқ, суяк (ошиқ), арқон, белбоғ кабилардан фойдаланилади. Кўпинча фойдаланилган воситалар ўйин номини белгилаган. Тўп ёрдамида «Пода тўп», “Қочар тўп”, “Тўп девор”, “Штамба”, “Тўп ўйин” кабилар, тош ёрдамида “Чекимтош”, “Бекки”, “Уч тош”, “Қирқ тош”, “Юз тош”, “Лаппар” каби, таёқлар ёрдамида “Тоқми жуфт”, “Дулки” каби, суяк ёрдамида “Оқ суяк”, “Ошиқ ўйин” каби, арқон ёрдамида “Арқон тортиш”, белбоғ ёрдамида “Белбоғ тортиш”, “Белбоғ учида кураш” каби ўйинлар ўйналган.

Саволлар

1. Ўйинлар таснифи ҳақида тушунча беринг?
2. Табиий мавсумий ўйинларга мисоллар келтиринг?

ЎЙИНЛАР ШАКЛИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНДОРЛИГИ

Маънавий-бадий ифодали ўйинларда номоддий воситалардан фойдаланилган. Масалан, агар ўйин ақлни бошни қотиришни тақозо этса “Бош қотирма” ўйин, агар ўйинда асосий восита сўз бўлса “Сўз ўйинлари”, агар ўйин ҳаётий ходисалар воқеалар сюжет-образ орқали ифодаланган бўлса уларни воқеабанд (театрлаштирилган) ўйин, агар ўйинда кўшиқ асосий восита бўлса, уларни “Кўшиқли ўйинлар” деб аташ мумкин.

Асосий восита ўйин мазмунининг характери шакли кўпинча тури ва номини белгилаб беради. Шу сабабли ифодали воситали ўйинлар ичида сўзли, кўшиқли, рақсли, воқеабанд (театрлаштирилган) ўйинлар алоҳида ўрин тутади.

1. Бошқотирма ўйинлар. Бу ўйинларга ақлий салоҳият керак бўлади. Улар болалар ақлини ишга солишга, ўстиришга, мантикий ва тез фикр қилишга фаросатли топқир бўлишга хизмат қилади. Масалан:
 - “Тахтажанг”,
 - “Шахмат” каби ўйинларни бошқотирмасдан ўйнаб бўлмайди.
2. Сўз ўйинлари. Асосан оғзаки нутқдан ташкил топиб уларга:
 - “Тез айтиш”,
 - “Топишмоқ топ”,
 - “Қирқ ёлғон”,
 - “Баҳру байт”,
 - “Гулдур гуп” кабилар киради. Бундай ўйинларда ақлий фаолият асосий ўрин тутгани учун уларни баъзида «Ақлий ўйинлар» ҳам дейишади.

3. Қўшиқли ўйинлар. Куй ва ашула айтишув асосида вужудга келиб, уларга;

- “Як-як”, “Ум- уфу”,
- “Бўшама”,
- “Кичкина”,
- “Юрмана-юрман”,
- “Сидирча”,
- “Ёзи-кал”,
- “Ботмон-ботмон”,
- “Оқ теракми, кўк терак” кабилар киради.

4. Рақсли ўйинлар. Асосан рақсли ёки пантомимали ҳаракатлар асосида ижро этилиб, уларга;

- “Беш қарсак”,
- “Чўпон”,
- “Хўш-хўш”,
- “Лакка-лак” ва бошқалар киради.

IX. Хайвонлар иштирокида ўйналадиган ўйинлар. Бу ҳолдаги ўйинлар энг қадимги ҳисобланади. Қадимги одамлар аввалига табиатнинг ўзида хайвонлар жангини томоша қилганлар. Кейинчалик хайвонларни ушлаб уларни махсус уруштиришган. Натижада “Бедана уриштириш», “Хўроз уриштириш”, “Кўчкор уриштириш”, “Ит уриштириш” кабилар пайдо бўлган.

Хайвонлар иштирокида ўтадиган бошқа ўйинлар ҳам бўлган. Уларда хайвонлардан восита-улов сифатида фойдаланишган. Жумладан, эшак ва от миниб ўйналадиган ўйинлар;

- Эшак кўпқари,
- Улоқ,

- Отпойга,
- Ағдариш,
- Човгон ва бошқалар ўзбек халқи орасида кенг тарқалган.

Хуллас, халқ ҳаётида минглаб ранг баранг ўйинлар мавжуд бўлиб, улар минг йилликлар ичида бойиб борган ва аجدодларимизнинг маънавий ва жисмоний ҳаётида муҳим ўрин тутган. Кўп асрлар давомида халқ ўйинлари авлодларни тарбиялашда “Ҳаёт мактаби” вазифасини ўтаган, улар аجدодларимизнинг ақлий, руҳий ва жисмоний баркамол бўлишида муҳим ўрин тутиб келган.

Саволлар

1. Бошқотирма ўйинлар ҳақида тушунча беринг?
2. Ҳайвонлар иштирокидаги қандай ўйинлар биласиз?

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИДАН НАМУНАЛАР ВА УЛАРНИНГ ШАРТЛАРИ

Талабалар билан ўтказиладиган амалий машғулотларда ўзбек халқ ўйинларининг дастлабки кўринишлари, аجدодларимиз ўйнаган ўйинларида тортиб то ҳозирги кунгача ўйнаб келинаётган ўйинлар ўрганилади ва таҳлил этилади. Жумладан: “Кўпқари”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Қувалаш”, “Ғозлар”, “Тош ўйин”, “Оқ таёқ-кўк таёқ”, “Чакман”, “Топган топалоқ”, “Подшоҳ вазир”, “Қулоқ чўзма”, “Чиллик” ва ҳақозо ўйинлар.

КЎПКАРИ ЎЙИНИ

Бу ўйин асосан тўйларда, байрамларда, катта кенгликларда ўтказилади. Кўпқарида қатнашувчи чавандозлар ўртасида танлаш учун бир улоқ ёки беш олти ойлик бузоқча ажратилган бўлиб, улар кўпқари бошлашдан бир кун олидин сўйилади ва фақат унинг боши олинади, териси шилинмайди. Кўпқари уч шарт бўйича ўтказилади. Биринчи шарт “Улоқ айириш” деб аталади. Кўпқари ўтказиладиган кенгликда жуда кўп чавандозлар йиғилишади. Улардан узоқроқ жойда кўпинча тепалик, жарликлар устида эса тўйга келган меҳмонлардан иборат томошабинлар ўтиришади. Тўйнинг эгаси эҳтиёжига қараб кўпқарига ҳар хил нарсалар: буюмлар, мол, қўй, отлар ажратади. Бу нарсаларни баковуллар барчага эълон қилишади. Чавандозлар ўртасида кўпқари учун сўйилган улоқ ташланади. Шундан сўнг чавандозлар улоқни тортиб кетишади. Улоқни шунча чавандозлар орасидан айириб чиқиш учун, биринчидан чавандознинг ўзи жисмонан кучли бўлиши, иккинчидан, унинг оти бақувват ва кучли бўлиши керак. Шундай қилиб, қайси бир чавандоз улоқни тўдадан айириб, бошқа отлиқлардан ўн-ўн беш метрча ва ундан ҳам кўпроқ жойга ўзиб ўтгандан кейин баковул “Ҳалол” деб бақиради.

Кейин ўша чавандоз иккинчи баковул ёнига бориб, эълон қилинган ҳақни совринни олади. Шу тариқа “Улоқ айириш” шарти бир неча бор такрорланади. Шундан сўнг баковул иккинчи шартни эълон қилинади.

Иккинчи шартнинг номи “Меҳмон келди” деб аталади. Тўйга узоқ ва яқин жойлардан келган тўй эгасининг оға-инилари, қавм-қариндошлари, ёру биродарлари ҳамда ўзи яшаб турган қишлоқ, шаҳар, маҳаллалардан меҳмонлар таклиф этилган бўлади. Тўйга келган меҳмонлардан айримлари кўпқарига атаб, ният қилиб ўз ҳисобидан соврин қўяди. Баковул соврин қўйган кишининг исми-фамилияси тўй эгасига ким бўлиши, қаердан меҳмон бўлиб келганлиги ва соврин нимадан иборат эканлиги ҳаммага эълон қилади. Кейин ўша баковул отини миниб, чавандозлар тўдасидан камида беш юз метр узоқ масофага бориб қўлига байроқча ушлаб туради. Иккинчи баковул чавандозлар ўртасига яна ўша кўпқари учун сўйилган улоқни ташлайди. Қайси чавандоз шу тўда ичидан улоқни айириб олиб, ҳаммани ортда қолдирган ҳолда шу улоқни байроқ ушлаб турган баковул олдига олиб бориб ерга ташласа, у ғолиб бўлади. Улоқ ерга ташланган заҳотиёқ баковул байроғини айлантира бошлайди. Бу “Ҳалол” деган маънони англатади. Кейин ғолиб бўлган чавандоз ҳақ берувчи баковул ёнига бориб “Меҳмон келдиси”ни олади. Агар меҳмонлардан биронтаси яна соврин қўйса бу шарт давом этаверади.

Учинчи шарт энг оғир шарт ҳисобланади. Бу шартга энг қимматбаҳо соврин қўйилади. Эълон қилувчи баковул шартни ва бу шарт ғолибига нима берилишини эълон қилади-да, ўзи отни миниб жуда қийин ноқулай ва нотекис жойга бориб, қўлига байроқча ушлаб туради. Бунинг ҳам масофаси беш юз метрдан узоқроқ бўлади. Иккинчи баковул сўйилган улоқни чавандозлар ўртасига ташлайди. Қайси бир чавандоз

улоқни айириб чиқиб, ҳалиги байроқ ушлаб турган баковул отининг олдига олиб келиб ташласа, у ғолиб ҳисобланади.

ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК

Бу ўйин қадимий, шу билан бирга ҳозирда ҳам ёшларнинг орасида кенг тарқалган ва оммалашиб кетган ўйинлардан бири. Бу ўйинда ҳам иштирокчилар икки гуруҳга бўлинишади. Ҳар бир гуруҳдаги болалар сони бештадан кам бўлмаслиги керак. Ўйин тартиби қуйидагича: гуруҳлар икки тарафдан бир-бирига рўбарў саф тортиб, қўлини қўлга берган ҳолда занжир ҳосил қилиб туришади. Икки гуруҳ орасидаги масофа йигирма қадамча бўлади. Ўйин бошланишидан олдин назоратчи сайланади. Назоратчининг қўлида кичик бир қоғоз яширинган бўлиб, унда “Оқ теракми, кўк терак” деб ёзилган бўлади. Назоратчи ўртага чиқиб икки томондан бештадан бола чақиради. Болалардан қайси бири назоратчининг қўлида яширинган қоғозни топа олса, ўша гуруҳдаги болалар ўйинни бошлашади. Ўйинни бошлаётган гуруҳ бошлиғи иккинчи гуруҳдаги болаларга қарата:

- Оқ теракми, кўк терак-дея қичқиради.
- Иккинчи томон бошлиғи эса:
- Биздан сизга ким керак-дея саволга савол билан жавоб қайтаради.
- Бизга, масалан “Комил керак” дейди биринчи гуруҳ бошлиғи.

Шунда номи айтилган бола сафдан чиқиб, югуриб келиб занжирдек ушланиб турган иккинчи гуруҳ болаларининг сафига ўзини уради. Сафни ёриб ўта олса, бу гуруҳдан бир болани ўз гуруҳига олиб кетади. Агар занжирни узиб ўта олмаса, шу гуруҳдаги болалар сафига қўшилади, кейин иккинчи гуруҳдагилар ўйинни давом эттирадилар. Булар ҳам ўйинни шу йўсинда бошлашади: “Оқ теракми, кўк терак” “Биздан сизга ким керак?”, “фалончи керак” деган савол-жавоблар бўлгач номи

айтилган бола сафдан чиқиб рўпарадаги болалар сафини ёриб ўтиш учун югуриб кетади. Ўйин боришини назоратчи кузатиб туради. Шундай қилиб, қайси бир гуруҳда биронта ҳам бола қолмагач ўйинга якун ясалади. Ҳамма болаларни ўз бағрига йиғиб олган гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

ҚУВАЛАШ

Болаларнинг энг қизиқарли ўйинларидан биридир. Болалар айлана ҳосил қилиб туришади. Болаларнинг ёши каттароғи ўзидан бошлаб шу ўйин учун тўқилган сўзлар билан болаларни санай бошлайди. Сўзнинг охири қайси болага тўғри келса, ўша бола сафдан чиқиб туради. Сўзлар қуйидагича бўлиши мумкин:

Онам берган помидор,
Ишонмасанг санаб кўр.
Бир, икки, ўн олти,
Ўн олти деб ким айтди.
Ақлли кучукча айтди,
Ақлли кучукча ўлсин,
Ақли ўзимга қолсин.
Бир, икки, уч, тўрт, беш,
Олти, етти-кетти.

Охирги “Кетти” сўзи қайси болага тўғри келса ўша бола сафдан чиқиб туради. Бу ўйин учун яна бошқа хил сўзлар ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан

Бир, икки,
Олма дики,
Сафар ойи
Сарик чумчук,
Боғда турмай

Тез учиб чиқ.

Бунда “Чиқ” сўзига тўғри келган бола сафдан чиқиб туради. “Қувалаш” ўйини сўзларидан яна бири:

Қовун палак чумак отди,

Чумак эмас, гурвак отди.

Гурвак қовун ширин экан,

Қўлим теккан сафдан чиқди.

Бу тўртликдан ҳам “Чиқди” сўзи қайси болага тўғри келса ўша бола сафдан чиқиб туради. Сўзларнинг охиридаги “Кетди”, “Чиқ”, “Чиқди” сўзларига тўғри келган болалар сафдан чиқавергач, охирида бир бола қолади. Ўша бола ўзидан олдин сафдан чиққан болаларнинг ҳаммасини қувлаш керак. Қувлаётган бола қочаётганлардан бирига етиб бориб, елкасига бир урса, у ушлаган ҳисобланади. Кейин қувлаш навбатини ушлаган бола давом эттиради. Ўйин қондасига биноан қувлаётган бола ўтирган болани ушлаши мумкин эмас. Шунинг учун қувлаётган яқинлашиши билан қочаётган бола дарҳол ерга ўтириб олади. Ўтирган боланинг туришини кутиб ўрнидан тургандан сўнг ушлаши ҳам мумкин.

АРҒАМЧОҚ

Арқон ўйини. Ўйин икки ёки ундан ортиқ болалар узунлиги 1,5-2,5 м га тенг арқон билан ўйналади. Яккама-якка ёки гуруҳ бўлиб ўйналиши мумкин.

1. Яккама-якка арғомчоқ. Бунда арғамчани икки қўл билан олдиндан орқага ёки орқадан олдинга навда атрофида айлантирилади. У ерга тегиш онидан устидан сакраб арқончага илинмаслиги шарт. Арғамчага илинмай ким кўп сакраса ўйинда ғолиб чиққан ҳисобланади.

2. Гуруҳ бўлиб ўйнаганда арқоннинг икки учидан икки одам ушлаб айлантиради, бошқалар арқонча ерга тегиб ўтиш вақтида унинг устидан сакрайдилар. Оёғи арқончага тегиб кетган иштирокчи ўйиндан чиқади, хатосиз энг узок (кўп) сакраган ўйинчи ғолиб саналади.
3. Ўйин иштирокчиларининг тайёргарлиги, сакраш имконияти ошган сари арғамчи ердан баландроқ кўтарилади, сакраш баландлиги ошади. Бунинг учун гуруҳ бўлиб ўйновчилар майдонининг бир чеккасига қозиқ қоқиб арғамчи боғланади ва умайдон ўртаси бўйлаб тортилиб иккинчи учи дарахтнинг шохига ёки иморат деворига нишаб ҳолда боғланади. Айлантирадиган арқончанинг ўртаси ерга тегмай ипнинг юзасига тегиб, ўйинчилар сакрайоладиган баландликдан ўтказилади. Тортилган арғамчининг бошқа ўйинчиларга нисбатан баландроқ жойидан ўтаётган арғамчанинг устидан (унга тегиб кетмасдан) сакраган ғолиб саналади.

Арғомчоқ ўйини сув сепиб супирилган, тоза, текис жойларда ўйналади.

БЕКИНМАЧОҚ

Бир вақтнинг ўзида бир неча бола ўйнайди. Болаларнинг бир “қоровул” бўлади. У деворга қўлларини кафти билан тираб, юзини икки қўли орасига олган ҳолда кўзларини юмади. “Қоровул” турган ер марра деб аталади. У яширинувчилардан “Бўлдимми?”, “Бўлдимми?” деб, овоз чиқариб сўрайди. “Бўлди” деган жавоб бўлгач яширинганларни “қоровул” қидира бошлайди. “Қоровул” етарли масофага узоклашгач қарши томонга яширинган болалар тез югуриб келиб маррага кафти билан урадилар. Шундай қилган ўйинчи таъқибдан қутилган бўлади.

“Қоровул” кўзига кўриниб, маррага ундан кейин келган ўйинчи ютқазган ҳисобланади.

БУРГУТ ВА БУРГУТЧА

Ўйинчилар “Бургут” ва “Бургутча”ни танлайдилар. Майдон ўртасига кичик доира “Бургутча”га уй чизилади. Доиранинг ўртасига волейбол ёки футбол тўпи қўйилади. Ундан 1 метр нарида квадрат (1х1м)да “Бургут” жойлашади. Майдоннинг бир томонидан “Уй”, иккинчи томонидан йўлакча ажратилади. Ўйинчилар – кичик қушчалар “Уй” ичига жойлашадилар.

Раҳбар “Олдинга” деб буюриши билан “Қушча”лар “Бургутча”нинг “Уй”и томонга югурадилар ва у қўриқлаб турган тўпни олиб қочмоқчи бўладилар. “Бургутча” эса доирадан чиқмасдан уларни тутишга ҳаракат қилади (бунинг учун у қўли билан “Қушча”ларга тегса бас). “Бургут” эса бутун майдон бўйлаб “Қушча”ларни тутиб “Бургутча”га ёрдам беради. Тутилган қушчалар қарама-қарши томондаги йўлакчага бориб турадилар. “Қушча”ларнинг биронтаси “Бургут” ва “Бургутча”га тутилмасдан тўпни “Уй” томонга олиб қочишга эришса, унда ўйин тўхтатилиб янги “Бургут” ва “Бургутча” танланади. Ҳамма “Қушча” лар тутилиб қолган пайтда эса бошловчилар ўз ўринларида қоладилар ва ўйин қайта такрорланади.

Ўйин қоидаси: 1. “Қушча”лар ҳам, “Бургутча” ҳам доира чизигини босиб ўтолмайдилар. Бу қоида бузилганда тўп жойига қўйилади. 2. Агарда “Қушча” йўлакча ёки уй чизикларига тўпни олиб боргунича “Бургутча” ёки “Бургут” томонидан тутилмаса, у ғалаба қилган ҳисобланади. 3. “Бургут” майдонидаги ҳамма (тўпли, тўпсиз) ўйинчиларни тутиши мумкин. 4. “Қушча”лар тўпни бир-бирларига узатиб олиб қочишлари мумкин.

ГУВАЛА УЗАТИШ

Гувала – лойдан қўлда ясаб офтобда қуритилган, таги ясси, чўзинчоқ кесак. Синчли иморатнинг синчлари орасини беркитишда ишлатиладиган қурилиш маҳсулоти. Ўйинчиларнинг бири пастда, иккинчиси том устида туради. 40-5ғ доно гувал ёки гишт ўйин анжоми вазифасини ўтайди. Гувала томда бўлса, пастга ташлаб берилади, пастда бўлса, томга отиб берилади. Отувчи ва уни илиб олувчилардан гувалани синдирмай, ерга туширмай, қиса муддатда отиб-илиб тахлаш талаб қилинади. Ишни бошқарганларга нисбатан тез бажарган жуфтлик ютган ҳисобланади. Гувалани ерга тушириб юборганлар эса ютқазган – нўноқ ҳисобланадилар. Ббу ўйин бошқа кўп миллий ўйинларга ўхшаб ёшларни пухта, тежамкорлик билан меҳнат қилишга ўргатади. Масалан, бу ўйинда эгалланган малакалар қрвун-тарвузларни йиғиш, транспортга ортиш ва туширишларда қўл келади.

ДОИРАГА ТОРТ

Ерга ёки полга ўйин иштирокчиларининг сонига қараб доира чизилади. Ўйинчилар бир-бирларининг қўлларида ушлаганлари ҳолда доира атрофида чизилган чизик ташқарисида қўл ушлашиб турадилар. Бошқарувчининг командаси билан ўйинчилар бир-бирларини доирага тортиб киритишга ҳаракат қиладилар. Доира чизигидан ичкарига кадам қўйишга мажбур бўлган ўқувчи ўйиндан чиқади, ўйин давом этади.

Ўйинчилар камайган сари доира ҳам кичикроқ бўлиб боради. Энг кейин қолган ўйинчи ҳаммадан кучли ва эпчил деб эълон қилинади.

ДОН ТУЙИШ

Болалар миллий таомлар тайёрлаш учун дон туйиш (янчиш)да баҳслашадилар. Баҳс учун танланган кели(ўғир)лар ва туйишга ажратилган донларнинг сифати ва миқдори бир хил бўлиши лозим. Бунда кекса момолар, тажрибали келинлар ишбоши бўладилар. Ғолибларни аниқлашда ҳам улар ҳакамлик қилишади.

Овқат пишириш, баҳор ойларида сумалак, ҳалим сингари миллий таомларни тайёрлашда келида дон туйиш асосий иш ҳисобланади. Ажратилган донни келида тез туйган бола баҳсда ғолиб чиқади. Бу баҳсда бола фойдали меҳнатга ўрганади. Лекин бу меҳнатнинг оғирлиги йўқ, чунки у мусобақа тарзида ўтказилади. Бажарилган иш қатнашувчига қувноқлик, хурсандчилик, яхши кайфият бағишлайди. Келида дон туйишни яхши уддалаган ўғил – қиздан унинг ота-онаси ҳам мамнун бўлади.

ЁҒОЧ КЕСИШ

Ёғоч кесиш баҳслари ўсмирлар ўртасида катта қизиқиш уйғотади. Бунинг учун қатнашувчилар сонига қараб гуруҳларга бўлинадилар. Уларнинг ихтиёрига бир хил катталиқдаги арралар берилади. Уларнинг ўткирлиги ҳам нисбатан бир хил бўлиши керак. Улар бир хил вақтда йўғонлиги бир хил ҳариларни арралашга тушадилар. Ҳариларни олдин арралаб бўлган болалар ғолиб ҳисобланади. Бу баҳс ёғочни тез кесишга – фойдали меҳнатга ўргатади. Натижада болалар рўзғор учун ёғоч кесиш ишларини тез бажаришга интиладилар.

ЗУВ

1 вариант. Югуриш чизиғи олдида ўпкани тўлдириб нафас олинади ва “зув-в-в-в-...” деб овоз чиқарган ҳолда югурилади. Ғалаб бир нафас олиб энг узоқ масофага югурганга берилади.

2 вариант. Бир спортчи иккинчисининг елкасига ўтказиб олади. Югуриш чизиғи олдида елкада ўтирган спортчи чуқур нафас олади ва “зув-в-в-в-...” дейишни бошлаши биланок уни кўтариб олган спортчи олдинга бгуради. Бир нафас олишда энг узоқ масофага югурган жуфт болалар ғолиб чиққан ҳисобланадилар.

ЙИГИРМАГА ЕТКАЗ

Майдоннинг бир томонига диаметри 8 м га тенг, катта доира чизилади. Унинг ичига бурчакларини доирага текказиб катта тўғри тўртбурчак чизилади. Катта тўғри тўртбурчакнинг ичига ундан 30 см масофада яна битта (кичик) тўғри тўртбурчак, унинг ичига учбурчак, учбурчакнинг чига эса кичик доира чизилади. Қатнашувчилар командаларга бўлиниб чизик орқасига сафланадилар.

Ўйинчиларнинг ҳаммаси навбат билан кичик доирани мўлжаллаб тўп отадилар. Ҳар бир отилган тўп учун ўйинчи (команда)га: тўп кичик доира ичига тушса – 5 очко, учбурчакка – 4 очко, кичик тўғри тўртбурчакка ичига тушса – 3 очко, катта тўғри тўртбурчакка – 2 очко ва катта доира ичига тушса – 1 очко берилади. Тўпни отгандан сўнг шу ўйинчининг ўзи югуриб бориб тўпни олади ва уни навбатдаги ўйинчига отиш учун узатади, сўнг ўз командасининг орқасига бориб туради. Йиғилган очколар сонини 20 тадан ошириб юборган ёки кўпроқ очколар йиққан команда ғолиб чиқади.

Ўйин қоидаси: тўп отишда ўйинчи чизикни босиб юборса, олган очкоси ҳисобланмайди.

ҚАРМОҚЧА

“Қармоқча” – халқимизнинг қадимий ўйинларидан бўлиб, уни очик ҳавода ва бино ичида, жисмоний тарбия дарсларида ҳамда танаффус вақтларида ўтказиш мумкин. ўйин учун 3-4 метрли арқонча керак бўлади. Арқончанинг бир учига кичик халтачада қум ёки қипиқ боғлаб қўйилади.

Ҳамма болалар доира ҳосил қилиб турадилар. Бошловчи доира ўртасида туриб, арқончани ўз атрофида айлантира бошлайди. халтача ердан кўтарилмаслиги лозим. Ўйинчилар оёқларига халтача тегиб кетмаслиги учун сакраб-сакраб турадилар. Оёғига халтача теккан ўйинчи қармоққа илинган ҳисобланади ва доира ўртасига чиқади. Энди бу ўйинчи бошловчи ўрнида арқончани айлантира бошлайди.

Ўйин ниҳоятда оддий ва қизиқарли бўлганлиги учун ўқувчилар унда ўз маҳоратини намоёниш қила оладилар. Ким чаққон ва ҳушёр бўлмаса, қармоқчага илина беради. Ўртага тушган ўйинчилар бу ўринда узок туриб қолмасликлари учун ўйинчиларни тезроқ қармоққа илинтирб олишга ҳаракат қилишлари лозим.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Бир неча минг йиллик тарихга эга Ўзбекистонда ва қўшни мамлакатларда кенг тарқалган жанговор ўйин ва ҳимоя воситаси қиличбозлик санъатига давлат миқёсида жангчилар тайёрланган. Куч, эпчиллик, қурол ишлатишга моҳирлик, кўп рақибга қарши кураша олиш ҳурмат ва шуҳрат келтирган.

Болалар кичик ёшидан қиличбозликка ўргатилган. Бунинг бир неча усуллари бўлган.

1. Икки киши таёқ билан қуролланиб бир-бирлари билан таёқ уриш ва уни рақиб қўлидан тушириб юборишга ўйнаш. Бола таёқ билан фақат рақиб таёғига уради, ўзига ҳеч қандай озор етказмайди.

2. Ҳар икки киши иккитадан таёқ билан қуролланиб (ўнг ва сўл қўлга) бир-бирларининг таёқларига ҳар хил ҳолатда урадилар. Таёқлардан бирини тушириб юборган бола мағлуб ҳисобланади.

КИМ КУЧЛИ

(1 вариант)

майдонча ўртасидан чизик ўтказилади. Чизикнинг ўнг ва чап томонидан унга паралле қилиб 2-3 метр наридан яна иккита чизик чизилади. Қатнашувчилар икки командага бўлиниб, марказий чизик олдида бир-бирларига қараб жуфт бўлиб гавдаланадилар. Рақиблар бўйлари ва кучлари жиҳатдан тахминан тенг бўлишлари керак.

Болалар чап қўлларини орқага қилиб, ўнг қўллари билан ушлашадилар. Раҳбарнинг буйруғидан кейин ўйинчилар ўз рақибларини орқа томонларидаги чизик орқасига тортиб ўтказишга ҳаракат қиладилар. Тортиб ўтказилган бола очколар саналгунча рақиб томонда туриб туради. Ўйин ҳам ўйинга ажратилган вақт тугаганидан сўнг тугайди. Командалар ҳар бир тортиб ўтказилган ўйинчи учун бир очко оладилар. Ўйинда кўпроқ очко тўплаган команда ғолиб чиқади. Ўйинда қатнашаётган болаларнинг сони 5-6 тадан ошмаган пайтда командаларга бўлиниш шарт эмас. Бунда ютказган бола курашдан чиқади, ғолиб

чиққан бола эса навбатдаги бола билан курашни давом эттиради. Баҳсларнинг охирида энг кучли, абжир бола аниқланади.

Ўйин қоидаси: Рақибни фақат белгиланган усул билан, ўйин бошлангандан кейин тортиб олиш мумкин. Ўйинчи рақибни ўрта чизикдан 2-3 м масофа нарига ўтқазиб юбориши лозим.

КИМ КУЧЛИ?

(2 вариант)

Майдонча ўртасидан чизик ўтказилади. Ўйинда қатнашувчи икки бола чизикнинг икки томонига бир-бирларини ўнг (чап) кўлларидан маҳкам тутиб, иккинчи кўлларини орқаларига қилиб турадилар. Уларнинг ўнг (чап) оёқлари чизик устида бир-бирларига тегиб, чап (ўнг) оёқлари эса орқарокда жойлашади. Ўзаро келишилган ишора билан болалар куч билан ўз рақибларини турган жойларидан кўзғотишга ҳаракат қиладилар. Оёқларининг биронтаси жойидан силжиб кетган бола мағлуб ҳисобланади. Бунда болалар 3-5 мартагача мусобақалашишлари мумкин.

Баҳсда ютқазган бола курашдан чиқади, ғолиб чиққан бола эса навбатдаги қатнашувчи билан курашни давом эттиради. Баҳс охирида майдонда энг кучли бола қолади.

Қатнашувчиларнинг сони кўп бўлган пайтда уларни командаларга бўлиш мумкин. бунда улар ҳар бир ғалаба қилган бола ўз командасига бир балл келтиради. Кўпроқ очколар тўплаган команда ўйинда ғолиб чиқади.

Баҳсда қатнашаётган ҳар жуфт болаларнинг бўйлари, вазнлари ва кучлари тахминан тенг бўлганликлари маъқул. Лекин бунга ҳар доим

ҳам риоя қилиш шарт эмас. Чунки рақибга нисбатан бўйи паст, вазни енгил, лекин кучли, эпчил бола баланд бўйлик, оғир вазнли болалар устидан ғолиб чиқиши мумкин.

КИМ ЧАҚҚОН?

Ўйин майдончада ўтказишга мўлжалланган. Майдончага чизилган доиранинг катталиги ўйинчиларнинг сони (5-40 га) боғлиқ бўлади. Бошловчи доира ўртасида туради. Ўйинчилар доира чизиғи ташқарисига ўтирадилар. Махсус ишора берилиб, ўйин бошланиши билан ўйинчилар ўзаро келишилган махсус ишораларга мувофиқ, жойларини алмаштирадилар. Бошловчи шу пайт боринта ўйинчининг жойини эгаллаб олишга интилади. Жойсиз қолган ўйинчи бошловчи бўлиб қолади ва ўйин давом эттирилади. Бирон марта ҳам жойсиз қолмаган ўқувчи эпчил, чаққон ва ғолиб деб эълон қилинади.

Ўйин қоидаси: 1. Ёнма-ён турган ўйинчиларга ўзаро жой алмашиш мумкин эмас. 2. Бир неча жуфт ўйинчилар бир вақтнинг ўзида жой алмаштиришлари мумкин.

ҚОПҚОН

Ўйинчилардан иккита бошловчи танланади. Улар қўлларини юқорида туташтириб “Дарбоза” ясаган ҳолда майдон ўртасида, қолган ўйинчилар эса уй чизиғининг орқасига жойлашадилар. Раҳбар “Бир, икки, уч!” деб санаши билан ўйинчилар дарбоза орасидан ўтишлари лозим. Раҳбар “тўрт” деб санаганда “Дарбоза” бекилади (бошловчилар қўлларини пастга тушириб, ўтирадилар). Шу пайтда “Дарбоза” қолган ўйинчи ютқазган ҳисобланади. У бошловчиларнинг биттаси ўрнига

туради. Икки ўйинчи “Дарбоза” орқасида қолиб кетган пайтда улар иккала бошловчиларни алмаштирадilar. Ўйинчиларнинг сони 8 тадан ортиқ бўлган пайтларда уларни 2 ёки 3 гуруҳга бўлиб “Дарбоза”ларнинг сонини ҳам кўпайтириш мумкин.

Ўйин қоидаси: 1. “Дарбоза”дан ўтиб кетаётганда бошқа ўйинчиларни туртиб юбориши мумкин эмас. 2. “Дарбоза” орқасида қолган ўйинчилар бошловчиларнинг қўлларини узиб ўтишлари тақиқланади. 3. Агарда 2 тадан кўпроқ ўйинчи “Дарбоза”дан ўтолмаса, унда охирги ўйинчилардан икkitаси бошловчиларнинг ўринларига турадилар.

КОПТОК ЎЙИНИ

Бу ўйин қизлар орасида кенг тарқалган.

Футбол тўпидан кичикроқ коптокни ўйинчи ерга уради ва бир айланиб копток ўзининг бўйи билан тенглашганда яна кучсиз зарб билан уради, яна айланади. Коптокни тўхтатмасдан, бир меъёردа энг кўп ерга урган қиз ютиб чиққан ҳисобланади.

ҚУВНОҚ ЧАВАНДОЗЛАР

Ўйинда 4 тадан 40 тагача ўйинчи қатнашиши мумкин. майдон ўртасида 4-6 м га тенг доира чизилади. Унинг ўртасига кичик буюмлар қўйилади. Ўйинчилар доира ташқарисида жуфт бўлиб жойлашадилар. Ўйинчиларнинг биринчилари “Отлар” иккинчилари “Чавандозлар” бўлиб ҳисобланади. Раҳбарнинг биринчи ишораси билан “Чавандозлар” отларга минадилар, иккинчи ишораси билан эса “Отлар” “Чавандозлар”и билан белгиланган томонга югурадилар. Сўнг ўз жойларида оёқларини

елка кенглигида кенгрок қўйиб тўхтайдилар. “Чавандозлар” отларидан тушиб, уларнинг оёқлари орасидан эмаклаб ўтадилар ва ўртадаги буюмлардан биронтасини олиб жойларига қайтадилар. Биронта ҳам буюм ололмаган “Чавандозлар” ютқазган бўлиб ҳисобланадилар. Улавр “Отлар” билан жой алмашадилар ва ўйин давом эттирилади.

Ўйин қоидаси: 1. Доира бўйлаб югурганда ўйинчилар бир-бирларини фақат ташқи томондан қувиб ўтишлари мумкин. 2. “Чавандозлар” бирон буюмни ўйин қоидасини бузиб эгаллаганда у ютқазган бўлиб ҳисобланади. 3. “Отлар” оёқлари орасидан ўтаётган “Чавандозлар”га қаршилиқ кўрсатишлари мумкин эмас. 4. Буюмларнинг сони “Чавандозлар”га нисбатан камроқ бўлиши керак.

КЎЗ БОҒЛАШ

Ўйин қатнашчилари бир-бирлари билан қўл ушлашиб, доира ҳосил қилиб турадилар. Ўйин раҳбари ўйинчилардан иккитасини давра ўртасига чақиради. Уларнинг кўзларини тоза рўмолча билан боғлаб, бирининг қўлига қўнғироқ ёки иккита кичкина тош бериб қўяди. Кейин уларни икки томнга олиб бориб қўяди.

Раҳбар ишора қилиш билан қўлида ҳеч нарса бўлмаган ўйинчи кўзи боғланган ўз ўртоғининг отини айтиб чақиради. Номи чақирилган ўйинчи жавоб ўрнига қўнғироқни чалади ёки тошларни бир-бирига уради. Тутувчи товуш чикқан томonga қараб юради ва ўртоғини ушлашга ҳаракат қилади. Қочувчи – ҳам ўз навбатида овоз чиқариб қочади, амма узоққа бора олмайди, чунки доира ҳосил қилиб турган бошқа болалар ҳаракат доирасини чеклаб қўядилар.

Агар қўнғироқ ушлаган ўйинчи ўз рақибининг қўлига тушса, иккала ўйинчи ролларини алмашадилар ва қочувчи ушлангунга қадар ўйин давом эттирилади. Ундан кейин раҳбар кўз боғлаш учун янги иккита ўйинчи тайинлайди. Ўйин шу тарзда давом эттирилаверади. Барча ўйинчилар даврага шундай тизилиб турадиларки кўзлари боғланган ўйинчилар майдонча чегарасидан узоқлашиб кетолмайдиган бўладилар.

ОҚСОҚ ҚАРҒА

Қатнашувчилар бир неч командаларга бўлиниб майдончанинг икки чеккасига жойлашадилар. Ҳар бир команданинг биринчи ўйинчиларига арқонча ёки рўмолча берилади.

Раҳбарнинг ишораси билан командаларнинг биринчи иштирокчилари оёқларининг болдиридан арқонча ёки рўмолча билан илиб оладилар ва бир оёқларида (оқсоқ қарға сингари) ўрта чизикқача сакраб юрадилар. Сўнг икки оёқлаб орқага югуриб келиб, ўйинни давом эттириш учун арқончани навбатдаги ўйинчига узатадилар. Машқни тезроқ бажарган команда ғолиб чиқади.

Арқонча топилмаган тақдирда, ўйинчилар оёқларини бир ёки иккала қўллари билан тутиб югуришлари мумкин.

Ўйин қоидаси: 1. Ўйинчи арқонча (рўмолча) билан оёғини кўтариб олмагунича сакрашни бажариши мумкин эмас. 2. Арқончани ўйинчи иккала қўллаб тутиб туриши лозим. 3. Ҳар бир ўйинчи ўрта чизикқача бориб қўли билан унга тегиши шарт.

Юқоридаги қоидаларни бузган ўйинчилар жарима баллари оладилар. Кўпроқ жамира баллари олган команда ўйинчилари машқни тез бажарган бўлсалар ҳам ютқазган ҳисобланадилар.

ОЛОЛМАЙДИ-Ё-ОЛОЛМАЙДИ-Ё

Ўрталиққа ичига қанда, конфет ёки кулча нон ўралган тугунча қўйилади. Унинг атрофини ўраб турган ўйинчилар ва томошабинлар “Ололмайди-ё” деб чапак чалиб иштирок этадилар. Ўртага тушган ўйинчи тугунча атрофида ўзи севган оҳангда рақсга тушади ва бошқа қатнашувчилар билан биргаликда қуйидаги лапарларни айтади:

Хо, хо

Ким олади-ё шугинани-ё,

Ким олади-ё шугинани-ё,

Хо, хо

Ололмайсано шугинани-ё,

Ололмайсано шугинани-ё

Ман оламано шугинани-ё,

Ман оламано шугинани-ё.

Ким олади-ё қизгинани-ё.

Хо, хо

Ололмайсано қизгинани-ё,

Ололмайсано қизгинани-ё.

Хо, хо

Ман оламано қизгинани-ё,

Ман оламано қизгинани-ё.

Лапар охирида ўйинчи қўлларини орқасига қилиб, тиззаларини букмасдан, энгашиб тишлари билан тугун ичидан тишлаб олишга ҳаракат қилади. Ўйинчининг тиззаси букилса ёки йиқилиб тушса

ўйиндан чиқади. Ўйин шартини бузмай тугунчани олган иштирокчи ғолиб саналади. Тугунчани ололмаган иштирокчи ўртага тушиб ўйнаб ёки бошқа бирон бир ҳунар кўрсатиб, томошабинларни хурсанд қилади.

Халқимиз қадимдан яхши рақсга туша билишни, зукколикни, жисмоний сифатларнинг ривожланганлигини ёки бошқа бирон ноёб қобилиятларни намойиш қилиб келганлар.

ОЛОМОН ПОЙГА

Ўйинда 8-40 иштирокчи қатнашиши мумкин. улар тенг икки командага бўлинадилар. Командалар ўйинчилари (бири “От”, иккинчиси “Чавандоз”) бўлиб турадилар. Қуръа ташлаш йўли билан ўйинни бошловчи команда аниқланади ва унга рўмолча берилади.

Ишора билан рўмолча берилган команданинг “Чавандоз”лари ўз “От”ларига минадилар ва ўзаро рўмолчани узатиб юборадилар. Иккинчи команданинг “Чавандоз”лари узатилаётган рўмолчани эгаллашга ҳаракат қиладилар. Агар улар бунга эришсалар, у холда энди улар рўмолчани ўзаро узата бошлайдилар. Рўмолча ортга туширилиб юборилганда у қарши командага борилади ва ўйин давом эттирилади.

Ўйин белгиланган вақт (5-7 дақиқа) давом этади, сўнг “Чавандоз”лар “От”лар билан ўрин алмаштиришади. Кўпроқ вақт рўмолчани эгаллаб турган команда ғалаба қилади.

Ўйин қоидаси: 1. Ўйин учун ажратилган майдоннинг ташқарисига чиқиш тақиқланади. 2. Рўмолча учун курашда рақиб команда ўйинчиларини туртиш мумкин эмас. Бундан пайтда рўмолча қоидани бузган командадан олиб қўйилади. 3. Рўмолчани ўйинчилар бир-бирларидан узатаётганларидагина қўполлик қилмасдан тортиб олишлари

мумкин. аммо уни ўйинчилар кўлидан куч билан тортиб олиб кўйиш тақиқланади.

ОТ ЎЙИН

Халқимиз азалдан отни яхши кўриб келган. Ўзларининг бўш вақтларида от ҳаракати билан боғлиқ ўйинларни ўтказишган. Ушбу ўйинда жамоалар тенг иккига бўлинади. Ҳар иккала гуруҳнинг биттадан ўйинчиси кучли ва бақувват қатнашчининг елкасига миниб олиб, доира ичида туради. Ҳакамнинг рухсатидан сўнг чавандозлар бир-бирларига яқинлашиб, кўллари ёрдамида рақибларини доиранинг ичидан тортиб чиқишга ёки йиқитишга ҳаракат қилади. Бунинг уддасидан чиққан чавандозга балл берилади. Кўп балл тўплаган жамоа ғолиб ҳисобланади. Ўйин қизиқарли бўлиши учун чавандозларнинг кўлларига улоқ ўрнига бирон метр бўз мато ҳам бериш мумкин.

Ўйин қоидалари: ўйин чавандозлар бир-бирларининг кўлларини ушлагандан сўнг, рухсат берилиши билан бошланиши керак. 2. Бир-бирини туртиш ман этилади. 3. Рақибни доирадан чиқариш шарт. 4. Қатнашувчилар ўринларини алмашиш ҳам мумкин.

ОШИҚ ЎЙИН

Икки киши ўйнайди. Текис ерга томонлари тахминан 1,5х1,5 м га тенг квадрат чизилади ва унинг ўртасига ошиқлар қатор қилиб терилади. Ошиқлар терилган катакдан 2,5-4 м узоқликдан хирп ошиқ (едирилиб силлиқланган, кўрғошин қуйиб оғирлаштирилган ошиқ, хирп асосан қорамол ошиғидан ясаиб, ҳажми катта бўлади) ерга нисбатан параллел ҳолатда чирпирак қилиб отилади. Маҳсад ошиқларни квадрат

чегарасидан уриб чиқариш. Хирп бир ёки бир неча ошиқни четга уриб чиқариб ўзи қаерга тушса ўйновчи ўша ерга бир оёғини қўйиб бошқа ошиқларни уриб чизик ташқарисига чиқара бошлайди. агар ўйинчи ҳар урганда биронта ошиқни чиқарса, ҳаммасини чиқаргунча ўзи ўйнайди. Уриш натижасиз бўлса, навбат рақибга ўтади. Квадратдан қайси ўйинчи кўпроқ ошиқ уриб чиқарса шу ўйинчи ютган бўлади. Ўйинчилар навбат билан ўйин бошлайдилар.

ПОДАЧИ

Диаметри 3-4 м катталиқдаги доира чизилади ва оҳак билан белгиланади. Доира ичида учта ўйинчи қўлида чим хоккей анжомига ўхшаб ясалган таёқни ушлаб туради.

Доира ташқарисида ҳам ҳужумчилар уч жойда жойлашиб турадилар. Доиранинг ўртасида ёғочдан ясалган (баландлиги 5-6 см) нишонлар 10-15 см оралиқда, доира шаклида қўйилган бўлади.

Ўйин бошлангач, доира ташқарисида 1 м узоқликда турган ҳужумчилар кичик тўпни бир-бирига тез ошириб, қулай фурсат топиб, доира ичидаги ҳимоячиларни чалғитиб, нишонларни бирин-кетин йиқитишга киришади.

Доира четидаги чизикқа копток қўйиб, ўртдаги нишонни уришга бир марта рухсат берилади. Сўнгра ҳимоячи доира чизигига коптокни қўйиб зарб билан ташқарига, узоқроққа уриб чиқаради. Нишонни копот билан уриб йиқитган жамоага икки очко берилади. Ўйин бир неча бор қайтарилгандан кейин ҳимоясилар ҳужумчилар билан жойларини алмашадилар. Ўйинда кўпроқ балл тўплаган гуруҳ ғолиб саналади.

Ўйин қоидалари: 1. Ўйин вақтида доира ичидаги ҳимоясиларнинг чиқиб кетиши ман этилади. 2. Ҳимоядаги ўйинчиларнинг таёғи ҳужумчиларга тегса ёки доира чизигидан ташқарига чиқса, жарима балли берилади. 3. Ўйин вақтида ҳужумчилар таёғини юқорига кўтарса, хавфли ҳаракат ҳисобланади. 4. Хавфли ҳаракат тез-тез такрорланса, ўйинчи бир неча дақиқага ўйиндан чиқарилади.

САНЧИШ

Жанговар ўйин. Пичокни ўткир найза учидан ушлаб 5-10 м масофадаги ёғоч тахтачага санчиш ўйини. Ҳар 10 мартаба отганда ким бошқаларга нисбатан кўпроқ аниқ санчий олса ютган бўлади. Жангчиларни рақибга қарши мудофаага тайёрлаганда ғалаба қозонишнинг ҳар хил усуллари қаторида шундай мерганликка ҳам ўргатилган.

СИЛЛИҚ ТОШ

Тоғлик, адир жойларда кенг тарқалган. Мусобақада қатнашувчилар, оғирлиги ўз ёшлари ва қувватларига мос силлиқ, ҳарсанг тошни икки қўллаб кўтарадилар, сўнг елкаларига қўйиб ярим энгашган ҳолда орқадан ёнбошга тушириб яна қўлларига оладилар. Шундан сўнг бошқа елкасига олиб машқни такрорлайди. Машқни тез ва хатосиз бажарган киши ғолиб саналади.

СОПОЛОК

Теккис ерга уч ёки тўрт жуфт катак чизилади. Ҳар бир катакнинг узунлиги ва кенглиги камида тўрт оёқ бўйига тенг бўлади. Сопол ёки чинни синиғидан ўқувчиларнинг резинка ўчирғичидан иккита ёки учтасига тенг катталиқда тўрт бурчак сопол ясалади. Ўйинда навбат билан икки киши қатнашади. Шарт: сополни биринчи катакка ташлаб бир оёқда сакраган ҳолда уни тепиб иккинчи катакка, сўнг ундан кейингисига олиб ўтиш ва энг охирги катакка етказиб келишдир. Сополни тепишда оёқ катак чизиғига тегиб кетмаслиги, сопол чизиқ устида тўхтамаслиги, ҳар бир катакни ўз навбати билан кесиб чиқиши, кўтарилган оёқ ўйин давомида ерга тегмаслиги керак. Хатога йўл қўйган бола ютқазган ҳисобланади. Ўйин ўнг ва сўл оёқларда сакраган ҳолда бўлиши мумкин.

СУПУР-СУПУР

Ўйинда асосан қизлар икки гуруҳ 4-10 тадан бўлиб 8-10 м узокликдаги масофага тизилиб, бир-бирларига қўлларини узатганда тегмайдиган зичликда ўтирадилар. Ҳар гуруҳнинг бошлиғи, она-бошиси ўз командаси аъзоларига янги ном қўйиб, қулоғига шивирлаб чиқади. Бу ишни тез бажарган она боши ўйинни бошлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқа команда ўз болаларига ном қўйиб бўлгач, она бошилар рақиб команда тепасига келадилар ва ўзлари ҳоҳлаган боланинг кўзларини бекитиб, “Супур-супурни бошланг!” деб буйруқ беради. Ҳар икки команда болалари қўлларини олдинга узатган ҳолда уларни гоҳа ўнг, гоҳа чап томнга қараб тебратиб “Супур-супур” деб турадилар. Бошловчи команданинг она бошиси ўз командасидаги болалардан бирини яширин ном билан чақиради. У бола келиб, кўзи беркитилиб турган ўйинчини

пешонасидан секингина чертади ва ўз жойига бориб ўтириб “Супур-супур”ни айтиб ўртоқлари қатори қўлларини тебрата бошлайди. она боши кўзларини беркитиб турган болага “Чертганни топ” деб буюради ва уни қўйиб юборади. Агар у чертган болани томолмаса ютқазган бўлади ва ютуқни қўлга киритган томон қаторида қолади, топса – ўйинни давом эттириш навбати қарши томонга ўтади.

Томонларнинг бирида ютқазилар натижасида ёлғиз бир ўйинчи қолса (она боши қисобга кирмайди) ўйин тугаган бўлиб ҳисобланади. Ютқазган томоннинг ҳамма болалари ўйин ўйналган ҳовли, майдон, бостирма ва бошқа жойларни сув сепиб, супуриб чиқади.

ТИМ (ЧАЛКАШ ЙЎЛЛАР)

Иккита командага тенг бўлинган ўйинчиларнинг сони 20 тадан ортиқ бўлмаслиги керак. Улар майдончанинг икки пастки бурчагига жойлашади. Майдончага олдиндан лабиринт чизилади. Раҳбар ишора бергач, иккала команданинг ўйинчилари лабиринтда белгиланган йўллардан ўтиб, “Тим”га етиб олишга интилади (“Тим” ҳар бир команданинг рўбарасидаги бурчакдан ажратилади). Бунда ҳар бир команданинг ўйинчилари ўз йўлакларидан чиқиб кетмасликлари лозим. Ўйин давомида ўқувчиларга ўз рақибларини йўлларида тўртиб ёки туртиб чиқаришга рухсат берилади.

Ўз йўлкасидан бирон марта ҳам чиқариб юборилмасдан рақиб зонаси (“Тим”)га биринчи бўлиб етиб борган ўйинчи “Тим”, “Тим” деб қичқиради ва ўз командасига ғалаба келтиради.

Ўйин қоидаси: 1. Рақиб зонасига тортиб ўтказилган ёки йўлқадан чиқариб юборилган ўқувчи ўйиндан чиқади. 2. Ўйинчилар бир-бирларига ёрдам беришлари мумкин.

ТОПИБ МИН

Ўйинда ўрта ва катта ёшдаги ўғил болалар қатнашадилар. Ўйинчилар икки командага бўлинадилар. Қуръа ташлаш билан ўйинни бошловчи команда аниқланади. Ўйинни бошловчи команда ўйинчилари биронта буюмни бекитадилар. Бу пайтда иккинчи команданинг ўйинчилари уларга нисбатан кўзлари берк ҳолда орқалари билан турадилар. Буюм беркитилгандан сўнг раҳбарнинг ишораси билан бу команда уни қидира бошлайди. Агар белгиланган (1-2 дақиқа) вақт ичида қидираётган команда буюмни топса, у ҳолда бу команданинг иштирокчилари буюмни беркитган команда иштирокчиларининг елкаларига минадилар. Буюмни беркитган биринчи команданинг ўйинчилари устиларига олган ўйинчиларни олдиндан келишилган жойга олиб қўйишлари лозим.

Агар белгиланган вақт ичида қидираётган команда буюмни тополмаса, у ҳолда бу команданинг ўйинчилари буюмни беркитган команда ўйинчиларини орқаларига миндириб олдиндан келишилган жойга олиб бориб қўйишлари лозим. Шундан сўнг буюмни иккинчи команда ўйинчилари беркитади. Беркитган буюмни тезлик билан кўп марта топган команда ғолиб чиқади.

Ўйин қоидаси: Буюмнинг беркитилишини мўралаб кўриб олиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда қоидани бузган ўқувчи ўйиндан чиқарилади.

ТОРТИШМАЧОҚ

Майдон ёки катта хона марказидан икки томонга ораси 3 м дан қилиб иккита чизик ўтказилади. Иккала команда ўйинчилари узун арқоннинг икки томонига ўтиб, уни қўлларига олиб турадилар. Бунда арқоннинг ўртаси белгилаб қўйилади. Бу белги марказий чизик устида туриши лозим.

Раҳбарнинг ишораси билан ҳар қайси команда арқони ўз томонига тортади. Ўйинчиларнинг уч марта уринишидан сўнг рақиб командасини икки марта чизикдан ўтказиб тортиб олган команда ғалаба қилади.

Ўйин қоидаси: 1. Арқонни фақат раҳбарнинг ишорасидан сўнг тортиш мумкин. 2. Иккинчи ишора берилгунга қадар арқонни қўйиб юбормаслик керак.

Тортишмачоқ ўйини узоқ тарихга эга. Республикамизда ўтадиган сайил, байрам ва катта йиғинларда ҳамда никоҳ кечаларида эркак ва аёллар тортишмачоқда баҳслашганлар. Бунда кўриниб турибдики, авлодларимиз кучли, эпчил, бақувват бўлишликни ардоқлаганлар.

ТУГУН ТУГИШ

Ўқувчилар ўртасида арқон тугиш баҳслари ўтказилса, кўнгилдагидек амалий натижа беради. Бунда болалар раҳбар талаб қилган ёки ўзаро келишилган тугиш усулида мусобақалашадилар. Ким керакли тугунни тез ва сифатли тугса ғолиб деб топилади. Бу баҳснинг амалий аҳамияти беқиёсдир. Маълумки, чорва моллари боқиладиган жойларда, умуман, хўжалик ишларида- намат уйларни тиклаш, керагиларини мустаҳкамлаш: қўй, эчки, сигир-бузоқ, отларни боғлаш каби ишлар кўп бажарилади. Бу ишларда болалар катталарга ёрдамчи

бўлиб ўсадилар. Кўпинча улар бу ишларни мустақил бажарадилар. Ана шунда уларнинг ўрганган малакалари жуда қўл келади. Шу сабабдан катталар болаларга ёш вақтдан оқ арқон тугишни ўргатадилар. Бундан ташқари тугиш жисмоний маданиятда, спорта, цирк томошаларида тугун тугиш усуллари кўп қўлланилади. Чунончи, альпинизмда спортчилар тугун тугиш усуллари мукамал билишлари лозим.

ТЎП ТЕПИШ

Бу ўйинда 4-20 тагача катта ёшдаги ўғил болалар қатнашадилар. Майдонга диаметри 4-6 м га тенг доира чизилади. Қатнашувчилар бошловчи танлайдилар. У майдон марказидаги тўпни кўриқлаши лозим. Қолган ўйинчилар доира ташқарисига жойлашадилар.

Раҳбарнинг ишораси билан ўйинчилар доирага югуриб кирадилар ва оёқлари билан тўпни тешиб (туртиб) доирадан чиқаришга ҳаракат қиладилар. Бошловчи эса тўпни тепишга ҳаракат қилган ўйинчини тутишга интилади. Тутилган ўйинчи ўйиндан чиқади. Тўпни доиранинг ташқарисига тешиб чиқарган ўқувчи бошловчи бўлиб қолади ва ўйин раҳбарининг ишораси билан қайта бошланади.

Ўйин қатнашувчилари ўйинни ҳоҳлаган вақтдгача давом эттириши мумкин. энг кўп марта ва узоқ вақт бошловчи бўлиб турган ўйинчи ғолиб деб топилади.

Ўйин қоидаи: 1. Бошловчи ёки ўйинчилар тўпни қўллари билан тутишлари мумкин эмас. 2. Тутилган ўйинчи четга чиқиб туради ва бошловчи алмашгандан кейингина қайта ўйинни давом эттириш мумкин.

ТЎП ЧУҚУРЧАГА

Ўйинда ўрта ва катта ёшдаги ўғил болалар қатнашадилар. Ўйинчилар икки командага бўлиниб, старт чизиғи орқасига икки қатор бўлиб сафланадилар. Бунда ўйинчилар кучлари ва оғирликлари бўйича тахминан тенг бўлган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб туришларини таъминлаш лозим. Қарама-қарши томонга 8-10 м масофада иккинчи чизиқ чизилиб унинг орқасига тўпларининг катталигига тенг чуқурчалар ковланади. Чуқурчаларнинг сони ўйинда қатнашаётган жуфт ўйинчиларнинг сонига тенг бўлиши, ораси эса 0,5 м дан ошмаслиги керак. Майдон ўртасида ҳам битта чуқурча ковланади.

Ўйинни бошловчи команданинг ўйинчиларидан бири олдида турган рақиб команда ўйинчисининг устига чиқиб, унинг кўзини боғлайди. Кўзи боғланган ўйинчи тўпни оёқлари билан думалатиб қаршисидаги чуқурчага тушмоқчи бўлади. Агар тўп чуқурчага тушса, ўйинчилар ролларини алмашадилар. Тўп чуқурчага тушмаса, устидаги ўйинчи орқадан (старт чизиғига) олиб келади, шундан кейингина ўйинчилар ролларини алмашадилар.

Ўйинчи тўпни марказдаги чуқурчага туширганда шу команда ўйинчиларининг ҳаммаси қарши команда ўйинчиларининг устларида марказдан старт чизиғигача келиш ҳуқуқига эга бўлади. Шундан сўнг командалар ролларини алмашадилар ва ўйин давом эттирилади. Чуқурчаларга тўпларни кўпроқ туширган команда ғолиб чиқади. Чуқурчаларга бир нечта ўйинчи ёки команданинг аъзолари тўпларни бир пайтда думалатишлари ҳам мумкин. Бундай пайтларда ўйинчилар кўзларини боғлашлари шарт эмас. Бунда тўпларни чуқурчаларга тезроқ туширган команда ғолиб чиқади.

Ўйин қоидаси: 1. Чуқурчалардан чиқиб кетган тўп ҳисобланмайди.
2. Ҳар бир ўйинчи тўпни чуқурчага туширишга икки марта уриниб кўриши мумкин.

УЛОҚ

Бу ўйин Қозоғистон ва Ўрта Осиё давлатларида кенг тарқалган. У минг йиллик тарихга эга. Отлиқлар (кўпинча неча юзлаб отлиқ) ўртасига эчки ёки бузоқ танаси ташланади (боши олинган, ичак-чавоқлардан тозаланган). Отлиқлар от устида туриб ўзаро қаттиқ курашадилар. Энг уста, эпчил ва кучли чавондоз улоқни тақим остига қаттиқ босиб олади ва маррага қараб югуради. Қувловчи чавондозларга олдириб қўймасдан улоқни марррага келтириб ташлаган чавондозга ипак чопон, от, туя, қўй-қўзилар ёки пул мукофоти берилади. Улоқни енгиш учун от ҳам чавондоз ҳам бақувват, эпчил, яхши машқ қилган, абжир бўлишлари зарур.

ХЎРОЗЛАР ЖАНГИ

Ер (пол)га диаметри 3-4 м га тенг доира чизилади. Ўйин қатнашувчилар икки гуруҳга бўлиниб, доиранинг қарама-қарши томонларига сафланадилар. Ҳар бир гуруҳдан сардор сайланади. Улар биттадан ўйинчини – “хўрозлар”ни ўз гуруҳларидан доира ичига киритадилар. Уларнинг иккиси ҳам оёқлари букиб, қўлларини орқаларига қилиб борадилар. Раҳбарнинг ишораси берилгач, бир оёқда сакраб, елкалари билан бир-бирларини туртиб доирадан чиқариб юборишга ёки ўзаро мувозанатини йўқотиб, иккинчи оёғини ерга текказишга ҳаракат қиладилар. Бу баҳсда болаларга ўз рақибларининг

зарбаларига чап бериш тақиқланади. Чап берган, зарбадан қочган бола мағлуб ҳисобланади. Ғалабага эришган ўйинчи ўз гуруҳига бир балл келтиради. Шундан сўнг доирага навбатдаги жуфтлик қўшилади. Қайси гуруҳнинг ўйинчилари кўпроқ ғалабани қўлга киритса, шу гуруҳ ўйинда ғолиб саналади. Болаларнинг сони 5-6 тадан ошмаган пайтда гуруҳларга бўлиниши шарт эмас. Бунда ютқазган хўроз майдондан чиқиб кетади, ғолиб чиққан хўроз эса навбатдаги бола билан курашни давом эттиради. Баҳсларнинг охирида энг кучли бола аниқланади.

Ўйин қоидаси: 1. Икки оёққа туриб олган ёки доирадан чиқиб кетган хўроз мағлуб бўлади. 2. Иккала хроз ҳам доирадан бир вақтнинг ўзида чиқиб кетса, кураш яна бошқатдан бошланади. 3. Хўрозлар жанги фақат ишора билан бошланади. 4. Жанг вақтида хўрозларнинг қўллари орқаларида бўлишлари лозим.

ЧИЛЛАК

Ерга кичик чуқурча қавланади ва унинг устига узунлиги бир қарич ёғоч қўйилади. Ўйинчилардан бири сопқон (узунлиги 45-50 см ли таёқ) билан қарич ёғочни чуқурга устидан силтаб юқорига ирғитади ва у елка баландлигига келганда қаттиқ уриб юборади. Шундан сўнг сопқонини чуқурча устига қўяди. Бошқа ўйинчи урилган қарич ёғоч ортидан югуриб уни олади ва чуқурча устидаги сопқонни мўлжаллаб улоқтиради. Агарда майдондаги ўйинчи қарич ёғочли сопқонга теккиза олмаса жарима тўлайди. Жарима узоққа уриб юборилган қарич ёғочгача бўлган масофани нафасни бўлмай “а-а-а...” деган овоз чиқариб югуришдан иборат бўлади. Чиллак ўйини бошқачароқ вариантларда ўйналиши мумкин.

ЧЎЛОҚ ҚАРҒА

Доира чизилади — бу чўлоқ қарғанинг ини хисобланади. Доира атрофини 2-8 та болалар ўраб оладилар. Доира ичида турган бола бошладик дейди, кейин бир оёқлаб сакраган ҳолда бошқа болаларни қувлаб кетади. Болалар ҳам бир оёқлаб сакраб қочадилар. Икки оёқлаб югурган бола жазоланади. Чўлоқ қарға инидан узоқлашган вақтда унинг инига кириб ер тепган бола қувланишдан қутилади. Чўлоқ қарғанинг қўли теккан бола унинг ўрнида қувловчи бўлиб қолади. Ўйинда ўнг ёки чап оёқда сакраш келишиб олинади.

ЧЎПОНЛАР ВА ЭЧКИЛАР

Майдон ўртасига диаметри 8 м га тенг доира чизилади. Ўйинчиларнинг сони 20 дан ортиқ бўлган вақтда ўйин бир вақтнинг ўзида иккита катта доирада ўтказилади. Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Қуръа ташлаш билан гуруҳ “Чўпонлар”, иккинчи гуруҳ “Эчкилар” деб аталадилар. Чўпонлар бир икки..., деб тартиб билан санаб чиқадилар ва рақамларини эслаб қолиб доира ташқарисига, Эчкилар эса доира ичига жойлашадилар. Раҳбар чўпонлардан бирининг рақамини айтиб чақиради. У ўйинчи бир оёғида сакраган ҳолда ичкаридаги Эчкиларни тута бошлайди (бунинг учун у рақиб ўйинчига қўли тегса бас). Эчкилар ҳам бир оёқларида сакраб қочадилар. Бир оздан сўнг раҳбар иккинчи чўпонни чақиради, биринчиси эса ўз жойига бориб туради. Ҳамма эчкилар тутилиб бўлгандан сўнг гуруҳлар жойларини алмашадилар ва ўйин давом этади. Муайян вақт ичида кўпроқ эчкиларни тутган ёки ҳамма эчкиларни тезроқ тутган гуруҳ ғолиб чиқади.

Ўйин қоидаси: 1.Эчкиларнинг доира ташқарига чиқишлари мумкин эмас. Бу қоидани бузган ўйинчи тутилган хисобланади. 2.Эчкиларни

тутаётган чўпонлар ўнг, дам чап оёқларида сакрашлари мумкин. 3.Тутилган эчкилар доира ташқарисига чиқиб ўтирадилар. Улар ўйинда қатнашишни давом эттиришлари мумкин, лекин бунда чўпонлар гуруҳига қарши тутилган эчки учун бир балл берилади. 4.Янги чўпон фақат ундан аввалги чўпон доирадан чиққандан сўнг ўйинни давом эттириши мумкин. 5.Иккала оёғи ерга теккан чўпон ўз жойига қайтарилади.

ЧУҚУРЧАГА ОТИШ

Ўйинчилар 2-5 гуруҳга бўлиниб, отиш чизиғига сафланадилар. Ундан 5-8 м нарига ҳар бир гуруҳнинг қаршисига юзароқ чуқурча тайёрланади. Гуруҳларнинг биринчи бўлиб турган ўйинчиларнинг қўлларида биттадан катта тош бўлади.

Раҳбарнинг ишораси билан биринчи ўйинчилар қўлларидаги катта тошни қаршиларидаги чуқурчаларга отадилар. Бунда улар чуқурчалардаги майда тошларни чиқариб оладилар. Сўнг ўзлари отган катта тошларни ўз гуруҳларининг иккинчи ўйинчиларига олиб келиб берадилар. Энди иккинчи ўйинчилар катта тошни отиб юборишга ҳаракат қиладилар ва ҳок.

Чуқурчалардаги тошларни кўпроқ ёки уларнинг ҳаммасини тезроқ чиқариб юборган гуруҳнинг ўйинчилари ғолиб бўладилар.

Ўйин қоидаси: 1.Катта тошни отаётган ўйинчилар чизиқни босиб юбормасликлари керак. Акс ҳолда уриб чиқарилган тошлар ҳисобга кирмайди. 2.Ҳар бир ўйинчи фақат бир марта тош отиши мумкин. 3.Ўйин қайтарилганда гуруҳлар ўрин алмашадилар.

ДЎППИ ЯШИРМА

Болалар бир жойга тўпланишиб айлана ҳосил қилиб туришади. Кейин кимдир бир қоп, икки қоп деб то ўн қопгача санайди. Ўн биринчи қоп эса “пуч қоп” саналади. Пуч қопга тўғри келган бола навбат билан ташқарига чиқиб кетаверади. Санаш айлана ичида то битта бола қолгунча давом этади. Охирида айлана ичида қолган боланинг кўзи боғланади. Бошқа иштирокчилар эса ерга бир қатор бўлиб ўтирадилар ва дўппи яширадилар. Кўзи боғланган бола дўппини излашга тушади. Дўппи кимда бўлса, у кўзи боғланган боланинг исмини айтиб чақира бошлайди. Излаётган бола овоз чиққан томонга юради. Шунда дўппини топиб олса “тапир-тупир қора қуш” деб айтишади ва кўзини очишади. Сўнг ўйин бошидан бошланади. Энди дўппи яширган иштирокчининг кўзи боғланади.

ДЎГИШ ЎЙИНИ

Ўзбек халқининг жанговар мусобақалридан бир ўтмишда шундай номланган. Мусобақа кўпинчи байрам ва сайилларнинг тугаши арафасида уюштирилган. Унда асосан, 18-25 ёшлар атрофидаги йигитлар иштирок этишган. Қишлоқ йигитларининг жангаворлигини чидамлилигини синаб кўриш мақсадида бакавуллар иккита қишлош, маҳалла ёки кўча болаларини бир жойга тўплаб “... қишлоқ билан ... қишлоқ дўғиш” дея баланд овозда ҳаммага эшиттириб эълон қилади. Ана шунда икки тараф йигитлари бир-бирларига қарши жанг бошлайди.

Мусобақа ўз қондасига эга. Унга амал қилиш барча иштирокчилар учун мажбурий. Ўйиннинг асосий шарти шундан иборатки жангда рақибнинг нозик жойларига уриш қатъиян тақиқланган энг муҳими жангда ҳеч ким майиб ёки мажруҳ бўлмаслиги керак.

Икки гуруҳ ўртасидаги дарё, кўча ёки тепалик томонлар учун чегара ҳисобланган. Ўйинда жангчилар кўлга қурол олиши ёки бошқа воситалардан мумкин эмас. Мусобақада фирромлик қилган ва қоидани бузган иштирокчилар ўйиндан четлаштирилган. Жанг шароит ва имкониятга кўра 3-4 соатча давом эттирилган ҳар бир қишлоқнинг энг кучли баҳодири ўз йигитларига сардорлик қилган. Дўғиш ўйини қатнашчиларнинг жангавор шарқ якка кураши сирларининг барча усуллари ниҳоят даражада яхши ўзлаштирилганлиги ҳозирги кунда ҳам эл оғзидан тушмай келади. Ўзбек халқи орасида бу мусобақанинг кўп ҳудудларда бир қанча шакллари учрайди.

Ҳар бир тарихий жараённинг ўзига хос ўйинлари мавжуд бўлган. Улар кишиларни шу замон руҳида тарбиялаган. Ўйинлар инсонларга зарур бўлган у ёки бу кўникмаларни ҳосил қилибгина қолмай, балки инсонларни ҳар томонлама камол топишида, ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан ривожланишида катта ҳисса қўшган. Ўйин мазмуни тузилиши ва характери кўп жиҳатдан кишиларнинг эҳтиёжига ташқи ва ички факторларга, табиий иқлим шароитига, қилаётган ишига, инсонларнинг ўзаро муносабатига, сиёсий вазиятга боғлиқ бўлган. Ўйиндаги конфликт ҳолатилар жамиятдаги ижтимоий келишмовчиликларни намоён этишнинг ўзига хос кўриниши эди.

Ўйиннинг яна бир жиҳати инсоннинг нормал ривожланиши учун тўлдирувчи восита бўлиб хизмат қилган. Масалан, подачиларнинг ҳаёт тарзи ҳаракатли ўйинларга эҳтиёж сезади, шу билан бир вақтда подадан узоқлашмай туриб ўйнайдиган ўйинларга кенг далалар жуда яхши шароит бўлса, подачи кўлидаги таёқ эса ўзига хос “Ключка” вазифасини

ўтаган. Тўп учун қўйларни юнглари ишлатилган шу тариқа “Подачи”, “Жун тўп”, “Чим тўп”, “Чавгон” ўйинлари юзага келган.

“Чавгон” ўйини дастлаб подачиларнинг ўйини бўлиб, кейинчалик оммалашиб кетган. Айниқса, бу ўйин ўрта аср аскарлари орасида кенг тарқалган. Бу ўйинлар Шарқнинг кўпгина давлатларига ёйилган, уларнинг баъзилари Ҳиндистон ва Англиягача етиб борган. Шуларнинг умумлашмаси тарзида ҳозирги кунда ўйналаётган “Чим устида хоккей” ўйинини кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги ҳаёт тарзига нисбатан ўтмиш аجدодларимизнинг турмуш тарзи анча зерикарли кечгани ажабмас. Шунинг учун ўйин улар ҳаётининг мазмунли ўтишида бир омил бўлиб хизмат қилиб келган. Ўйин жараёнида кишилар ҳаётдаги қийинчиликларни бир дам бўлса ҳам унутиб, салбий эмоциялардан ҳоли бўлар эдилар. Ҳатто урушлар бўлган вақтда ҳам кишилар ўйин учун вақт топар ва оз муддатга бўлса-да ташвишлардан ҳоли бўладилар.

Шундай қилиб ўйин асосида кишиларнинг маънавий эмоционал ва жисмоний эҳтиёжини қондириш ётади. Ўйин қадимдан инсоннинг шаклланиш ва ривожланишида етакчи омиллардан бўлган.

Ушбу ўқув қўлланмада ўзбек халқ ўйинлари амалий машғулотларда ўрганилади. Синов ва имтиҳонларда қўлланилган сценарийлар асосида тузилган “Халқ ўйинлари” фанидан кўрсатилган имтиҳон дастури маълум бир сюжет асосида қурилган бўлиб, унда драматургиянинг барча компонентлари мавжуд: тугун, кулминация ва ечим асосида қурилган. Олинган воқеалар эртак қаҳрамонлари, таниқли фильмлар сюжети асосида яратилган.

ГАРДИШ ПОЙЛАШ

Ўйинда бир неча киши қатнашади. Болаларнинг бири девор тахта ёки бино бурчаги орқасига яшириниб, тахтадан темирдан ёки

пластинкадан мосланган, кичик элак катталигидаги гардишни тўрт бурчак шаклида бўлса ҳам бўлади, чирпирак қилиб тепага кетма кет отиб туради. Бунда гардиш мерганларга қулай қилиб отилиши лозим. Мерганлар чирпираб учаётган гардишни мўлжалга олиб тош ёки кесак отадилар. Ким гардишга кўпроқ тош, кесак теккиза олса у ютган хисобланади. Болалар бу ўйинни одамлардан ўйнашлари лозим.

ҚЎЛИНГНИ БЕР

Ўйин майдончаси ҳар томондан чизиқлар билан чегаралинади. Бир ўйинчи қувловчи қилиб тайинланади, у эса майдонча ўртасида туради. Қолган ўйинчилар унинг атрофида тўпланадилар.

Қувловчи бор овоз билан “Мен қувловчиман!” деганидан кейин ҳамма ҳар томонга югуриб кетади. Қувловчи уларни ушлаш пайига тушади. Орқасидан қувловчи келаётганини сезган ўйинчи “Қўлингни бер!” деб ўртоғини ёрдамга чақириши мумкин. Қўл ушлашган жуфт ўйинчиларни ушлаш мумкин эмас. Агар қувловчи бирон ўйинчининг қшлини ушламасдан олдинроқ уни ушлаб олса, ушланган ўйинчи билан жой алмашади. Агар қувловчи узоқ вақтгача ҳеч кимни тута олмаса, унинг ўрнига бошқа қувловчи тайинланади. Ўйин болаларда ўз ўртоғини хатарли пайтда албатта қутқариб унга ёрдам бериш каби ижобий сифатларни тарбияланишига ёрдам беради.

ҚУШИМ БОШИ

Гуруҳ бўлиб ўйналади. Бошловчи рўмолча ёки дўпписи ёрдамида “Қушим боши шунча, танаси шунча, думи шунча” деб кўрсатади, “буни топинг, дилбарим!” деб савол беради. Жавоб топилганда бошловчи “тўғри” деб хитоб қилади. Топган одам бошловчи қўлидан рўмолча ёки дўппи ўйин анжомини олади. Ҳамма ўйинчилар ўринларидан туриб

қочадилар, топган одам ўйин анжомини қочиб қочиб кетаётганлардан бирига отади, бориб тегса шу ўйинчи, тегмай қолса, отган одам ютқазган ҳисобланади. У жарима тўлайди. Ўртоқларидан бирини елкасига ўтказиб 100 м га бориб келиш, рақсга тушиб ўйнаш, шу ерга сув сепиб, супуриб қўйиш ва шу каби ишлар жарима сифатида қўлланилади.

КУЁВ СИНАШ.

Асосий кўпчиликни ташкил қилган машқлар қатори куёв синаш ҳам одамнинг иш қобилиятини, бардошини, “ишнинг кўзини” билишни, кучни оширишга ўргатади. Қизнинг отаси йигитни куёв қилишга мойил бўлса, унга дарахтлари кесилиб тўнкаси қолган майдонни кўрсатади ва шу тўнкаларнинг маълум бир қисмини теги билан кавлаб кўришни ва уни саржин қилиб тахлаб қўйишни шарт қилиб қўяди. Тўнка кавлаш ҳам, уни ёриб ўтин қилиш ҳам абжирлик, куч, билармонликни талаб қилади. Шу шартни бажарган йигит ўз севгилисига етишуви мумкин.

ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?

Майдончадаги ўйинчилар икки гуруҳга бўлиниб бир-бирларидан 15-20 масофа нарида маҳкам қисиб сафланадилар. Қуръа ташлаш билан ўйинни бошловчи команда аниқланади. Улар биргаликда

Оқ теракми, кўк терак,

Биздан сизга ким керак?

Дейдилар. Қарама-қарши томондаги команда биронта ўйинчининг номини айтиб чақиради. Бу ўйинчи югуриб бориб, ҳохлаган икки ўйинчиларнинг қўллари /“занжир”/ни узиб юборишга ҳаракат қилади. Агар ўйинчи бунга эришса, у ғалаба қилган ҳисобланади ва рақиб ўйинчининг бирини “асир”ликка олиб кетади. “Асир” ўйинчи ўз ғолибини орқасига бориб туради. Агар ўйинчиларнинг қўлларини

узолмаса, у холда ўзи уларнинг бирига “асир” бўлиб қолади. Сўнг иккинчи команда рақиб командасининг биронта ўйинчисининг номини айтиб чақиради ва ўйин тарзда давом эттирилади.

Ўйин давомида “асир”лари бор ўйинчилар ютқазсалар “асир”лар озод бўладилар ва ўз командаларига қайтадилар. Ўйин белгиланган вақт тугагунча ёки ҳамма ўйинчилар чақирилгунларича давом эттирилади.

Ўйин қоидаси: 1. “Занжир”нинг бир еридан икки марта узиш тақиқланади. 2. “Занжир” фақат бирлаштирилган икки қўллардан ташкил топган бўлиши шарт. 3. “Занжир”ни узишдан олдин чалғитиш ҳаракатларини бажариш мумкин.

ОШИҚ ЎГИРИШ

Ўрта Осиёда тарқалган ўйин, икки киши бўлиб ўйналади. Ошиқни чикка, пукка, товва, олчи деб аталувчи тўрт томони бор. Ўйинчи ошиқни шундай ташлаши – ўғириши керакки, токи унинг олчи томони юқорига қараб туриб қолса, ютуқ ўшаники. Ютқазган томон ҳовлини тоза супуриб беради, чой қайнатиб келади, дўкондан эгасининг пулига нон келтиради ва бошқ. Ўйиннинг шиори билмасанг ишла.

САКРАБ ЮГУРИШ (ОТ ЎЙИН)

Икки ва ундан ортиқроқ гуруҳ бўлиб ўйналади. Хар бир гуруҳнинг болалари ораликни 5 – 8 м дан қолдириб, тиззани бировз буккан холда энгашиб турадилар. Энг орқадаги болалар устидан оёқларини кериб сакраб, ҳаммадан олдинга ўтиб, 5 – 8 м нарига бориб энгашадилар. Сакрашни энди энг орқада бўлиб қолган болалар давом эттиради. Сатҳи кенг бўлмаган майдонда ўйин доира бўлиб ўтказилади. Чарчаган бола ўйиндан чиқади. Югуриш ва сакрашда энг кучли болалар гуруҳи ғолиб хисобланадилар.

СУВ БЎҒИШ

Болалар сепоя (учта ёғочни боғлаб тик ўрнатиш) яшашда мусобақалашадилар. Аввалига болалар учта кичик ёғоч олиб, бир томонини боғлаб уч оёқлаб турадиган қилиб қуришади. Кейин каттароқ ёғочлар арқон билан боғлашга ва аста – секин сув тўғонлари яшашга ўрганадилар. Сепоя боғлаш бахсларининг амалий аҳамияти жуда катта, чунки у турмушда керак бўладиган зарур ишларга ўргатади: қадимдан катта – кичик ариқларга, анхорларга тўғон қурилади; сувни бўғиш учун тош тўкадилар, қозиклар қоқиб шох бостирадилар. Бу ишларнинг энг самаралиси ва қулайи сепоядир. Сув бўғиш бахсларида қатнашган болалар, абжир, бақувват, қўрқмас бўлиб ўсадилар. Бундай болаларни тенгдошлари жуда хурмат қиладилар. Улар ўз оталарининг энг яқин ёрдамчилари.

СУВ КЕЛТИРИШ

Бу ўйин тоғлик жойларда тарқалган. Сув келтирадиган идишни бошига қўйиб мувозанат сақлаган ҳолда, қўл билан ушламай дарликдаги сув бўйига тушади, идишни сувга тўлдириб яна бошига қўяди. Идишни ушламай бошида кўтарга ҳолда жарликдан чиқади. Мувозанат бузилиб, идишни ушлашга мажбур бўлган киши ютказган ҳисобланади. У ғолиб чиққан шеригига сув ташишда ёрдам бериб жарима тўлайди.

ЎТИН ТАЙЁРЛАШ

Ўтин тайёрлаш бахслари ўсмирлар ўртасида ўтказилади. Бунинг учун қатнашувчилар сонига қараб гуруҳларга бўлинадилар. Уларнинг ихтиёрига бир катталиқдаги болта ва поналар берилади. Уларнинг ўткирлиги ҳам нисбатан бир хил бўлиши керак. Улар сигнал билан

йўғонлигибир хил бўлган ғўлаларни ёришга киришадилар. Ғўлаларни олдин ёриб ва тахлаб бўлган болалар ютган хисобланади. Болалар баҳсда уй – рўзғор ишларида энг фойдали, кераклиги – ўтин тайёрлашни ўрганадилар. Мусобақада эпчил, ишбилармон, чаққон, бақувват ва рўзғорбоп болалар ғолиб чиқадиладар. Ғолибларнинг яқинлари бундай йигитлардан мағрурланиб юрадилар.

УЧИНЧИСИ ОРТИҚЧА

Бир гуруҳ болалар иккитадан бўлиб бири олдинда иккинчиси унинг орқасида доира бўлиб турадилар. Булардан ташқари бир қувловчи, бир бекинувчи бўлади. Бекинувчи доира атрофида ҳеч кимга тегиб кетмасдан қочиб юради. Сўнг эпчиллик билан доира ичига кириб олиб иккитадан қатор турганларнинг олдида сарфлаб олади. Шу ондан бошлаб қаторда учунчи киши бекинувчи бўлиб қолади. Қувловчи бекинувчига қўл тегизса, у бекинувчи бўлиб ўрин алмашадиладар.

ХАККАЛАГАН ҚУШЧАЛАР

Ер полга айлана чизилади. Доира марказида бошловчи қарға туради. Доира ташқарисида бошқа болалар – қушчалар бўлади. Улар доира ичига сакраб кириб, сакраб юрадилар ва яна сакраб чиқадиладар. Қарға чумчуқларни доира ичида тутишга ҳаракат қилади. Булар учун уларга қўлини текказса бас. Тутилган “чумчуқ” “қарға” билан ўрин алмашади.

ЧИҚИШ

Баҳс учун 2 – 6 та тахминан бир хил ривожланган дарахтлар танланиб уларнинг учларига арқончалар боғланади. Олдиндан келишилган сигнал билан болалар дарахтга чиқиб унга боғланган арқонларни ечиб тушишлари лозим бўлади. Агар баҳс гуруҳлар орасида

ўтаётган бўлса навбатдаги болалар чиқиб арқончаларни белгиланган жойига боғлаб тушадилар ва хок. Машқни тез бажарган бола гуруҳ ғолиб деб топилади. Машқ шартларини тенглаштириш мақсадида болалар ҳар сафар бошқа дарахтга чиқишлари мумкин. Бундай мусобақаларда болаларнинг аста – секин малакалари ошиб, керакли кўникмалар ҳосил бўлади. Уларнинг эпчиллик сифатлари ортиб боради, билак ва оёқларига қувват киради. Бундай бахсларга ўзи баландликка чиқиб юрган, жисмонан чиниққан, тажрибали кишилар ҳакам бўлгани маъқул. Болаларни уй – рўзғор боғдорчилик ишларини масалан, дарахтнинг қуриган шохларини кесиш яхши ва тез бажаришга ўргатишда, умуман, меҳнатга тайёрлашда бу ўйин яхши самара беради.

ЧИРПИРАБ ОТИШ

Ясси юмалоқ тошнинг ярми майдон чеккасига қўйилади. Ўйинчи қўлидаги қум ёки тупроқ солинган халтача билан бир неча қадам чошиб келади ва тош устига оёқ кафти билан туриб айланган холда уни узокқа отади. Ким отган халтача энг узокқа бориб тушса шу бола ютган хисобланади. Халтачанинг оғирлиги ўйинда қатнашаётганларнинг ёши ва кучига мос бўлиши керак. 3 ва 5 марта отишнинг ўртача масофасини аниқлаш билан ҳам ғолибни аниқлаш мумкин.

ПИРР ЭТДИ

Бу ўйинда ҳам иштрокчилар сони чекланмайди. Барча қатнашчилар бир жойга тўпланишиб, ўз сафларидан гапга чечанроқ болани ўйинбоши қилиб сайлашади. Ўйинбоши сўзларидан сўнг болалар “пирр этди, пирр этди” деб такрорлаб туришади.

Ўйин тахминан қуйидагича бошланади:

- Чумчук пирр этди, пирр этди, пирр этди. Ғоз пирр этди, пирр этди, пирр этди. Ўйинбоши юқоридаги сўзларнинг орасида “дарахт пирр этди” ёки “эшик пирр этди” деб айтади. Бу сўзлар шунчалик тез айтиладики, уни такрорлаётганлар болаларнинг баъзилари шошиб қолиб, гапларидан адашиб “пирр этди, пирр этди” деб турадилар. Ҳақиқатдан ҳам дарахтнинг қанотлари бўлмагандан кейин у қандай қилиб “пирр этди”. Сўзидан адашган бола ютқазган ҳисобланади. Ютқазган бола эса ўз ҳамроҳлари томонидан берилган топшириқни охиригача бажариши шарт.

Саволлар

Ўзбек халқ ўйинларидан “Кўпқари” ҳақида тушунча беринг ва шартларини сўзлаб беринг?

“Оқсоқ қарға” ҳақида тушунча беринг?

«ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ КАСБИНИ ЎЗГАРТИРАДИ»

Иштирокчилар:

Шурик – Ҳамид Турсунов

Шоҳ – Ихтиандир Қодиров

Милославский – Муҳаммад Бобожонов

Федя – Музаффар Ортиқов

Элчи – Комил Ғофуров

Малика – Дилдора Шамсиева

Канизак – Дилрабо Пўлатова

Ўйинда иштирок этувчилар:

Васила, Ноила, Барно, Элионора, Севара, Октябрь, Музаффар,
Самариддин, Комил, Ирода.

1-ўйин. Тухум ўйини. Олиб борувчи – Милославский. Ёрдамчилар – Васи́ла, Нои́ла. Керак нарсалар: Патнис – 2 та, тухум – 2 та, қошиқ - 10 та, 2 та тарелкада мевалар.

2-ўйин. Кўз юмиб кийим кийиш – Элчи. Ёрдамчилар: Барно, Элианора. Керак нарсалар: қўлқоп, пайпоқ, шарф, кепка, шляпа, рўмол, юбка, шим 2 тадан.

3. Томошабин билан савол-жавоб – Шоҳ.

4. Ёстик-ўрин ўйини – Ҳамид. Ёрдамчи – Севара. Ринг – Октябрь, Музаффар, Самар, Комил. Керак нарсалар – 4 та ёстикча, арқон.

5. Газетада рақс тушиш – Дилдора. Ёрдамчи – Ирода. Керак нарсалар – 2 та газета.

6. Кўз юмиб мева номини айтиш – Дилрабо. Ёрдамчи – Нои́ла. Керак нарсалар – 2 та тарелкада мевалар.

7. Оёқ боғланган ҳолда шар билан футбол – Октябрь. Ёрдамчилар – Васи́ла, Нои́ла. Керак нарсалар – 2 та арқон, 1 та шар.

8. Кулдириш – Муҳаммад.

(Бахтиёр Мусаев қўшиғи қўйилиб, парда олдида ҳаяжонланган Шурик пайдо бўлади.)

Шурик– Вой, нима қилиб қўйдим. Вақт машинамда Буншани ўтмишга тушириб қўйдим-ку.

(Парда очилади. Саҳнада тахтда Иван Васильевич ўтирибди.

Ёнида Милославский турибди. Федя кириб келади.)

Федя – Олампаноҳ, ҳузурингизга Шведлар элчиси ташриф буюрдилар.

(Элчи ёнида вакиллар билан кириб келади. Элчи номаълум тилда қўлидаги номасини ўқийди.)

Шоҳ – Бунинг мақсади нима ўзи?

Федя - Қозонни сўрашяпти.

Шоҳ – Уйида қозони йўқ эканми? Олса олақолсин, давлатимиз камайиб қолармиди?

Милославский – Эй, галварс, бунақада қозонни берсанг, эртага давлат хазинасининг калитини сўрайди булар.

(Милославский шоҳ билан элчига қарайди.)

Милославский – Ундай бўлса, шоҳимизнинг шартлари бор экан. Бу шартларда сизнинг одамларингиз ғолиб чиқса, қозон сизники. Агар биз ютиб чиқсак, унда қолади.

(Диджей Пилигрим қўшиғи янграйди.)

Милославский – Демак 1-шартимиз.

Шоҳ – Э, шартингни қўя тур, қорним очиб кетди.

Федя – Шоҳимиз тамадди қилмоқчилар.

(Патнисга тухум ва ҳ.к.лар қўйиб, олиб кирилади. Кетидан малика канизаклари билан кириб келади. Шоҳ Милославский билан пичирлашади.)

Милославский – Бизда бир фикр бор. Қошиқларни оғизда ушлаган ҳолда тухумни қошиқдан-қошиққа узатасиз. Тухумни тушириб юборган томон ютқазган ҳисобланади.

(Ўйин тугугандан сўнг.)

Элчи – Биз сизларга ажойиб сарполар олиб келганмиз, қабул қилиб олишингизни сўраймиз.

Шоҳ (*Милославскийга қараб*) – Ундай бўлса, бизнинг улардан қаеримиз кам. Биздан ҳам сарпо-суруғ тайёрланг.

(Иккита стол устида ҳар хил кийим-кечакларни кўз боғланган ҳолда командалардан биттадан одам кияди. Ҳамма «Сарполар муборак» дейишади.)

Федя – Энди шоҳимизнинг фармонлари билан сарой аҳлини ҳам ёрдамга чақирамиз. Бунда энг зукко ва ҳозиржавоб фуқароларни шоҳимизнинг ўзлари танлаб оладилар.

Шоҳ – Демак, менинг саволларимни тингланг.

(Шоҳ савол-жавоб қилгандан сўнг Федя бориб томошабинларни сахнага чақиради. Томошабин чиқишни хоҳламаса, шоҳ «Чиқларинг», деб ҳассаси билан Милославскийнинг оёғига туширади.)

Сарой аҳлидан Ҳамид – Демак, бу шартимизда ёстикча билан жанг ўтказилади.

(Рингга чиққан иштирокчилар таништириб ўтилади (Коментария). Ўйин тугугандан сўнг.)

Шоҳ – Сенлар нима қилиб ўтирибсанлар, қани тур ўрнингдан, *(деб томошабинлардан 2 қиз ва 2 йигитни танлаб олади.)*

Шоҳ – Ҳали шоҳнинг гапини икки қиласанларми! Қароллар!

Шоҳ *(маликага қараб)* – Кечирасиз, исми-шарифлари нима эди?

Малика– Марфа Васильевнаман.

Шоҳ – О, Марго, мана буларга шартни сиз қўйсангиз.

Малика– Ижозатингиз билан, шоҳим. Менинг шартим шуки, газетани йиртиб юбормасдан рақсга тушишингиз керак. 3 хил мусиқа берилади, ҳар бир мусиқадан сўнг газета битта букланади.

(Шарт тугагандан сўнг.)

Малика *(шоҳга қараб)* – Шоҳим, навбатдаги шартни канизакларимдан бири ўтказса деган таклифим бор эди.

Шоҳ – Ҳа, майли, ўтказса ўтказаверсин.

Канизак– Демак, менинг шартим шундан иборатки, кўзингиз боғлиқ ҳолда ликопчалардаги меваларни ушлаб кўриб номини айтиб беришингиз керак бўлади.

(Ғолибларга мевалардан улашилади.)

Октябр— Навбатдаги шартимиз оёқлари боғланган ҳолда шар билан футбол ўйнаш.

(Коментарий. Ўйин тугагач)

Милославский – Ҳал қилувчи шартни ўзим ўтказаман. Менинг шартим шуки, мен нима қилсам ҳам ўриндиқдан туриб кетмаслигингиз ва кулиб юбормаслигингиз керак.

(Элчи номаълум тилда гапиради.)

Милославский *(шоҳга қараб)* –Шунча жон куйдириб гапирди-я, бирон нарсa десангизчи.

Шоҳ – Гитлер Капут! Нима деяпти ўзи?

Федя – Биз ғолиб чиқдик деяпти, яна қозонни сўряпти.

Шоҳ – А, майли, берсак бера қолайлик. Қозонни олиб чиқинг.

(Саҳнага Федятовани олиб чиқади.)

Шоҳ – Бу нима қилиқ?

Федя – Бир қошиқ қонимдан кечинг, олампаноҳ! Қозонга ош дамлаб қўйилган экан, шунинг учун товани олиб келавердим.

Шоҳ – А, майли, қозоннинг ўрнига товани олақолинг.

Това элчига берилади.

Шоҳ – Ҳамма рақсга тушсин.

ШУМ БОЛАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Саҳнага шум бола билан бой кириб келади.

Бой – Вой-бу, жуда гўзал шаҳар эканму. Мана бу
Тошкандму?

Шум бола – Тошканд, Тошканд, бой ота.

Бой – Ҳа, ажойиб шаҳар экан! Эй, шум бола, қорин ҳам
таталаб кетди, у-бу нарса тамадди қилиб олсак
бўлармиди?!

Шум бола – Уф, нуқул овқат-овқатдейсиз, юринг ундан кўра анави
боғда зўр сайл бўлаяпти.

Бой – Сайл? Овқат борму?

Шум бола – Яна овқат дейдия! Овқат ҳам бор, дам ҳам оласиз.

Бой – Ие, юр бўлмаса.

(Чиқиб кетишади. Боғ манзараси. Йигитлар чапак чалиб «Ким олади-ё
шугинаниё» ўйинини ўйнашаяпти. Ўртада бир йигит дарахтдаги
олмалардан бирини қўлини орқага қилган ҳолда олмаларни тишлаб
олишга ҳаракат қилаяпти.)

Ҳамма – Ким оладиё шугинани-ё?

Жўрабек – Мен оламан-о шугинани-ё.

(Дарахтга-олмага интилади, аммо олмани оломайди. Шу вақт Шум бола
билан бой кириб келади. Бой келиб олмани қўли билан узиб олмоқчи
бўлади. Шу пайт Алишер чиқиб уни тўхтатади.)

Алишер – Шошманг, шошманг, бой ота. Бу ўйиннинг қоидаси мана бундан: авваламбор қўлингизни орқага қилиб олмани тишлаб узиб олишингиз керак. Шартни бажарсангиз соврин сизники.

(Бой дарахтдаги олмани тишлаб узиб олади. Шум бола унга кўмаклашади.)

Жўрабек – Дўстлар! Менда ҳам бир ажойиб ўйин бор. (*Ўйиннинг қоидасини тушунтиради*) Кимда-ким мана бу дордан ўтса нариги қирғоқда уни соврин кутаяпти. Қани марҳамат, талабгорлар борми?

Бой – Мана, биз талабгор.

(*Бой ўртага чиқиб оёқлари қалтираб дордан ўтади ва совринга эга бўлади.*)

Жўрабек – Бой ота, зўр дорбоз экансиз. Мен сизни яна бир синаб кўрмоқчиман, майлими? Мана бу тухумларни ким биринчи бўлиб арчию еса, шу киши ғолиб. Марҳамат ким кучини синаб кўради?

(Томошабинлар орасидан бир киши чиқади.)

Бой – Мен, мен талабгор, бошладикму?

Жўрабек – Бир, икки, бошладик!

Бой билан яна бир киши тухумни арчиб ейишади.

Бойга тиқилиб қолади.

Шухрат – Мана, бой ота, фақат шарти шуки, «Кока-кола»ни ҳам ким тез ичишга мусобақа ўйнайсизлар, хўпми?

Бой – Берақол тезроқ, тиқилиб ўламан ҳозир.

(Бой билан бир киши сувни ичадилар.)

Бой – Вой, бу сувинг ичимни ўйнатиб юбордику!

Маъмур – Мен ҳам бир ўйин кўрсатмоқчиман.

Бой - Қани, кўрсатчи. Совғаси борми?

Маъмур – Албатта совғаси бор. Ўйиннинг шарти шундай: чап қўл билан ўнг қулоқни ушлаб, ўнг қўл билан мана бу ёғочни ушлаб ўн маротаба айланасиз ва анави ерда турган совринни оласиз. Кимда-ким совринга етиб боролмаса, совриндан маҳрум бўлади. Қани, марҳамат, ким бу ўйинда иштирок этишни истайди?

(Томошабинлар орасидан хоҳловчилар чиқиб кучларини синаб кўришади. Голиблар совға билан тақдирланадилар.)

Шухрат – Эй, оғайнилар, бир яхши ўйин кўрсатмоқчиман. Мана бу белбоғ билан икки киши бирга боғланади. Икки томонга соврин қўйилади. Кимки кучли бўлса,

рақибини ўз томонига оғдириб, совринга ўзи эга бўлади. Марҳамат, ким бу ўйинда иштирок этишни хоҳлайд.

(Томошабинлар орасидан икки киши чиқади ва ўйин ўтказилади.)

Бой – Эй, Шум бола, мен ҳам ҳорижда бўлганимда бир ўйин кўрган эдим. От нима эди-я? Ҳа, «Арм-рейслинг»ми, «Арм-тейслинг»миди-я?

Шум бола – «Арм-рейслинг» бой ота.

Бой – Ҳа, балли. Бу ўйинда икки томонда икки киши қўлини маҳкам ушлаган ҳолатда ўзи ўтирган томонга ағдариши керак, тушунарлими? Ким беллашишни истайди?

(Томошабинлар орасидан икки киши чиқиб беллашади ва совринга эга бўлади.)

Шум бола – Бой ота, мен экстрасеанс бўлиб қолибман.

Бой – Йўғе, нима дегани у?

Шум бола – Мана, бой ота, 1 ва 3 ўртасида сон ўйланг.

Бой – Ўйладим.

Шум бола – Икки, тўғри топдимми?

Бой – Тўғри (яна синаб кўради).

Шум бола – Менинг сеҳргарликдан ҳам хабарим бор.

(Фокус кўрсатади. Шу вақт қоп кўтарган Мурод кириб келади. Қопни ўртага қўяди, ҳамма унга яқин келади, кимдир ушлаб кўради, кимдир ҳидлаб кўради. Мурод най олиб чалади. Қоп ҳаракатга келади ва ичидан илон чиқади. Ҳамма кўрқиб қочиб кетади. Аъзамхон (илон) билан Мурод кулиб рақсга тушадилар.)

Аъзамхон — Соврин олиш мана бунақа бўпти!

ЎЗБЕК ТҶЙЛАРИГА МАРҲАБО

(Фольклор-этнографик композиция сценарийси)

(Саҳна миллий руҳда безатилган: чапдан ўнгга ўзбек палак ва сўзаналари осилган. «Яллама ёрим» мусиқаси янграйди ва иштирокчилар икки томондан ўйнаб, қўшиқ айтиб чиқиб келадилар.)

- Яллама ёрим яллола, яллолашайлик,
Учтами, тўртта бир бўлишиб, ҳасратлашайлик.
Ариқ бўйи салқин экан, ёнбошлашайлик,
Томошамиз бошланди, чакчақлашайлик.
Яллама ёрим яллола, яллолашайлик,
Учтами, тўртта бир бўлишиб, ҳасратлашайлик.
- Бор эканда, йўқ экан!
- Оч эканда, тўқ экан.
- Азим тоғлар бағрида,
- Қир-адирлар этагида,
- Ажойиб бир мамлакат бор экан.
- Бу диёрнинг номи Ўзбекистон экан!
- Йигитлари марду-майдон,
- Қизларининг юзи ширмон,
- Қариялари билимдон,
- Болакайлари шўх-шодон,
- Ўйин-кулгига макон,
- Яшар тинч ҳар хонадон!
- Бу диёр аҳолиси

- Куй-қўшиққа бўлиб жўр,
- Ишлар экан жуда зўр!
- Эй, қисқа қилайлик гапни,
- Доно халқда бор нақл:
- Минг марта эшитгандан,
- Бир марта томоша қил!

(Яна «Яллама ёрим» мусиқаси янграйди. Иштирокчилар икки томонга чиқиб кетадилар. Саҳна ўртасидан қария чол чиқиб келади.)

Чол – Ўзбекнинг ўзи қизик, ўзидан тўйи қизик. Мана мен ҳам тўй ҳаракатида юрибман, набирамни уйлантирмоқчиман.

(Саҳнанинг чап томонидан кампир кўринади.)

Кампир– Хой, чол, қаерларда қолиб кетдингиз?

Чол – Ҳа, мен тўйга айтиб юрувдим.

Кампир– Эй, сиздан бошқа ёшроғи йўқмиди, тўйга айтадиган.

Чол – Эй, нима деяпсан кампир? Мен ҳали қирчиллама ёшдаман
(ҳазиллашади).

Кампир- Қилиғингиз курсин, суйилмай кетинг.

(«Қилпиллама» қўшиғи янграйди.)

Чол – Рўмолинг учи сочиқ, қилпиллама,
Келсам дарвозанг очик, қилпиллама,
Ман сани ёрим десам, қилпиллама додай,

Бу бўлди нима қилиқ, қилпиллама.

Кампир— Томга тариқ сочилган, қилпиллама,
Қариб қуйилмаган чол, қилпиллама.
Мани чолим сан бўлсанг, қилпиллама додай,
Қариб қуйилмаган чол, қилпиллама.

Чол — Шоли сочдим бориға, қилпиллама,
Тегирмоннинг йўлиға, қилпиллама.
Ман сани кампир десам, қилпиллама додай,
Қилиғинг қиздаккина, қилпиллама.

Кампир— Эшик олди мошпоя, қилпиллама,
Барги бошимга соя, қилпиллама.
Нари туринг чолгинам, қилпиллама додай,
Қариб қуйилмаган чол, қилпиллама.

Чол — Вой, белим-ей!

Кампир— Ўзи шартингиз кетиб, партингиз қолибди-ку, яна йигитман
дейсиз. Вой, гап билан овора бўлиб, меҳмонларни тўйга
айтмабмизку, қани чақиринг уларни ҳам.

(Кампир сахнанинг ичкари томонига кириб кетади.)

Чол — Азиз меҳмонлар, сиз ҳам бизнинг тўйга ташриф буюринглар,
марҳамат, қадамларига хасанот!

(Кампир чиқади.)

Кампир— Ҳой, қизларим, қани бўлақолинглар, ҳали замон меҳмонлар ҳам келиб қолишади. Меҳмонларни ҳам ширинликлар билан сийланглар. Қани бўлақолинглар, чаққон-чаққон.

(Меҳмонларга ширинликлар улашилади. Ичкаридан қизларнинг «Ҳалинчак» қўшиғи таралади. Қизлар, келин янгаси келинни ясантиришмоқда.)

Қиз — Ҳой, қизлар, тўй-тўйдек ўтсин. Шўхроқ қўшиқ айтайлик.

Нилуфар — Келинлар, ҳозир куёвнинг кириб келишини келинга кўрсатиб берамиз.

Каромат— Бўпти, мен куёв бўламан.

(«Омон ёр» қўшиғи кетади. Қўшиқ тугагач, куёвларнинг қийқириғи эшитилади.)

Нилуфар — Вой, қизлар куёвлар келишаяпти!

(«Ёр-ёр, ёроней» қўшиғини айтиб, куёвлар кириб келишади. Кўрпачага ўтиргач)

Жамшид— Келинлар, йигитлар, «Хўроз уриштириш» ўйинини ўйнаймиз. Менинг ажойиб даканг хўрозим бор. Қани ким у билан ташаша олади?

Йигит — Менинг хўрозим албатта ютади, *(деб ўз хўрозини ўртага туширади. Хўрозлар жанги тугагач, «Ёғоч оёқ» ўйини*

кетади. Қўшиқ, рақс. «Лаган» рақси ижро этилади. Куёв ўз дўстларига ош ошатади. Сўнг гўшанга йиртилади.)

Куёв жўра – Янга пошша, қани энди куёвнинг сарпосини олиб чиқмайсизми?

Янга – Ие, иримини қилмайсизми?

Куёв жўра – Шундайми? Ҳозир... мана-мана.

Янга – Бу кам, яна қўшинг.

(Куёв дўстлари пул ташлайдилар. Янга сарполарни олиб чиқади.)

Куёв жўра (*сарполарни кийгизиб*) – Муборак бўлсин! Қани энди келинни бизга беринглар.

Янга – Бизларнинг удумларимизни билмайсизларми? Аввал куёв томонни яхшилаб синаб кўриб, кейин келинни берамиз. Ҳозир «Тортишмачоқ» ўйинини ўйнаймиз. Розимисизлар?

Куёв жўра – Розимизми, йигитлар?

Йигитлар – Розимиз! Розимиз!

(Тортишмачоқ ўйини кетади. Келган меҳмонлар ҳам ўйинга таклиф қилинади.)

Куёв жўра – Бўлди, энди келинни берасизларми?

Янга – Йўқ. Бизнинг яна шартимиз бор! Ҳозир «Оқ теракми, кўк терак» ўйинини ўйнаймиз.

Куёв жўра – Майли, биз розимиз.

(«Оқ теракми, кўк терак» ўйини кетади. Меҳмонлар ҳам ўйинга таклиф этилади.)

Куёв жўра – Энди келинни берасизларми?

Янга – Охирги шартимиз қолди. Ҳозир куёв болани синаб кўрамиз. Кўзлари боғлиқ ҳолда қизларимиз ичидан келинимизни топа олармиканлар?

Куёв жўра – Розимиз. Куёв бола, ҳозир сиз қизларнинг ичидан келинни даст кўтариб гулхан атрофида айлантириб, гўшангага олиб кирасиз, бўптимиз?

Куёв – Тушунарли!

(Куёвнинг кўзини боғлаб, қизлар ўтирган тарафга олиб борадилар. Куёв келин ўрнига аммасини кўтариб олади. Куёв билан аммаси «Қора қош ёрим» лапарини ижро этадилар. Лапар сўнгида куёв аммасини кўриб ҳушидан кетади.

Амма – Вой-дод! Ёрдам беринглар, куёв ҳушидан кетиб қолди!

(Куёвнинг юзига сув сепадилар. Куёв ҳушига келади.)

Янга – Куёв бола, бу ҳазил эдику. Мана келин пошша!

Ўигит ва қизлар айтишув қўшиғи рақс билан бирга кетади.

Келин дугоналари ва янгаси билан ўртада «Келин салом» айтилади.)

- Азиз меҳмонлар, мана ҳозир сиз ўзбегимнинг тўйини томоша қилдингиз.
- Ўзбегимнинг тўйи ўзининг ажойиблиги билан, гўзаллиги билан ажралиб туради.
- Сизларнинг юртингизда ҳам шундай ажойиб тўйлар бўлиши табиий, албатта.
- Шундай ажойиб тўйлар қилганингизда бизларни таклиф этишни унутманг.
- Даладаги шўралар оёғимга ўралар,
- Бизлар кетиб борамиз, яхши қолинг, жўралар!
- Тол кесдим хода бўлди, маржоним шода бўлди.
- Энди, азиз меҳмонлар, томоша тамом бўлди.

«КАВКАЗ АСИРАСИ»

(Саҳнада Сахов Маргунов билан гаплашиб туради.)

Сахов – Демак, сизнинг асосий вазифангиз Нинани ўғирлаш. Агар шу ишни муваффақиятли битирсангиз сизни хурсанд қиламан.

(«Бу хамир учидан патир», деб бир пачка пул беради.)

Маргунов – Кам.

Сахов – Айтдимку хамир учидан патир деб. Хурсанд қиламан, фақат қиз изсиз йўқолсин.

(Рози бўлиб Маргунов чиқиб кетади.

Саҳнага Шурик шошиб киради.)

Шурик – Ўртоқ Сахов! Ўртоқ Сахов, сизни маҳаллалар аро тадбирлар ўтказиб юради, кўпгина ўйинлар билади деб эшитдим. Мен кўпгина ўйинлар йиғиб юрган эдим, олдингизга ҳам шу илтимос билан келган эдим. Топишга ёрдам берсангиз.

Сахов – Ўртоқ Шурик, биласизми, сизга қандай ёрдам берсам экан *(Шундай деб бироз ўйланади ва хаёлига Нинани худди шу Шурик орқали ўғирлаш келади)*. Биласизми, Шурик бир ўйин бор. Бу ўйинда сиз ҳам қатнашишингиз мумкин. Агар хоҳласангиз, албатта.

Шурик – Ростданми, мен розиман.

Сахов – Биласизми, Нинани танийсизми?

Шурик – Нинани танийсизми!? Нинани бу шаҳарда ҳамма танийдику.

Сахов – Худди шу Нина ўйинимиз қаҳрамони, уни ўғирлаш керак. Сиз шу Нинани бизнинг «Сўғдиёна» кафемизга таклиф қилинг. Биз эса пайтдан фойдаланиб Нинани ўғирлаймиз.

Шурик – Шу холосми?

Сахов – У ёғини кейин кўрасиз, Шурик!

Шурик – Розиман!

Сахов – Хўп, демак, сизнинг вазифангиз Нинани кафега таклиф қилиш. Бўпти, боринг, сизга омад!

(Шурик сахнадан чиқиб кетади.)

Сахов – Хўш, демак, Нина қўлимизда деяверинг.

(Шундай деб Сахов сахнадан чиқиб кетади. Саҳнага Нина, Шурик билан хурсанд чиқиб келади.)

Нина – Шурик, биласизми, бу шаҳарга келиб ҳали бунуқанги дам олмаган эдим.

Шурик – Ўзим ҳам биринчи маротаба келишим. Нина, биласизми, агар қарши бўлмасангиз эртага учрашсак, бирор ерга борардик.

Нина – Вой, Шурик, овора бўлманг.

Шурик – Илтимос, йўқ деманг, сиз билан сайр қиламиз.

Нина – Бўпти, розиман. *(келаётган йўлидан тўхтаб)* Майли, кетдим, у ёғига ўзим етиб оламан *(Шурик бошини қимирлатади)*. Хўп, мен кетдим *(юриб кетади)*.

*(Эшик олдида Вицин қоп ётиниб туради. Нина эшик ёнига келганда қопни
Нинанинг бошига ёпади. Эшикдан Маргунов билан Никулин киради.
Нинани кўтариб чиқиб кетишади. Улар орқасидан Шурик ҳам кетади.
Парда ётилади.
Парда очилиб, Нинани кўтариб кириб кетишади. Саҳнага Шурик чиқиб
келади.)*

Шурик – Хўш, ўйин муваффақиятли тугади.

(Саҳнага Нинанинг холаси чиқиб келади.)

Холаси – Шурик, ёрдам беринг, Нинани ўғирлашди. Энди нима қиламан?

Шурик – Нима!? Нинани ўғирлашди? Ахир бу ўйин эмасмиди?

Холаси – Нималар деяпсиз, Шурик? Қанақа ўйин, ахир Нинани ўғирлашди.

Шурик – Эҳ, хомкалла, ахир алданибманку. Ўзим ўғирладимми, ўзим кутқараман. Сиз бораверинг.

(Холаси чиқиб кетади. Саҳнага Маргунов, Никулин, Вицин кириб келишади.)

Шурик – Сизлар мени алдадинглар. Нинани ҳақиқатдан ўғирлагансизлар. Зудлик билан Нинани озод этинг.

(Маргунов Шурикнинг кўлидан ушлаб қолади.)

Никулин— Агар сен бизнинг шартга кўнсанг, Нина сеники. Мабодо ютқазсанг, сен Нинанинг қотили сифатида айбланасан ва қамаласан. Нина эса Саховга турмушга чиқади. Розимисан? Ўйлашга вақт йўқ!

Шурик — Розиман, фақат Нинани озод этинг.

Никулин— Ундай бўлса, биз шартимизни бошлаймиз. Демак, билиб ютганга албатта совринимиз бор.

(Маргунов томошабинлардан 2 та йигит ва 2 та қизни олиб чиқади ва уларга ўйин шартини тушунтиради. Сахнага 2 та скамейка олиб чиқишади.)

Маргунов— Ўйинимизнинг, шарти шундан иборатки, йигит-қиз шу скамейкадан юриб ўтиб, мана бу олмаларни ейиши керак.

(«Ким биринчи еб тугатиш». Йиги-қизлар ўйинни тугатгач, Никулин совринни беради, уни Саховнинг ўзи голибга топиради. Никулин ўйиннинг иккинчи шартини бошлайди.)

Никулин— Жуда яхши. Энди иккинчи ўйинга ўтамиз. *(Никулин ҳам томошабинлар орасидан 4 кишини олиб чиқади).* Ҳозир сизларнинг эътиборингизга бир неча қўшиқлар куйини ҳавола этамиз. Сиз шу куйни ашула қилиб куйлаб беришингиз керак.

(Ўйин тугагач, ўйинни Шурик давом эттиради.)

Шурик – Ўйинимиз шарти шундан иборатки, ким тезроқ 2 қаватли шарни пуфлаб ёрса, ғолиб саналади. Шарт тушунарли бўлса, бошладик. Бир, икки, уч...

(Тўртинчи ўйинни Сахов ўтказади.)

Сахов - Кейинги шартимизда қўлимдаги колани ким биринчи бўлиб ичиб тугатса, соврин ўша кишиники.

(Шарт тугагач, ғолиблар тақдирланиб, сахнадан чиқиб кетишади.)

Вицин – Навбатдаги шартимиз қуйидагича, *(Вицин сахнага 2 та қизни олиб чиқади)*. Фараз қилинг, ваннангизда сув тошиб кетаяпти. Сиз зудлик билан ана шу сувни ташқарига олиб чиқишингиз керак. Аммо бу ишни бажаришда озгина машаққат чекасиз. Демак, мана бу тоғорадан, шу банка ёрдамида сувни олиб манзилга элтасиз. Ким биринчи бўлиб банкани тўлдирса, ғолиб саналади. Айтганча, бунда оёқ ерга тегиши мумкин эмас, фақат ғиштлар устидан юриш. Тайёرمىсизлар, диққат, бошладик.

(Никулин сахнага 2 кишини олиб чиқади.)

Никулин- Ҳозир энг зукко, энг топқир талабаларимизни синаб кўрамиз. Мана бу узун сўздан ким кўпроқ янги сўзлар тузади. Мана марҳамат, қалам ва қоғоз олиб бошладик.

*(Ўзмева сабзовотузумсаноатхолдинг,
механизациялаштирилмаган лигидан масмикан)*

Гулнора – Булар сўз тузгунларига қадар мен сизларга бир неча қизиқарли топишмоқ айтаман. Биринчи топишмоғим...

(Топишмоқлар тугагач, ўйин давом этади. Ғолиблар аниқланиб, соврин берилади.)

ЎРМОНДА ЯНГИ ЙИЛ

(Парда ёпиқ ҳолатда. Саҳна янги йил байрамига мос равишда безатилган. Парда ортидан «Арча» кўшиғининг мусиқаси янграйди. Парда олдига қарға учиб чиқиб келади.)

1-Қарға - Қар-қар-қар.
 Томошага шайланинглари!
 Ўрмонда янги йил бўлар,
 Барча жонзот йиғилар.
 Қаердасан қақилдоқ,
 Ёнимга келгин шундоқ.
 О, азизим, дугонам,
 Қаердасан чиқ тезроқ.
 Қарға Қақилдоқовна...

2-Қарға - Қар-қар-қар.

(Иккаласи саломлашади.)

2-Қарға — Тинчликми, бемаҳалда, кун совуғида нима қилиб юрибсан?

1-Қарға - Қанақа бемаҳал, қанақа совуқ?! Қани бўл, отлан.
 Ажойиб томоша бўлмоқда ўрмонда.

2-Қарға - Қанақа томоша?

1-Қарға — Э, дугона, қариб қолгансан шекилли. Ахир бугун янги йил байрами. Ўрмонда арча байрами.

2-Қарға — Бунча яхши, шунақа дегин.

- 1-Қарға – Ҳа, энг муҳими, томошада Шер акамиз вазири Айиқ
 полвон билан қатнашар экан.
- 2-Қарға – Наҳотки, гапинг ростми?
- 1-Қарға – Рост бўлганда қандоқ.
- 2-Қарға – Ахир улар бизни тутиб олиб еб қўйиши мумкин.
- 1-Қарға – Йўқ, йўқ. Ахир янги йил байрами бу дўстлик,
 ҳамжиҳатлик, тинчлик байрами. Унда барча ҳайвону
 паррандалар дўст бўлишади.
- 2-Қарға – Барибир катталар байрамда ичиб олиб, маст бўлиб биз
 майда жониворларни ютиб юбориши мумкин.
- 1-Қарға – Эсингни едингми? Қанақа ичкилик, қанақа мастлик?
 Эсингдан чиқдими?
- 2-Қарға – Нима?
- 1-Қарға – Э, ўтган йили биз томошада шампан виносини
 ичганимизда улуғ Шер акамиз томошадан кейин роса
 уришганди.
- 2-Қарға – Ҳа, энди эсимга тушди. Ўшанда сен роса ғишт бўлиб
 қолган эдинг.
- 1-Қарға – Ҳа-ҳа-ҳа, топдинг, топдинг. Шундан буён бизникилар
 томошада бошқа ичишмайди.
- 2-Қарға – Унда тезроқ юр. Кеч қолиб кетмайлик.
- 1-Қарға – Тўғри, муҳими Шер акамиздан олдин бормоғимиз
 керак.
- 2-Қарға - Қани, учдик.
- 1-Қарға - Қар-қар-қар.
 Ўрмон аҳли шошилинг,
 Томошага йиғилинг.
 Қар-қар-қар.

(Парда очилади. Фондан «Арча» кўшиғининг мусиқаси берилади. Ўртада талабалар баланд арча шаклида туришади. Мусиқага мос ҳолатда ҳаракат қилишади. Саҳнага Айиқ полвон чиқиб келади.)

Айиқ - Бўлди, етар. Ҳурматли ўрмонимизнинг аҳил жамоаси! Қани тез сафланинг, Шер акамиз келмоқдалар.

(Ҳамма ҳайвонлар пастга тушиб, сафланиб туришади ва Шер ака кириб келади.)

Ҳайвонлар – Ассалому алайкум!

(Таъзим қилиб, ерга чўккалаб ўтиришади.)

Шер – Ваалайкум ассалом.

Тулки – Ассалому алайкум, Шер ака. Янги йил муборак
(лаганбардорлик).

Шер – Ҳа, Тулкихон, бугун жуда очилиб кетибсизми?

Тулки – Биласиз-ку, Шер ака, бизга ҳамиша баҳор.

1-Қарға (томошабинга) – Ҳа, ер ютгур яна Шер акага пахта қўйишни бошлади.

Шер – Хўш, ишлар жойидами?

Тулки – Жойида, фақат...

Шер – Хўш, эшитаман.

Тулки – Фақат шу товуқ фермасини янги йилдан бошлаб ўз қарамоғимга олсам, дегандим.

2-Қарға (*томошабинга*) – Ниятинг қурғур, тулки. Яна ўз манфаатини кўзлаяпти.

Шер – Байрамдан кейин олдимга ўтинг, у ёғини алоҳида хонада келишамиз.

Тулки – Раҳмат, Шер ака. Бир умр хизматингизда бўлай.

Эшак – Шер ака, менинг ҳам бир байрам олди илтимосим бор эди.

Шер – Хўш?

Эшак – Шу янги йилдан бошлаб бир савобли иш қилсам, дегандим.

Айиқ - Қанақа савобли иш экан?

Эшак – Овоз ёзиш студиясини очмоқчи эдим. Қўшиқ айтишга қизиқаман. Лицензия тўғрилашга ёрдам берсангиз.

1-Қарға (*томошабинга*) – Тавба, кўрпангга қараб оёқ узат, эшак. Сен булбулмидинг, кўшиқ айтсанг.

Айиқ - Ҳа, Эшак, туя ҳаммомни орзу қилибдилар-да!?

Шер – Тинчлан Айиқ. Янги йил байрами орзулар, истаклар байрами. Шундай экан, ўрмоннинг барча фуқаролари орзуларини айтсин. Ҳаммасини бажо келтирамиз.

Қуён (*қўрқиб*) – Чинданми?

Айиқ - Ҳа, чиндан. Шер акамиз сахий. Нима тиласанг, ёрдам беради.

Шер (*ўртада туриб*) – Хўш, қани!?

(Ҳамма ҳайвонлар Шерни ўраб олиб, баравар ўз орзуларини айта кетишади.)

Айиқ - Тинчлан. Нима бу? Ахир Шер акамиз барчангизни қанақа қилиб бир пайтда эшитади.

Шер – Ҳечқиси йўқ, барчангизни эшитдим. Кимнинг қандай орзуси борлигин тушундим.

Айиқ - Ана айтдим-ку Шер акамиз битта бўлишига қарамай,
хаммангизни тушунди. Бу Шер акамизнинг ўта донолигидан,
кучли ақл соҳиби эканлигидан дарак беради.

Ҳайвонлар – Тўппа-тўғри.

Сиртлон – Шер акамизга шарафлар!

Ҳайвонлар – Яшасин Шер акамиз!

Шер – Ҳа, Олмахон, сен нега бир четда турибсан? Нима бўлди? Ёки
сенинг ҳеч бир орзуйинг йўқми?

Олмахон – Бор, Шер ака. Бирдан-бир орзуйим Қорбободан совға олиш
эди. Лекин Қорбободан дарак йўқ.

Айиқ - Қанақа Қорбобо? Шер акамиз Қорбободан ҳеч ҳам
қолишмайди.

Ҳайвонлар – Тўппа-тўғри.

Айиқ - Совғани ҳам Шер акамиз берадилар.

Ҳайвонлар – Шер акамиз - Қорбобомиз!

Айиқ - Фақат ҳар бирингиз Шер акамизга биттадан қизиқарли
ўйинлар кўрсатиб берасизлар.

Ҳайвонлар – Хўп бўлади. Биз рози.

(Ҳайвонлар навбатма-навбат ўйин кўрсатадилар.)

Айиқ - Шер ака, бу ҳайвонлар жуда ўйинларни қойиллатишди.
Рухсат берсангиз мен ҳам битта ўйин кўрсатаман.

(Айиқ ҳам ўз ўйинини намойиш этади.)

Шер – Раҳмат. Жуда хурсанд бўлдик.

Тулки – Шер ака, ўзингиз ҳам бизга бир қизиқарли ўйин кўрсатсангиз.

Ҳайвонлар – Тўғри, яхши бўларди.

Шер – Хўп майли.

(Ўйин.)

Шер – Ана энди, азиз ҳайвонлар, ҳаммангизни байрам совғаси сифатида дастурхонга таклиф этаман.

Ҳайвонлар – Ура-а-а!!!

Шер – Ҳаммангизни байрам билан табриклайман.

Айиқ - Сизни ҳам янги йил билан

Ҳайвонлар (*бир овоздан*) – Табриклаймиз!

Табриклаймиз!

Табриклаймиз!

(Янги йил мусиқаси остида парда ёпилади.)

“ОММАВИЙ БАЙРАМЛАРДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ” ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ.

1. Оммавий байрамда ўйин қандай ўрин тутади?
А) ижодий жараён
Б) байрамона дам олишнинг элементи
В) томоша
Г) вақт ўтказиш
Д) ўйин-кулги
2. Халқ байрам ўйинлари қандай келиб чиққан?
А) диний ва уруғчилик маросимлардан
Б) афсоналардан
В) оммавий байрамлар тарихидан
Г) уларни одамлар ўйлаб топишган
Д) эртаклардан
3. Ўйин асосида нима ётади?
А) Кишиларни ғолиб чиқишга бўлган иштиёқи
Б) Мусобақалаш жараёни
В) Кишиларнинг маънавий, эмоционал ва жисмоний иштиёқи
Г) Режиссёр-ташкilotчининг уларнинг ўтказишдаги иштиёқи
Д) Давр талаби
4. “Подшоҳ-вазир” ўйини қайси ўйин турига киради?
А) Интеллектуал ўйин
Б) Танлов
В) Мазмун-роллик ўйин
Г) Харакатли
Д) Викторина
5. “Оқ-терақми, кўк-терақ” ўйини қайси халқга мансуб?
А) Қозок
Б) Ўзбек
В) Татар
Г) Тожиқ
Д) Қирғиз

6. Беш тош ўйини қайси халқ ўйинларига мансуб?

- А) Қозоқ
- Б) Ўзбек
- В) Туркман
- Г) Қирғиз
- Д) Тожикистон

7. “Городки” ўйини қайси халқ ўйинларига мансуб?

- А) Беларус
- Б) Украин
- В) Рус
- Г) Молдован
- Д) Латиш

8. “Дарвозчи” ўйини қайси халқ ўйинларига мансуб?

- А) Ўзбек
- Б) Тожикистон
- В) Туркман
- Г) Қозоқ
- Д) Қирғиз

9. “Оқсоқ қарға” қайси халқга мансуб?

- А) Ўзбек
- Б) Тожикистон
- В) Туркман
- Г) Қирғиз
- Д) Қозоқ

10. Ўйин дастурида бошловчининг роли?

- А) Ўйин қоидаларини тушунтирувчи
- Б) Яхши кайфият устаси
- В) Конференсье
- Г) Ўйин дастурлари муаллифи
- Д) Сухандон

11. Ўйинларнинг маданий аҳамияти нимада?

- А) Оммавий байрам дастурларида ўйиннинг зарурлиги.
- Б) Ўйин орқали жамиятнинг маънавияти ва маданияти аниқланади
- В) Турли миллат вакиллари ўз севаган ўйинларига эга
- Г) Ўзаро мулоқот учун шароит яратилади
- Д) Вақт ўтказиш учун имконият

12. Ўйинларнинг тарихий аҳамияти бу:

- А) Ўйинларни авлоддан авлодга ўтиши
- Б) Ўйинлар инсонларни бирлаштиради
- В) Маънавий ва жисмоний ривожланишнинг имконияти
- Г) Турли миллат вакиллари ўз севган ўйинига эга
- Д) Инсонларни ижодий имкониятларини намойиш қилиш

13. Ўйинларни ижтимоий аҳамияти бу:

- А) Маънавий ва жисмоний ривожланишининг имконияти
- Б) Ўйин орқали жамиятни маънавияти ва маданияти аниқланади
- В) Ўзаро мулоқот учун шароит яратилади
- Г) Ўйинларнинг авлоддан авлодга ўтиши
- Д) Ғолиб чиқиш имконияти

14. Ўйиннинг асосий элементи нимада?

- А) Ғолиб чиқиш
- Б) Мусобақалашиш
- В) Яратиш
- Г) Импровизация
- Д) Мулоқот

15. Оммавий ўйин дастурлари ва конкурсларида ким асосий ҳакам?

- А) Бошловчи
- Б) Махсус ҳакам
- В) Томошабинлар
- Г) Ўйин иштирокчилари
- Д) Ўйин дастурларини ташкилотчилари

16. Ўйин дастурларини тайёрлашда режиссёр ташкилотчи нималарга эътибор бериши керак?

- А) Ўйинларнинг ўзига хослиги
- Б) Аудиторияни кимлардан ташкил топиши
- В) Аудиторияни ўзига хослиги, ўтказиш жойи, ўйиннинг мавзуси
- Г) Жихозлар ва совринларнинг сони
- Д) Ҳакамлар ҳайъати

17. Интеллектуал ўйинлар нимага қаратилган?

- А) Тезкорлик билан жавоб бериш
- Б) Хар томонлама жисмонан ривожланишга
- В) Фикрлаш, хотира ва ижодий тасаввурни ривожлантиришга
- Г) Мантикий фикр юритишга
- Д) Эмоционал таъсирланиш

18. Мантикий масалада нима муҳим аҳамиятга эга?

- А) Махсус билимларнинг захираси
- Б) Ўйин иштирокчиларининг яхши жисмоний қиёфаси
- В) Тезкор фикр юритиш
- Г) Кенг дунё қараш
- Д) Рақобатчилик кайфияти

19. Кўнгил очувчи ўйин дастурларига нималар киради?

- А) Бир неча ҳаракатли ўйинлар
- Б) Махсус тайёрланган викторина саволлари
- В) Эстетик жиҳатдан чегараланган кам ҳаракатли ўйинлар ва танловлар
- Г) Фақат ишбилармон ўйинлар
- Д) Сюжет роли ўйинлар

20. “Игротека” бу нима?

- А) Ўйин ўтказиладиган хона
- Б) Турли ўйинлар билан жиҳозланган хона
- В) Методик қўлланмалар билан жиҳозланган хона
- Г) Ўйин учун спорт майдони
- Д) Стол устидаги ўйинлар

21. “Қувноқлар ва зукколар” ўйини қайси ўйин турига киради?

- А) Викторина
- Б) Ишбилармон
- В) Конкурс
- Г) Кўнгилочар шоу
- Д) Интеллектуал ўйин

22. “Нима? Қачон? Қерда?”- бу:

- А) Викторина
- Б) Ишбилармон
- В) Танлов
- Г) Кўнгилочар шоу
- Д) Интеллектуал ўйин

23. “Мўжизалар майдони” номли TV ўйин бу:

- А) Копитал шоу
- Б) Аукцион
- В) Викторина
- Г) Ишбилармон ўйин
- Д) Кроссворд шоу

24. Ўйин дастурларидаги реквизит нима учун керак?

- А) Бадиий безак учун
- Б) Томошавийликни ошириш учун
- В) Ўйинни харакатлантириш учун
- Г) Эмоционаллигини ошириш мақсадида
- Д) Унга хожат йўқ

25. Ўйин дастури қайси принцип асосига қурилади?

- А) Ўйинларнинг ихтиёрий йиғиндиси
- Б) Оддийдан мураккабга томон
- В) Харакатнинг композицион қурилиши асосида
- Г) Бадиий жихатдан безатилган дастур
- Д) Импровизация асосида ўйинларни қويدасини билган ҳолатда

26. Қайси давлатда бошқотирма ва кроссвордларга асос солинган?

- А) Англия
- Б) Монголия
- В) Индия
- Г) Франция
- Д) АҚШ

27. Қайси давлатда бадминтон ўйинига асос солинган?

- А) Вьетнам
- Б) Австралия
- В) Бразилия
- Г) Россия
- Д) Англия

28. Қайси давлатда “Чим устида хоккей” ўйинига асос солинган?

- А) Испания
- Б) Англия
- В) Ўрта Осиё
- Г) Россия
- Д) АҚШ

29. Қайси давлатда “Бейсболл” ўйинига асос солинган?

- А) АҚШ
- Б) Россия
- В) Канада
- Г) Бельгия
- Д) Франция

30. Тематик ўйин дастури ўз ичига нималарни олади?

- А) Халқ ўйинлари
- Б) Театрлаштирилган ўйинлар
- В) Бирон-бир категория инсонларига мўлжалланган ўйинлар
- Г) Кўнгилочар ўйинлар
- Д) Бирон-бир сюжет асосига қурилган ўйинлар

31. Қайси давлатда “хаво илони” (варрак) ўйинига асос солинган?

- А) Хитой
- Б) Япония
- В) Италия
- Г) Россия

32. Ўйин дастури қайси принцип асосида қурилади?

- А) Ўйинларнинг ихтиёрий йиғиндиси
- Б) Оддийгина мураккаб томон
- В) Ютуқ олишга иштиёқ
- Г) Ижодга иштиёқ

33. “Бир боқишда мухаббат” телеўйинида қайси ўйин элементи бор?

- А) танлов
- Б) кўнгил очувчи шоу
- В) ишбилармон ўйин
- Г) викторина

34. Харакатли ўйинларни ахамияти бу:

- А) реакцияни тезлигига
- Б) хар томонлама жисмоний ривожланишига
- В) ижодий тафаккур, хотира ва фикр ривожига
- Г) мантикий фикр юритишга

35. Игротека бу:

- А) ўйин ўтказиладиган хона
- Б) ўйин ўтказиш учун махсус жихозланган хона
- В) ўқув қўлланмалар билан жихозланган хона
- Г) ўйин учун спорт майдони

36. Фикрлашни ўрганувчи ўйинлар бу:

- А) хар томонлама жисмоний ривожланишга
- Б) хотира ижодий тассавурни ривожига
- В) мантикий фикрлашга
- Г) Эмоционал ривожига

37. Қайси ўйин антракцион ўйинлар сирасига киради?

- А) “Ўйлаб топ”
- Б) “Чиллак”
- В) “Учинчиси ортиқча”
- Г) “Шахарлар”

38. Телевизион ўйинлардан қайси бири сюжет ролли ўйинларга киради?

- А) “Юлдузли он”
- Б) “Қувноқлар ва зукколар”
- В) “Бахтлиқ воқеа”
- Г) “Ажойиб енгиллик”

39. Қайси ўйин интеллектуал ўйинлар сирасига киради?

- А) “Ўз жойингни топ”
- Б) “Рақамни топ”
- В) Бахтлиқ тасодиф
- Г) “Ким тезроқ”

40. Харакатли ўйинларга қайси ўйин киради?

- А) “Оқсоқ товук”
- Б) “Қувноқ стартлар”
- В) “Шахарлар”
- Г) Ўйлаб топ

41. Реквизит ўйин дастурида нима учун ишланилади?

- А) ўйинни жадаллигини ошириш учун
- Б) харкатланиш мақсадида
- В) оммавийлиги учун
- Г) бадий безак учун

42. Режисёр ўйин дастурини тайёрлашда нимага эътиборни қаратиш керак,

- А) иштриокчилар сонига
- Б) жихозлар ва совринларга
- В) аудиторияни ўзига хослигига
- Г) ўйинларни хилма – хиллиги

43. Режисёр ўйин дастурини ташкил қилишда нималарга эътибор қаратиши керак?

- А) жихозлар ва хақимлар хайатига
- Б) ўтказиш жойи, ўйиннинг мавзуси аудиторияга

- В) хакамлар хайатига
- Г) иштирокчилар сонига

44. Интеллектуал ўйинни асосий мақсади

- А) Мантикий фикрни ривожига
- Б) Хотира ижодий тассавур, фикрлашни ривожига
- В) Эмоционал таъсирга
- Г) Жисмоний ривожланишга

45. Ўйин дастурларида кўнгил очар ўйинларга нималар киради?

- А) Викторина саволлари
- Б) Сюжет роллиўйинлар
- В) Кам ҳаракатли ўйинлар ва танловлар
- Г) Ишбилармон ўйинлар

46. Конкурс ва ўйин дастурларга ким ҳулоса қилади?

- А) Ўйин иштирокчилари
- Б) Томошабинлар
- В) Дастур ташкилотчилари
- Г) Махсус ҳаким

47. Бошловчининг ўйин дастуридаги роли нимада?

- А) Ўйин дастури муаллифи
- Б) Яхши кайфият устаси
- В) Дастур ташкилотчилари
- Г) Сухандон

48. Ўйин дастурини тузишда нимага эътибор бериш керак?

- А) Бадиийликка
- Б) Импровизация санъатига
- В) Оддийдан мураккабга томон
- Г) Композицион тузилишга

49. Ўйинни оммавий байрамдаги аҳамияти

- А) Вақт ўтказиш
- Б) Байрамона дам олиш
- В) Томоша қилиш
- Г) Ижодий жараёнда

50. Дам олишда ўйиннинг аҳамияти

- А) Вақт ўтказиш
- Б) Совға олиш манбаи

- В) Ижод манбаи
- Г) Яхши кайфият, соғлиқ манбаи

51. Ўйин дастури нима асосида қурилади?

- А) Композицион қурилишга
- Б) Оддийдан мураккабга томон
- В) Бадийликка
- Г) Импровизацияга

52. Халқ ўйинларига қайси ўйин киради?

- А) Шаҳарлар
- Б) Ўйлаб топ
- В) Оқсоқ қарға
- Г) Қувноқлар ва зукколар

53. Капитал шоу ўйин дастурига қайси ўйин киради?

- А) Мўжизалар майдони
- Б) “Қани етиб ол”
- В) “Энг ақилли ким?”
- Г) “Заковат”

54. Ишбилармон ўйин дастурига қайси ўйин киради?

- А) Эртақлар яхшиликка етаклар
- Б) “Қувноқлар ва зукколар”
- В) “Балли қизлар”
- Г) Осиё-лото

55. Танлов ўйин дастурига қайси ўйин киради?

- А) “Ким миллионер бўлмоқчи?”
- Б) “Нима?, Қачон?, Қаерда?”
- В) “Миллат хазинаси”
- Г) “Қувноқ стартлар”

56. Сюжет-ролли ўйинлар қайси ТВ ўйинлар киради?

- А) “Юлдузли он”
- Б) “Қувноқлар ва зукколар”
- В) “Такси”
- Г) “Ажойиб еттилик”

57. Воқеабад ўйинларга қайси ўйин киради?

- А) “Подшо- вазир”
- Б) “Шаҳарлар”

- В) “Лапта”
- Г) “Қирқ тош”

58. Машғулот, меҳнат фаолияти билан боғлиқ ўйинни аниқланг

- А) “Силлиқ тош”
- Б) “Подачи”
- В) “Сополоқ”
- Г) “Оламон пойга”

Фойдаланилган адабиётлар

- Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т. «Ўзбекистон» 1994.
- Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. “Ўзбекистон” 1994.
- Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. “Ўзбекистон” 1999.
- Сайфуллаев Б.С. “Импровизационно-творческая игра как метод организации массовой культурно- просветительной работы» Л.НДА 1987
- Қорабоев У.Х. Народные игры пути их возрождения и развития (Традиционное народное творчество: проблемы возрождения и развития) Т. «Фан» 1991.
- Қорабоев У.Х. Ўзбек халқ ўйинлари. Т. «Санъат» 2001.
- Қорабоев У.Х. Ўзбекистон байрамлари. Т. 2004.
- Носирова А.М. Шахс ўйин маданияти. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т.2001.
- Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти. Т.1992.
- Ҳабибулло Ғофур. Халқ ўйинлари кўшиқлар ва анъаналарга бир назар. Т. «Камалак» 1992.
- Галиев Ш.К. Ўзбек болалар ўйин фольклори. Т. “Фан” 1998.
- Насриддинов Ф, Қосимов А. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. Тўплам. Т. 1993.
- Қосимов Н.К. Фольклор мусиқа ижрочилиги. Ғ.Ғулом нашриёти. Т. 2003
- Усмонхўжаев Т., Хўжаева Ф. Ҳаракатли ўйинлар Т. “Ўқитувчи” 1992.

- Усмонхўжаев Т., Хўжаева Ф. Минг бир ўйин Т. “Ибн Сино” 1990.
- Абдурахимов Т. Ўзбек халқ ўйинлари ва томошалари. Т. НДА 1997.
- Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. Т. 1974.
- Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалари фольклори. Т. 1975.
- Миллий ҳаракатли ўйинлар. Т. 2001.

М У Н Д А Р И Ж А

Халқ ўйинлари тарихи	3
Оммавий байрамларда халқ ўйинларининг замонавийлиги ва уларнинг тутган ўрни	17
Халқ ўйинлари шакли ва уларнинг мазмундорлиги	24
Ўйин дастури сценарийлари	
«Шум боланинг саргузашти»	62
«Иван Васильевич касбини ўзгартиради»	69
«Ўзбек тўйларига марҳабо»	74
«Ўрмонда Янги йил»	81
«Кавказ асираси»	87
Тест саволлари	93

СОДЕРЖАНИЕ

История народных игр	3
Современность народных игр их рол в массовых праздниках	17
Формы и содержание народных игр	24
Сценарии народных игр	
«Приключение озорника»	62
«Иван Васильевич меняет профессию»	69
«Добро пожаловать в узбекские свадьбы »	74
«Новый год в лесу»	81
«Кавказская пленница»	87
Тесты	93

CONTENS

Introduction	3
Examples of the public plays and rule of their undertaking	17
Scenario of the public plays	
«Adventure of the mischief-maker»	62
«Ivan Vasilievich changes profession»	69
«Welcome to Uzbek weddings»	74
“New year in vood”	81
“Caucasian plennisa”	87
Tests	93